



**Ислом цивилизацияси марказини барпо этишга
киришар эканмиз, мен, дунёнинг қаерида бўлмасин,
тарихимизга тегишли бир варақ қўлёзма бўлса ҳам, битта
экспонат бўлса ҳам топиб, юртимизга олиб келишни орзу
қилган ва шу вазифани ўртага қўйган эдим. Минг шукурки,
бугун ана шу мақсадимизга аста-секин эришяпмиз.
Бу ишларни, албатта, давом эттирамиз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

(Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросимидаги нутқидан.)

МУНДАРИЖА



34

4



12


58



76



28



4. ШАРҚДАН НУР

Сармишсойдан менгача

12. НАВРЎЗ ГУРУНГЛАРИ

Неки кўнгилда кечар,
табиатга ҳам кўчар

20. КАРВОН ҚҲНФИРОҒИ

Аввалгиларга ўхшамас

28. ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГГА

Қалтис саволларга нозик жавоблар

34. МИЛЛАТ ХАЗИНАСИ

Эшигингни эл очсин

40. XXI АСР ЎЗБЕК ФАНИ


Илм истеъдодни эмас, изчилликни
синовдан ўтказди

48. ТАВСИЯ

Эшиклар очиқ, аммо...

52. МУЛОҲАЗА

Муסיқий тафаккур жумбоғи



94



58. СУРАТ ВА СИЙРАТ

Одамзод бир куйки, талқини минг хил

76. КИТОБНИНГ КУЧИ

Эрдам баши тил

84. ТАРИХ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Машраб мозаикаси

94. МИЛЛАТ ВА ИЛЛАТ

Калаванинг учи қаерда?

102. ХОТИРА ДАРСЛАРИ

Муаллимнинг бегонаси бўлмайди

108. МАЗВУ ВА ТАҲЛИЛ

Сунъий интеллект чегараси

САРМИШСОЙДСОН МЕНГАЧА...

Ҳар бир инсон қалбининг туб-тубида ўзига ва Оллоҳагина маълум ардоқли ўйлари, умидлари бўлади. У бу эзгу ҳисларни бировга айтмайди, ёлғиз қолганида пичирлаб, кулимсираб ёдлаб юради. Бу ўйлар, умидларнинг қачондир рўёбга чиқишига қаттиқ ишонади. Пинҳон ва гўзал ушбу сир унинг ҳаётига маъно, руҳига қудрат бағишлаб туради мудом. Ва бир куни бу умид амалга ошади. Ана шу воқелик, шу одам умрининг маъзи бўлади.

Халқнинг ҳам худди шундай эзгу, бировларга бергусиз, яширин турган миллий ҳазиналари бор. Уни ҳамиша ҳам ҳамма билавермайди. Шу маънода, Абдулҳамид Чўлпоннинг «Халқ денгиздир» деган ташбеҳи жуда терандир. Бу денгиз қаърида жуда катта дафиналар бор. Уни бир кун келиб моҳир ғаввосгина олиб чиқиши, хабарини ўзгаларга етказиши мумкин.

Собир ЖУМАЕВ

“

10 гектарлик майдонда барпо этилган марказ биносининг узунлиги 161 метр, эни эса 118 метр бўлиб, у уч қаватдан иборат.





Ўзбекистон давлатчилиги тарихида бемисл маданий ҳодиса содир бўлди!

Тошкенти азимда Ислом цивилизацияси маркази қад ростлади. Тўққиз йил муддатда, Ўзбекистон Президентининг ташаббуси ва қарорига кўра вужудга келган бу марказ ўтмиш ва келажак туташган, уч минг йиллик давлатчилик тарихимизни ўзида жамлаган, чин маънода халқимизнинг ифтихори тимсоли бўлди десак, асло ошириб юбормаган бўламиз.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг бунёд этилиши ҳақидаги хушхабар биринчи марта давлат раҳбарининг 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида жаҳон аҳлига эълон қилинган эди. Ва ниҳоят бугунги кунга келиб бу ният амалга ошди. Эзгу орзу рўёбга чиқди.

10 гектарлик майдонда барпо этилган марказ биносининг узунлиги 161 метр, эни эса 118 метр бўлиб, у уч қаватдан иборат. Марказдаги гумбаз баландлиги 65 метр. Бино 1,8 гектар жойни эгаллаган, фойдаланиш ҳудуди 42 минг квадрат-метр.

Ҳар бир инсон қалбининг туб-тубида ўзига ва Оллоҳагина маълум ардоқли ўйлари, умидлари бўлади. У бу эзгу ҳисларни бировга айтмайди, ёлғиз қолганида пичирлаб, кулимсираб ёдлаб юради. Бу ўйлар, умидларнинг қачондир рўёбга чиқишига қаттиқ ишонади. Пинҳон ва гўзал ушбу сир унинг ҳаётига маъно, руҳига қудрат бағишлаб туради мудом. Ва бир куни бу умид амалга ошади. Ана шу воқелик, шу одам умрининг мағзи бўлади.

Халқнинг ҳам худди шундай эзгу, бировларга бергусиз, яширин турган миллий хазиналари бор. Уни ҳамиша ҳам ҳамма билавермайди. Шу маънода, Абдулҳамид Чўлпоннинг «Халқ денгиздир» деган ташбеҳи жуда терандир. Бу денгиз қаърида жуда катта дафиналар бор. Уни бир кун келиб моҳир ғаввосгина олиб чиқиши, хабарини ўзгаларга етказиши мумкин.





Темурдан бошланган иккинчи ренессанс даври Шохрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Шайбонийхон, Мирзо Бобур, Камолиддин Беҳзоддек аждодлар фаолияти билан катта бир даврни қамраб олади. Айни пайтда дунёнинг 16 та давлати ҳудудида Амир Темур ва темурийлар давридан қолган обидалар аниқланган.



Тешиктош ғоридан топилган неандертал одам суяқларининг ёши ДНК текширувларидан кейин 70 минг йилдан зиёд экани аниқланди. Шу ғор топилгунча нафақат юртимиз тарихига, балки Марказий Осиё халқлари ўтмишига нисбатан Ғарбда беписанд қарашган. Даъво қилишларига кўра, асл тарих биздан бошланган, бизда цивилизация пайдо бўлганида бошқа жойларда ҳаётнинг асари ҳам бўлмаган деган орийларча қараш илмий доираларда бот-бот такрорланар эди. Бироқ археолог Алексей Окладников бошчилигидаги экспедиция топган бу ғор ва ундаги ашёлар бутун дунё эътиборини Марказий Осиёга, Ўзбекистонга қаратди. Бу манзил-маконларда илк одамлар қадимдан яшаган экан деган тўхтам тан олинди ва Зовталашган дараси фан тарихига кирди.

Бу сўзларни бита туриб, узоқда эмас, шундоқ Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудидаги Ислом цивилизацияси марказининг мавжудлиги кишига ёқимли туш каби туюлади. Аммо бу туш эмас, айти ҳақиқат. Бу манзилга бутун халқимизнинг босиб ўтган йўли, бутун тарихимиз йиғилиб келган.

...Эй, Окс ва Яксарт, Жайхун ва Сайхун, Амударё ва Сирдарё... эй, номи ўзгарса ҳам қисмати ўзгармаган, сувлотидан душманлари сув ичса-да, қуриб қолмаган, муқаддас бурчини унутмаган она дарёлар... Юқори ва қуйи ўзанларида қадим аждодларим қапа тиккан, боболарим давлат қурган, ўтмиш карвонлари сув ичиб, чанқови қониб бугунгача етиб

келган. Донишманд шоир Абдулла Орипов «Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ» деб ёзганди. Ҳақроост: ушбу дарёлар бўйида яшаб келган аجدодларимизнинг қони бугун ҳам шу дарёлар каби шарқираб оқмоқда.

Ҳазрати Имом мажмуасининг кенг ҳаворига тарихнинг уч минг йиллик йўлини босган вазмин карвонлари келиб тўхтаганга ўхшайди ҳозир. Нафақат уч минг йиллик, балки одамзод атак-чечак бўлган даврдан то бугунгача бўлган вақт ҳосиласи шу ерда тўпланган.

Гулхан ёқиб ўтирган неандертал бободан тортиб 80 минг йил аввал ясалган ўқ-ёйларгача (Обираҳмат ғори. Бўстонлиқ туманидан топилган), 100 минг йил давом этган Мусте даври тасвирий санъати бўлмиш Сармишсой қоя суратларигача,

Исломгача бўлган қадимги давлатлар – Бақтрия, Хоразм, Сўғд, Чоч ва Паркандан (Довон давлати. Фарғона) Ислом дини кириб келгандан кейинги тараққиёт босқичларигача...

Сўнгра жаҳон тарихига биринчи ренессанс номи билан кирган, Мовароуннаҳр фарзандлари дунёга довруқ солган шонли ўтмиш – ўнлаб улуғ номлар, юзлаб жаҳоний кашфиётлар даври бошланиб кетади.

«Миқёс ан-Нил» қурилмасини яратган Фарғоний асарларини чуқур ўрганган Христофор Колумб Американи топиб борганига тарих шоҳид бўлса, Берунийнинг Колумб сафаридан 462 йил бурун ёзилган «Ҳиндистон» асарида бу макон ҳақида аниқ маълумотлар берилган эди. Ер радиусини, меридианини, Ой ва Ер ўртасидаги масофани XI асрдаёқ аниқлаган бу аллома яшаган даврни замонамизнинг йирик олими америкалик Фредерик Стар бежиз «Беруний асри» деб баҳоламаган.

“

Марказдаги асосий зал – Қуръони карим зали. Бу ерда мусулмон дунёсининг маънавий дурдонаси – VII асрда қўлда кўчирилган, халифа Усмон розийоллоху анхунинг қутлуғ қони сачраган Усмон мусҳафи жойлаштирилган.



Биринчи ренессанс даври шу қадар тифиз ва бойки, битта манзил-маконда, бир неча асрда бу қадар улкан юксалишлар бўлишига инсоннинг ақли бовар этмайди. Зеро, бепоён вақтнинг олдида уч-тўрт аср дегани сониядек гап.

Муҳаммад Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Фарғоний, Форобий, Бухорий, Термизий, Ғиждувоний, Яссавий каби зотларнинг башарият хирмониға қўшган ҳиссалари бетимсолдир. Уларнинг ҳар бири битта маънавий юксалиш даврини бошлаб беролган.


Иккинчи ренессанс даври Амир Темур билан бошланади. Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»сида битилгани каби тарихда тождорлар кўп ўтган. Аммо энг обод, маърифатпарвар империяни тузиш ва уруш ҳамда жаҳолат йўлини эзгулик томон ўзгартириш уларнинг ҳаммасига ҳам насиб этмаган. Шу маънода Амир Темур ягонадир. Темурдан бошланган иккинчи ренессанс даври Шохрух Мирзо, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Шайбонийхон, Мирзо Бобур, Камолиддин Беҳзоддек аждодлар фаолияти билан катта бир даврни қамраб олади. Айни пайтда дунёнинг 16 та давлати ҳудудида Амир Темур ва темурийлар давридан қолган обидалар аниқланган.



Узоқ тарихни ёдлаб, ўтмиш зотлар ва буюк эврилишларни хотирлаб туриб, беихтиёр улуғвор марказдаги залларга кириб келасиз. Худди тарих тулпоридан тушиб, бугуннинг ҳудудиға кирган каби. Тўмарис ва Эрон шоҳи Кирнинг тарихий жанглари манзараси, ўша даврга оид экспонатларни кўрасизми, XX асрдаги маърифатпарвар жадидлар жасорати акс этган тасвирлар, уларнинг асарларининг асл нусхасига дуч келасизми, ҳамма-ҳаммаси бизники деган ўй юракни, туйғуни баландлатади, кўтаради.

Марказнинг асосий эшиги устида Алақ сурасининг 1-ояти – «Яратган Роббинг номи билан ўқи» сўзлари битилган. Шундай илоҳий даъват билан бошланган саёҳат давомида инсон жуда катта даврни бошдан кечирган каби ўзгача ҳолатга киради.





“

Бу ерда дунё фондларида сақланаётган Ўзбекистонга дахлдор 114 Қуръон лойиҳасига киритилган қўлёзмалар кўрсатилган.



Марказдаги Сармишсой қоятош суратларидан бугунгача – бизнинг давргача бўлган йўл ҳар қандай йўловчини ҳоритади. Аммо бу ҳорғинлик замирида жуда катта ҳордиқ ҳам бор. Бу фахру гурурга, ўзликка қайтиш, ўзни таниш, тафаккур этиш ҳордигидир.

Марказдаги асосий зал – Қуръони карим зали. Бу ерда муслмон дунёсининг маънавий дурдонаси – VII асрда қўлда кўчирилган, халифа Усмон розийоллоҳу анҳунинг қутлуғ қони сачраган Усмон мусҳафи жойлаштирилган. Бу зал деворларида Мусҳаф оятлари туширилган саккизта ипак гилам тўртта равоқда намоиш этилган. 65 метр баландликдаги гумбаз остида 50 тонналик йирик қандил ўрнатилган ва у бир миллиондан ортиқ қимматбаҳо тош билан безатилган. Бу ерда дунё фондларида сақланаётган Ўзбекистонга дахлдор 114 Қуръон лойиҳасига киритилган қўлёзмалар кўрсатилган.



Тарих орқага қайтиб келгандай. Ўтиб кетган аждодлар баайни ҳаётга қайтдилар. Ўртадаги вақт девори олиб ташлангандек... Уч минг йиллик буғу ҳайкали ҳам, Ибн Сино асарининг XV асрда кўчирилган нусхаси-ю Сарой-мулкхонимнинг ҳаводор либоси ҳам шу ерда. Шу ерда энг қадимги шахмат тошлари-ю жаҳид боболарнинг асл ашёлари... пахтакор, пиллакор, чорвадор, елкаси қаварган халқнинг яқин ўтмишдаги ҳаётидан тасвирлар ҳам мужассам.

Қанча босқинлар ва зулм остида давр ўтказган бўлмасин бу миллат улуг денгиз каби ўз қаъридаги жавҳарларини асраб қололган экан. Бугун миллат хазинаси ўз ўрнини, қимматини, муносиб жойини топди. Юзлаб қўлёзмалар, осори атиқалар хориждаги кутубхона ва музейлардан сотиб олиб келинган. Ҳали тагин қанчаси олис ўлкаларда турибди. Масалан, Мирзо Улуғбекнинг нефрит пиёласи Британия музейида, Навоийнинг илк девони (1465 йилда кўчирилган) Россия миллий кутубхонасида, ҳазратнинг ҳаёт пайтида кўчирилган «Хамса» Буюк Британиянинг Бодлеан кутубхонасида сақланмоқда...



Марказнинг «Янги Ўзбекистон – Янги ренессанс» экспозицияси ҳар бир томошабиндан алоҳида эътибор талаб қиладики, бунда мамлакатимизда сўнгги тўққиз йилда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий ислохотлар, эришилган ютуқлар, ташқи ва ички сиёсатнинг устувор йўналишлари ёритиб берилади.

Бир сўз билан айтганда, Ислом цивилизацияси маркази ватанимиз учун тарихий, сиёсий, диний, маънавий жиҳатдан олтин узукка қўйилган кўздек муносиб, бағрида тарих ҳам, келажак ҳам яшайдиган улкан обида бўлди.

Минг эшитгандан бир бора кўрган афзал деганларидек, бу марказни ҳар бир элдошимиз келиб кўриши, зиёрат қилиши керак. Зотан, ватан зиёрати ҳар кундир!



Қачондир қилиниши керак бўлган, амалга оширилмаса асл мақсадга етишиб бўлмайдиган, юрт истиқболига дахлдор ишлар бор. Ҳар бир халқнинг тақдирида бундай юмуш-вазифа мавжуд. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг барпо этилиши ана шундай асрий орзулар рўёби, халқимиз узоқ вақтлардан буён кутиб юрган улуг иш, вазифа эди. Ана шу бурч бажарилди.



“

Қанча босқинлар ва зулм
остида давр ўтказган
бўлмасин бу миллат улуг
денгиз каби ўз қаъридаги
жавҳарларини асраб
қололган экан. Бугун
миллат хазинаси ўз ўрни-
ни, қимматини, муносиб
жойини топди.

Неки кўнтилда кечар,



**АБИАТГА
ҲАМ
КЎЧАР**



Фолклоршунос олим
Шомирза Турдимов
билан суҳбат




– Наврўз байрамнинг ёши ҳаммани қизиқтиради. Олимлар орасида Наврўз уч минг-беш минг йиллик тарихга эга деб, исботига қоятошлардаги суратларни мисол келтирадиган тадқиқотчилар ҳам бор. Ёзма манбаларда ҳам унинг қачон пайдо бўлгани тўғрисида турли фикрлар учрайди. Бу ҳақда сиз нима дейсиз?..

– Наврўзни Одам ота ва момо Ҳаво ҳақидаги тасаввурлар сингари қадимий десак тўғрироқ бўларди. Инсон аввал кузатган, англаган – қуёш қачон чиқади, қай пайт ботади; кун-тун қандай узайиб, қисқаради. Бу англамдан ташқари, қон хотирасида сақланадиган билим-кўникмалар ҳам бор. Яъни, инсон илҳом орқали оладиган улкан билимга тегишли яхлит хулосалар ҳам мавжуд. Наврўз инсоннинг ўзи англаб етган ва унга англатилган билимлар хулосаси, хотиралар мажмуидир.

Табиатда кун ва тун тенг келадиган пайтлар бор. Улар йилда икки марта такрорланади: бири кўкламдаги, иккинчиси куздаги тенгкунлик, кунтурар. Ҳар кунтурардан сўнг табиат ўзгаради: кўкламда уйғониб, кузда уйқуга кетади. Румий ҳазратлари қишни йиғилиш фасли, кўклам ва ёзни сарф қилиш даври деган. Булар бир-бири билан боғлиқ ва бири иккинчисини тўлдиради. Масалан: «боласин ичида ётур онаси, тарбия қилса бўлар боболаси»¹ дегани каби бир-биридан туғиладиган табиат ҳодисаси булар. Инсон табиатни шундай англаган, кўрган, кузатган.

¹ Боболаси – «яна боласи» дегани.

“ НАВРЎЗНИ
ОДАМ ОТА ВА
МОМО ҲАВО
ҲАҚИДАГИ
ТАСАВВУРЛАР
СИНГАРИ ҚАДИМИЙ
ДЕСАК ТЎҒРИРОҚ
БЎЛАДИ. ИНСОН
АВВАЛ КУЗАТГАН,
АНГЛАГАН –
ҚУЁШ ҚАЧОН
ЧИҚАДИ, ҚАЙ ПАЙТ
БОТАДИ; КУН-ТУН
ҚАНДАЙ УЗАЙИБ,
ҚИСҚАРАДИ.



– Қадимда йил фасллари астрономик кузатувлар, табиат белгиларига асосланиб ажратилган. Қуёшнинг ҳамал буржиги кириши, кун узайиб, нурнинг кўпайиши, табиатнинг жонланиши каби ҳодисалар Наврўзнинг коинот ва табиат қонуниятларига ҳамоҳанг жорий этилганидан дарак беради. Қиш ва ёзни аниқ белгилашда қуёш тақвими қанчалик муҳим ўрин тутган?

– Қадимгиларнинг ҳисобида йил иккига – ёз ва қишга ажратилган. Олти ой ёз, олти ой қиш. Қиш ва ёз сўзлари моҳиятида ҳам бор бу тушунчалар: қуёшли куннинг узайиб, ёйилиши – ЁЗ аталган. Аксинча, туннинг чўзилиб, ёруғ кунлар қисқариши (қисилиши) – ҚИШ деб билинган. Одатда 22 мартдан кун, 22 сентябрдан бошлаб тун узайиб боради. Буларнинг орасида энг узун кун ва энг узун тун бор. Қуёшдан келаётган нурнинг кўпайиши эътиборга олинган учта манзил: 22 декабр, 21 март ва 22 июн кунлари куннинг чиқиш нуқталари – қўруқлари дейилган. Қуёш чиқувчи ва ботувчи манзилларнинг ҳар бирида қуёшга аталган ибодатхоналар тикланган.

Нурнинг камайиши жиҳатидан ҳисобланган вақт нуқталари қиш ҳисобидаги манзиллар дейилган. Юртимизда лангар деган жойлар бор – Лангар ота, Нурота лангари, Туркистон лангари. Бу лангарлар қуёш ботаётган жой, яъни қуёш лангар соладиган – қуёш тўхтаётган манзиллар ҳисобланган.

Биламизки, ой тақвими ҳам мавжуд. Бу тақвим Қамбар ва Ҳулкар юлдузлари ой билан тўқинаётган вақтларга қараб тузилган. Тўғал деб юритилувчи бу ҳисобга кўра, Қамбар тўғал – ёзги олти ойликда ўтган, Ҳулкар тўғал қишги олти ойликда кечган. Биринчисида нишонланувчи байрам ёзнинг бошланиши – Наврўз бўлса, иккинчиси қишнинг боши – 22 сентябр кунига тўғри келган. Илгари вақтларда уни сомон байрам – сомонтўй деб аталган.

Кейинги вақтларда уни нимагадир Меҳржон деб юритишди, аммо оммалашмади. Халқ олқишларида айтиладики: «омонлик-сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик». Омонлик – туғилиш билан боғлиқ, сомонлик-чи? Бу қишнинг келиши сомон – пишиқчилик, ҳосилларнинг етилиши даври билан белгиланган атама ҳисобланади. Халқ тасаввурида экилган уруғ ҳамалдан кейин кўкарса, гуллаб, мева бериб, кузга етиб яна уруғга айланган. Шу тушунчалар таъсирида йилбоши ва сомонтўй тимсоллари пайдо бўлган.

Йилбоши – Наврўзнинг тимсоли аввало гул, баъзан майса. Майса ўсади ва кузга бориб донга айланади. Майсанинг муқобилида куз/қишнинг тимсоли дон туради. Қўшиқда айтилади:

Ёмғир ёғалоқ,
Эчки чақалоқ,
Бойнинг қизининг
Қорни юмалоқ.



Бу ерда бойнинг қизи ким? Эчки нима? Аслида эчки кўкламнинг тимсоли, унинг муқобилида қишнинг тимсоли бўри туради. Кўкбўри деган ўйин бор, кўпқари ҳам дейилади. У қиш мавсумида ташкил этилади. Кўпқари ёзда ўйналмайди. Қўшиқда айтилган бойнинг қизи – ер тимсоли. Ерга уруғ экилди, лекин ёмғир ёғмаяпти, чунки ҳали кўклам ёш – эчкининг чақалоқлиги шундан. Кўклам тўлиқ амалга кирмади. Ёғингарчилик бошланмаяпти, агар ёғингарчилик бўлса, уруғ унади, ўсимлик ўсади ва халқнинг муроди ҳосил бўлади дейилмоқда. Бу қўшиқ кўкламни улугловчи қўшиқдир.

Масалан, бойчечак ҳақидаги қўшиқни кўкламнинг мадҳи, мадҳияси дейиш мумкин:

*Бойчечегим бойланди,
Қозон тўла айронди,
Айронингдан бермасанг,
Қозон товогинг вайронди.
Бойчечакни тутдилар,
Тут ёғочга осдилар,
Қилич билан чопдилар,
Бахмал билан ёпдилар.*

Ким у – қилич билан чопиладиган, бахмал билан ёпиладиган қаҳрамон? Булар бари кўкламда ўтадиган маросимнинг таърифи, тавсифи. Бойчечакнинг таърифи. Кўклам келганда, Наврўз пайтида, бойчечак маросими ўтказилган. Бу маросимда ҳар бир хонадонга бойчечак кўрсатилган. Қўшиқда айтилади:

*Бота-бота бойчечак,
Ўйингизга чош тилла,
Худойим ўғил берсин,
Отгинаси Раҳматилла.
Ўтириб чиқинг, ўтириб чиқинг,
Қозон-товоқни тўлдириб чиқинг.*

Бойчечакни олиб келганларга уй эгаси ҳадя берган. Бу ҳадялар йиғилиб, битта қозонга солинган ва «қозон тўлди» маросими ўтказилган. Бу маросим кўкламда йиғилган ҳадяларнинг битта қозонга тушганини билдиради. Гўёки, халқнинг



КЎКБЎРИ ДЕГАН ЎЙИН
БОР, КЎПҚАРИ ҲАМ
ДЕЙИЛАДИ. У ҚИШ
МАВСУМИДА ТАШКИЛ
ЭТИЛАДИ. КЎПҚАРИ
ЁЗДА ЎЙНАЛМАЙДИ.



йил аввалида келадиган ризқ-насибаси бир жойга йиғилган. Барча ҳадялар жамланиб, ўйин-кулгу бошланган. Халқ икки гуруҳга – Ёз тимсоли бўлган *бойчечаклар* ва Қиш рамзи – *бўриларга* ажралган. Бойчечакчилар гуллар билан безанса, бўрилар телпакларига қулоқ ўрнатиб қиш кийимини кийиб, ўзаро рамзий жанг қилган. Ўйин охирида бойчечаклар тўпи – ёз тўпи ғалаба қилган, бўрилар – қиш енгилган.

Яна бир «Кичкина» номли қўшиқ бор: бияданам кичкина, туяданам кичкина, охирида тариқданам кичкина дейилади. Бу қишнинг йўқ бўлиб кетишини, уруғга айланиб, ерга кириши ва қайта уйғонишга ҳозирлик кўришини ифодалайди.

Келтирилган қўшиқлар ва маросим айтимлари мағзида халқимизнинг Йилбоши – Наврўз ҳақидаги қадим қарашлари, одат ва маросимлар тизимини кўрамыз. Унутилган узвларини қайта тиклаш имкони туғилади. Ушбу қаторда сюжети бевосита ўлиб тирилувчи табиат ҳақидаги мифга тегишли «Гўрўғли» эпосини келтириш лозим. Гўрўғли образи қуёш ўғли сифатида ёз тимсоли, унинг муқобилида турган Райҳон подшо эса қиш тимсоли бўлиб келади. Бу аввало қаҳрамонларнинг макони тасвирида ойдинлашади.

Гўрўғли ва Райҳон яшовчи ҳудудларни дарё ажратиб туради. Уларнинг макони ўз ва ўзга дунё сифатида аниқ белгилари билан кўрсатилади. Файритабиий куч вакиллари дарёнинг нариги томонида яшайди. Ўзга олам фуқаролари айри туёқли дейилади, ёввойи сифатида баҳо олади. Достонда қаҳрамонлар тасвири ва кураши мағзида ҳам ёз билан қиш муносабатининг изоҳи турибди.



БОЙЧЕЧАКЧИЛАР ГУЛЛАР
БИЛАН БЕЗАНСА, БЎРИЛАР
ТЕЛПАКЛАРИГА ҚУЛОҚ
ЎРНАТИБ ҚИШ КИЙИМИНИ
КИЙИБ, ЎЗАРО РАМЗИЙ ЖАНГ
ҚИЛГАН. ЎЙИН ОХИРИДА
БОЙЧЕЧАКЛАР ТЎПИ – ЁЗ
ТЎПИ ҒАЛАБА ҚИЛГАН,
БЎРИЛАР – ҚИШ ЕНГИЛГАН.





– Модомики, достонда
Гурўгли ва Райҳон ёз ва қиш
тимсоли бўлиб келар экан,
унда кўкламга хос ҳовли-
жойларни тозалаш, мавсу-
мий саришталик маросим-
лари ҳам акс этганми?

– Қадимда йилига икки
марта маросимий кир
ювилган. Маросимни юрт
ҳукмдорининг оиласи бош-
лаб берган. Худди ўлим ма-
росимида майитга тегишли
нарсаларнинг оммавий
ювилгани каби. Халқ ёз ва
қиш мавсумига ҳам жисман
ва руҳан тозариб ўтиши
лозим деб анланган.

Бу инсон ҳаёти бош-
ланиши ва тугашига
уйқаш келади. Ўлиб-
тирилиш нафақат
табиатда, балки
ҳар бир инсонда,
жамиятнинг барча
босқичларида ҳам
рўй беради. Ом-
мавий кир ювиш
маросими сакрал
маъно ташиган.

– Наврўз қайси пайтдан бошлаб байрам
сифатида нишонлана бошланган?

– Наврўзни ҳар хил даврларга
боғлашади, уни маълум йил ва давр би-
лан чегаралаш мушкул. Байрам сифати-
да қачондан нишонланганини тахмин
қилиш мумкин, холос. Манбаларга му-
рожаат қилсак, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф
Хос Ҳожиб, Рабғузий, Беруний ва Алишер
Навоий асарларида у ҳақда маълумотлар
келтирилган. Энг асосийси, Кошғарий
асарида «Қиш билан ёз мунозараси» ту-
рибди. Бу халқ маросимининг шеърӣй
шакли, қиш билан ёзнинг бадӣй кўри-
нишда келган варианты. «Қиш ва ёз
мунозараси»да икки сўзамол, истеъдод-
ли ижрочи бир-бирига зид тимсолларда
гавдаланади.

Қиш билан ёз тўқнашди,
Қинғир (ёмон) кўз билан бир-бирига
қарашди.

(Бир-бирини) тутиб олишга интилишди,
(Бир-биридан) голиб келишга тиришди.
Ёз билан қиш қарама-қарши бўлишди,
(Уларнинг ҳар бири) мақтаниш ёйини
қуришди.

Қўшин тузиб, (бир-бирини) таъқиб
қилишди,

Ўқ отиш учун (бир-бирига) яқинлашишди
(Натан Маллаев. Ўзбек адабиёти тари-
хи» Т. 1993. 64-бет).

Демак, одамлар орасида шундай ма-
росим доимо бўлган ва унинг ёзма шакли
шуни кўрсатади. Оғзаки манбадан ёзма
манбага кейинроқ ўтилишини ҳисобга
олсак, бу маросим ген хотирада доимо
яшаб келганлигига, Наврўз бизнинг қон
хотирамизда келаётган жуда қадимий
байрам эканига амин бўламиз.

Қадимда аجدодларимиз йилнинг қан-
дай келишини Наврўз куни кечадиган
ҳолатлар, белгиларни кузатиб билиш
мумкин деб ишонишган, ирим қилиб, эъ-
тибор қилишган. Бизда ҳозир ҳам қўчқор,
хўроз уриштирилади. Бугун бу курашлар-
нинг фақат шакли қолди. Аслида булар

қадимда Наврӯз маросимида йилнинг қандай келишини фол кўриш учун қилинган амаллар бўлган. Хитой манбаларида «Фарғонанинг одамлари қизиқ экан, иккига бўлиниб олиб, уришар экан, кейин туя, кўчқор, хўроз уриштирар экан. Уларнинг уришганига қараб, йилнинг қандай келишини фол қилишар экан» деб ёзиб қолдирилган.

Хитой сайёҳлари қадимда кечган бойчечак маросимини кузатишган. Халқ иккига бўлиниб, бир томон ёз, иккинчи томон қиш бўлиб, гўёки рамзий жанг қилганини кўришган. Аммо унинг моҳиятини тушунмасдан, шаклини қабул қилишган ва борица ёзиб қолдирган. Демак, бу хитой манбаси уч ярим минг йиллик тарихдан сўзлаётган бўлса, шунинг ўзини ҳам Наврӯзнинг қадимдан келаётганини билдирувчи далил сифатида олса бўлади.


Яна бир муҳим факт Самарқандда ўтадиган Наврӯз ҳақида. У ерда олтин қобиқ ўйинининг тавсифи бор. Бунда халқ юпқа олтин тангани баланд шох ёки ёғочга илиб, ўқ узишган. Қайси киши олтин тангани ура олса, ғолиб бўлган ва бир кунлик Наврӯзнинг подшоси этиб тайинланган. Қобиқ юпқа дегани бўлиб, кейинчалик қовоқ, қобоқ шаклига ўзгарган. Халқ бахшилари репертуарида «Олтин қобоқ» деган дoston ҳам бор. «Гўрўғли» туркумига кирувчи бу дostonда ҳам Наврӯздаги каби беллашув уюштирилади. Албатта, шарт дoston мазмунига уйғун. Аммо Наврӯздаги шартга кўра, сайланган подшо байрамни ташкил қилишга масъул бўлган. Қадимда Самарқандда ўтказилган Наврӯз байрамида Наврӯз кириб келишига олти кун қолганда халқ рамзий равишда «подшо»нинг ҳалок бўлган ўғлининг жасдини даладан излашган, яъни ер ҳайдашган ва еттинчи кун уни топиб, тахтга ўтқазилган. Буларнинг бари рамзий, албатта.

Эҳтимол, Бойчечак қўшиғида куйланган саҳна: «Бойчечакни тутдилар, Тут ёғочга осдилар, Қилич билан чопдилар, Бахмал билан ёпдилар. Қаттиқ ердан қаталаб чиққан Бойчечак, Юмшоқ ердан юмалаб чиққан Бойчечак» айнан ана шу тафсилотни айтаётган бўлиши ҳам мумкин.

ҚАЙСИ КИШИ ОЛТИН
ТАНГАНИ УРА ОЛСА, ҒОЛИБ
БЎЛГАН ВА БИР КУНЛИК
НАВРЎЗНИНГ ПОДШОСИ
ЭТИБ ТАЙИНЛАНГАН.

“

Шомирза
ТУРДИМОВ
чизган суратлар



№1, 2026. 5-6

18

МАНАВИЙ ҲАЁТ

– Туркий халқларда қуёш ва ой тақвими дан бошқа тақвимлар бўлганми?

– Халқимиз орасида ҳозиргача сақланиб қолган деҳқон ва чорва ҳисоби деб юритилувчи икки тартибдаги тақвим ҳам мавжуд. Улар ўзаро бир ҳафта ё саккиз кунлик тафовутга эга бўлиб, бири деҳқонлар орасида, иккинчиси чарвадорлар ўртасида амал қилган. Яна «Тўқсон оғди» ва «Қантар оғди» деган кун ўлчамлари ҳам бўлган. Халқ қантар оғанда ердан ҳовур кўтарилади деб айтади. «Қантар оғса, қор турмас» деган мақол шундан. «Тўқсон оғанда тўрғай қадам кун узаяди, қантар оғанда қарға қадам кун узаяди» дейилади маталда. Қарға қадам тўрғай одимдан анча катта бўлгани сабаб кунлар анча узайиб, хийла исиб қолган. Шу пайтдан далага қўш чиққан. Наврўз арафасидаги биринчи рамзий қўшда «шоҳ мойлар» маросими ўтган.

Йилнинг келиши, нишонланиши муқаддас таомлари билан қадрли ва тотли кечади. Йилбошида Наврўз таоми – сумалак пиширилса, Сомонтўй таоми ҳалим ёки ёрма. Сумалак ундирилган буғдой майсасининг ширасидан тайёрланувчи таом. Унинг муқобилида қишнинг таоми – ёрма ёки ҳалимда уруғ янчилиб, эт билан қўшиб пиширилади. Бу таомлар айнан икки даврдаги илик узилди вақтида инсон танига қувват бўлиши, дармондори вазифасини ўташи билан аҳамиятлидир.



НАВРЎЗНИНГ БИЗГА
ЎРГАТАДИГАН ДАСТЛАБКИ
САБОҒИ ИНСОННИ
ЎЗЛИГИГА ҚАЙТАРИШИДА
БИЛИНАДИ.



Аслида табиат ва инсон уйғун яшаган. Ўсимликлар гуллайди, мева тугади, ҳосил пишиб етилади ва яна дарахт барг ташлаб, қиш уйқусига кетади. Бу табиатнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, шу каби инсон ҳам фаслларга уйғун яшаган. Лекин бугунги кунда шу мувозанат бузилмоқда, ҳамма нарсаяралашиб кетди. Муқаддас таомлар одатий таомга айланмоқда. Ҳозир сумалак ёзда ҳам, қишда ҳам ейиляпти, ҳалим, ош деярли ҳар кунлик оддий емак ўрнида.

Ўлчамлар ўзгариб кетди, авваллар инсон ҳаммасини ўрни-ўрнига, жой-жойига қўйган ва табиатга мос яшаган, экологик бузилишлар бўлмаган. Шу учун ҳам Наврўзнинг бизга ўргатадиган дастлабки сабоғи инсонни ўзлигига қайтаришида билинади.

Агар инсон ўзига қайтмаса, табиат ҳам, жамият ҳам издан чиқиб кетади. «Неки кўнгилда кечар, табиатга ҳам кўчар» дейилгани каби. Бу Йилбоши ва Сомонтўйнинг бизга ўқтирадиган энг катта сабоғидир.

Жамила АСҚАРОВА суҳбатлашди

АВВАЛГИЛАРГА ЎХШАМАС

Ўзувчи Ўлмас Умарбековнинг қизига ёзган мактубларини ўқидим. Охирида шундай жумла бор экан: «Давр ўзгариб кетди, қадриятлар ўзгарди...». Бу – ўттиз йиллар олдинги гап. «Қадриятлар ўзгарди» деган жумла мени қаттиқ ўйлантириб қўйди.

Ҳа, ҳозир «Ҳамма нарса ўзгариб кетди. Замон бутунлай бошқа бўлди...» қабилидаги гапларни ҳар кун, ҳар ерда эшитамиз. Албатта, катта ёшли кишилардан, чунки кеча билан бугунни улар қиёслаши мумкин-да. Баъзан бу янгилик эмас, оталар ва болалар ўртасидаги азалий баҳсга ўхшаб ҳам кўринади. Эҳтимол шундайдир. Балки ҳақиқатан бошқа қадриятлар даври бошланаётгандир...

Қадрият тушунчасининг илмий-ноилмий, тушунарли-ю тушунарсиз ўнлаб таъриф-тавсифларини китоблардан, интернетдан бемалол топа оламиз. Менинг оддий тушунчамга кўра эса қадрият – болаликдан «мана шу яхши, мана шу тўғри» деб онгимизга сингдирилган; биз учун қадрли, ардоқли бўлган нарса-ҳодисалар, меъёрлар, қоидалардир. Оила, қаноат, ҳалол меҳнат, уят ва орномус, камтарлик, меҳр-оқибат, виждон, ўзаро ёрдам, яхшилик, катталарга ҳурмат... – мана, биз учун ардоқли бўлган қадриятлар.

Хўш, бугунги дунё уларни қандай тушунаяпти?



Ҳаётнинг йўриғи ҳамиша шундай-ми ё дунё ниҳоятда шиддат билан ривожланиб, биздан илгарилаб кетдими, ҳарқалай, қадриятлар анча-мунча ўзгариб кетгандек. Шулар ҳақда ўйлай туриб, сунъий интеллектни суҳбатга тортдим. У интернет сарҳадларини сонияда айланиб чиқиб, совуққонлик билан бўлса ҳам бамаъни-жўяли гапларни гапирди, маслаҳатлар берди. Ҳа, жавоблар оқилона эди-ю, лекин силлиққина, у бизнинг инсон сифатидаги тақдиримизни ҳис этмаётгандек, куюнмаётгандек эди.

Балки ошириб юбораётгандирману, лекин азалий қадриятларнинг секин-секин ўзгариб бориши одам боласини алалоқибат ҳалок этадиган фожиалар сари йўл очаётгандек туюлди. Ҳа, аслида қалтис маънавий ўзгаришлар эмас, уларнинг тадрижи, оқибати мени ўйлантириб қўйган эди. Келинг, кўринмас суҳбатдошим «ёзиб берган» мақоладан айрим ўринлар ва ўзимнинг унга ҳаёлий жавобим, муносабатимни қисқартириброқ айтиб берай.

СИ (сунъий интеллект):

– Андиша ва ҳаёи каби миллий кодларимиз глобал «эркинлик» ниқоби остида заифлашмоқда. Илгари катталарнинг олдидан кесиб ўтмаслик ёки уларнинг сўзини бўлмаслик ёзилмаган қонун эди. Бугун эса буни «шахсий эркинликни чеклаш» деб ҳисоблайдиганлар кўпайди. Албатта, эркин фикрлаш ва ўз ҳуқуқини билиш ёмон эмас, лекин бу қадриятлар маънавий илдизлардан узилиб қолса, жамият «қуруқ дарахт»га айланмайдими?

Мен:

– О, шахсий эркинлик, ўз ҳақ-ҳуқуқини билиш дейсанми? Олий даражадаги тушунчалар-ку! «Бу қадриятлар маънавий илдизлардан узилиб қолса, жамият «қуруқ дарахт»га айланмайдими?» дединг силлиққина қилиб. Лекин бугун улар но-жўя ишларни, ҳатто ёвуз кирдикорларни ниқоблайдиган қуролга ҳам айланиб кетаяпти, ақлвой дўстим. Қадриятларга ҳам, одамнинг ўзига ҳам хавотирли таҳдидлар кўп ҳолларда «ҳақ-ҳуқуқ», «шахсий эркинлик» даъвоси билан содир бўлаётгандек назаримда. Фикрлайдиган одам эркинлик дегани нисбий эканини билади. Лекин сен айтганларинг ҳали ҳолваси. Бугун кўнгилга келган номаъқулчиликни қилиш ҳам, бузуқлигу Лут қавми қилмиши ҳам эркинлик бўлиб қолди. Ифво хатларни кўтариб масъул одамларнинг вақтини ҳавога совураётганлар ҳам, жуфтидан қасд олиш учун болаларини ҳалокат қўйнига отаётганлар ҳам ҳақ-ҳуқуқ даъвосини қилади. Тўғри, инсон озод, ҳур қилиб яратилган. Одамлик ҳақлари бисёр. Лекин эркинлиكنинг чегаралари Парвардигор белгилаб берган жойгача. Бугун ўша чегаралар ўз бошимчалик билан бузилиб, одам боласи уни сурбетларча ўз хоҳишлари қадар кенгайтириб олаётир. Улуғ адиб Фолкнер айтганидай, «Баъзи одамлар худонинг ишларини худонинг ўзидан кўра яхшироқ биламиз деб ўйлашади».

СИ:

– Бугунги кунда энг кўп хавотир уй-ғотадиган жиҳат баъзи абсолют қадриятларнинг нисбийлашиб бораётганидир. Оила муқаддаслиги: кўпгина жамиятларда оила институти инқирозга юз тутмоқда. Никоҳга масъулият эмас, балки вақтинчалик келишув сифатида қараш кучайган.

Мен:

– Биласанми, оила – биз учун Одам Ато ва Момо Ҳаводан қолган, инсоният ҳаёти давоматини таъминлайдиган энг қадимий муқаддас тушунча. Одам боласининг рўйи заминдаги илк жамияти. Бугунги дунёда, шукурки, биз ўзбеклар оила қадриятларини энг кўп сақлаб қолганлардан биримиз. Биздаги оила «вақтинчалик келишув» эмас ҳозирча. Лекин ажримларнинг кўпайганини инкор қилолмаймиз. Бувиларимиз «битта оила бузилса арш ларзага келади» дер эди; бу кетишда охири осмон бошимизга қуламаса эди... Кошки фақат шу бўлса! Дунё бўйлаб суррогат оналик, бир жинсли оилаларнинг расман тан олиниши, ҳатто уларга фарзанд асраб олишга рухсат берилиши-чи? Буларниям биласан. Фожиа, нақ фожиа! Шу нарсалар ҳам оила деган қадриятга муносабатнинг кескин ўзгариб бориши, шахсий эркинлик даъвоси оқибати эмасми? Бу ўргимчак тўри секин-аста бутун дунёни эгалламаслигига кафолат борми?




СИ:

– Илгари инсоннинг қадри унинг бировларга қанчалик кераклиги, маҳаллақўй ва яқинлари учун қилган фидойилиги билан ўлчанар эди. Бугун эса мезонлар ўзгарди. Энди «муваффақият» тушунчаси маънавий юксалишдан кўра моддий бойлик, шахсий қулайлик ва виртуал оламдаги машҳурлик билан алмашиб қолгандек.

Мен:

– Ҳа, шоир айтганидек, «Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас». Муваффақият тушунчаси-ку бутунлай маъносини ўзгартирган. Сайру саёҳатдан бўшамайдиганлардан тортиб, китоб ёздирган ёки китоб чиқарган, не бир йўллар билан сайловдан ўтиб олганларгача бугун ўзини муваффақият шоҳсупасида деб ҳис қилади, бошқалар ҳам шундай ўйлайди. Ҳозир машҳурликка билим, меҳнат, истеъдод кабилар билан эришиш шарт эмас. Оилани кўз-кўзлаб ёки ёт кўзларни ётоқхонага қаратиб ёки ўзидан психологми, косметолог ясаб... «Instagram»даги «подписчик»лари сонини ошириб олишни уддаласа бўлди. Қолганлар худди бир замонлар Европа ёшлари Наполеон бўлишни орзу қилгандек шуларга ҳавас қилади, шуларга тақлид қилади. Шулар туфайли баъзан оилалар дарз кетади... Юлдузлик касалига чалиндик биз, ақлвой! Ҳамма нарсани бозорга олиб чиқдик! Бир замонлар халқ орасида «Бозорда барака бор» деган ҳалол тушунча бугун «Бозор – шайтоннинг уйи» деган қусурли тушунча билан алмашиб қолаётгандай.

Қаноатдан ҳам гапирсанг-чи, буям одамзоднинг ибтидодан келаётган муқаддас қадрияти-ку. Биз бўлсак қаноатни унутдик. Муваффақиятга, шуҳратга, ҳокимиятга, бойликка, комфортга, тўқликка, лайкка... тўймайдиган очкўзга айландик. Бугун ҳар иккита шиордан биттаси тўхтамасликка, олға кетишга ундайди; «Сен ҳамма нарсага қодирсан» дея қитиқлайди. Бугуннинг



Кўпгина жамиятларда
оила институти
инқирозга юз тутмоқда.

шиддати шундайки, «Нафсинга “ҳайт!” де», «Қаноатга ўрган» десак, худди замондан орқада қолгандекмиз. Ўзгалар наздида ҳасадгўйга, инсон такомили, тараққиёт душманига айланиб қолиш ҳам ҳеч гапмас. О, қаноатсизлик фожиалари... Уларнинг миқёси, кўлами қанчалар кенг! XXI асрда қайтадан авж олган урушлар, ўзгалар юртини эгаллаш даъволари, ҳокимият васвасаси, дунёни бошқариш иддаоси... қаноат фанини унутишдан келиб чиқмаяптими?



Ўлмас Умарбеков қизига ёзган ўша мактубида қадриятлар ўзгарганини айтади-ю, кетидан «лекин ҳамма даврда ҳалол меҳнат, поклик, одамийлик қадрланган» дейди. Ў, соддадил, некбин ёзувчим-а! Мана, бу ҳақда ақлвой менга нималар деяпти: «Ҳалоллик ва меҳнат; тез ва осон бойлик орттириш иштиёқи ҳалол меҳнат ва сабр каби фазилатларни эскилик сарқитидек кўрсатиб қўймоқда»...

Оламшумул Стефан Цвейгнинг «Амок» деган новелласи бор. Ҳикояни ўқиб, шу сўзга қизиқдим. Амок дегани онг бузилиши билан кечадиган касаллик экан. Беморда тўсатдан тажовузкорлик хуружи уйғониб, у атрофдаги ҳамма нарсани, учраган одамни йўқ қилишга интилиб югуриб кетар экан. Хуруж бемор тўхтатилгунча ёки ўзи беҳуш бўлиб йиқилгунча давом этар экан. Бугун одамийликнинг энг азиз қадриятлари руҳи хаста одамлар хуружига учраётгандек. Ишқилиб, тўхта-та олайлик-да уни...

Ҳа, бутун дунёда қадриятлар ўзгариб кетгандек. Минглаб кўринишларда, минглаб мисолларда. Уларни бирма-бир сана-нашнинг иложи йўқ.



Ўлмас Умарбеков қизига ёзган ўша мактубида қадриятлар ўзгарганини айтади-ю, кетидан «лекин ҳамма даврда ҳалол меҳнат, поклик, одамийлик қадрланган» дейди.

З

Бизнинг онгимизга ўзаро ёрдам, одамларга яхшилик қилишни ҳам гўзал қадрият сифатида сингдирганлар. Шу ҳақда ўйлаб, ижтимоий тармоқда хорижлик бир журналистнинг ёзганлари эсимга тушди. У шундай воқеани ҳикоя қилади: кичик шаҳарчада нотаниш одам йўлида учраган қизалоқдан бир манзилни кўрсатишни сўрайди. Қизалоқ бажонидил рози бўлади. Аммо бу разил мақсадни пардалаш учун ўйлаб топилган баҳона эди. Ҳалиги одам қизалоқни зўрлайди, хўрлайди... ва ўлдириб кимсасиз жойга ташлаб кетади. Инсон қиёфасидаги махлуқнинг қилмиши жамиятда жуда қаттиқ акс-садо беради, жиноятчи жазосини олади, албатта. Айтмоқчи бўлганим фақат шу эмас, бу воқеада одамни ларзага соладиган яна бир жойи бор; мусибатда, чорасиз она дейдики: «Ота-оналаримиз бизга “одамлардан ёрдамнинг аяма” деб ўргатишган эди. Йўқ! Энди болаларимизга одамларга яхшилик қилма, ёрдам берма деб ўргатайлик!». Бу гап юрагимни ларзага солди. «Наҳотки?» деб ўйладим. Наҳотки, одамзод шундай хулосага келди? Наҳотки, сўнгги чора шу бўлса? Жабрдийда онанинг алам билан айтган бу гапини ҳам тушуниш керак... Баъзан болаларимизни ёмонликдан, ёвузликдан асрашнинг йўли шу бўлиб қолса начора? Аччиқ савол бўғзимга қадалди: виждон, шафқат, ахлоқ, одамийлик деб аталмиш биз қадрлаган қадриятлар қани?



Виждон, шафқат, ахлоқ,
одамийлик деб аталмиш биз
қадрлаган қадриятлар қани?



Нафақат фарзандларимиз, ўзимизни асраш учун ҳам бугун гоҳо яхшилик қилмасликка мажбур бўлиб қоламиз. Дейлик, аэропорт ёки вокзалда бировнинг юкини холис хизмат учун ола билмайсиз; «Анойининг жайдари олмаси» ҳикоясини (Эркин Аъзам) ўқиган бўлсангиз, гап нимадалигини тушундингиз. Картага тушган пулни эгасига қайтараман деб жиноятга шерик бўлиб қолиш ҳам мумкин. Кўчада дуч келиб қолган нотаниш одам сиздан кимгадир телефон қилиб беришни сўраса, қўнғироқ қилиб бермаслик бугун виждонсизлик эмас, ҳимоядир. Ижтимоий тармоқлардан маънилироқ бир нимани бошқаларга илиниш ҳам бошоғриққа айланиши мумкин – остида тақиқланган ҳавола қўйилган бўлиб чиқади. Ҳатто севгидан ҳам кўрқасан бугун. Гаплашма, ёрдам берма, яхшилик қилма, севма... Инсоний қадриятлар онгимизга қуйилган, улар керакли лаҳзада машинаворий ишга тушади; лекин энди уларга «тўхта!» деймизми? Шу ҳушёрлик бўлиб қолдимиз? Шўрлик одамзод даҳшатли парадокс қаршисида ночор қолгандек. Яхшилик қилмоқчи бўлсанг, фақат ўзингга қил! Бироқ одам учун эзгуликдан эзгуроқ йўл ҳам йўқ-ку. Беғубор қалбли, нияти пок, муродбахш одамлар нима қилсинлар?

Яна СИга қайтдим. Ундан «аввалгиларга ўхшамас»лик сабабларини сўрасам, мисолларни қатор қилиб ташлади: технологик «портлаш»лар, интернет, устунликнинг алмашинуви («жон сақлаш»дан «ўзлигини намоён қилиш»га ўтилиши), урбанизация, иқтисодий мустақиллик (айниқса аёллар), рақамли инқилоб, танқидий тафаккурнинг кучайиши... Хулоса қилиб, «Бугунги фожиаларнинг илдизи инсоннинг ўз ички олаmidан узилишидадир» деди. Иқрор бўлишга мажбур бўлдим: ҳаммасига ўзимиз, одамлар сабабчимиз.

Лекин сунъий интеллект билан яна баҳслашгим келди. Ўзимча ўйладимки, замон ҳам, одамлар ҳам ўзгарган эмас. Ҳазрат Беҳбудий ҳам айтганки, «замоннинг мурури ила баъзи расм ва одатлар доимо ўзгариб турадики, бу ўзгариш бобомиз ҳазрати Одам замонидан бери воқеъ бўлуб келмоқдадур». Ҳа, ўзгаришлар, оғишлар, фожиалар, йўл излашлар, йўқотишлар, топишлар... фақат бугунга хос эмас. Улар инсониятга ибтидодан йўлдошдир. Антик замонлардаёқ бемисл файласуф Суқротни қатлга буюрганлар адолат номидан иш кўрган. Археологлар бундан 2400 йил олдинги жангчи ўқдонини топишган; маълум бўлишича, у инсон терисидан қилинган экан. Исо(а.с.) ни ўттиз пулга сотганлар. Маҳмуд Ялавоч ёвга дарвозаларни очиб берган...

Ҳижрий III аср охирида яшаб ижод қилган Ибн Марзубо деган киши ўз китобини «Кийим-бош кийганларнинг кўпидан кўра итларнинг афзаллиги» деб номлаган экан. У «ушбу китобни ошнасига яхшилик қилиб, отасига ёмонлик қилган, хотинига жилмайиб, онасига қовоқ уйган ношуд фарзандларга бағишлайман. Ҳамтовоқларига пулни аямай сочиб, ота-онасидан пул беркитган виждон-



сиз нокасларга бағишлайман. Ўйнашига ишониб эрсиз қолган бевафоларга, омонатга хиёнат қилган ҳар бир ғаддорга, васиятни беркитиб туғишганларига ёлғон гапирган каззобларга... Яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтарувчи ношуккур, нонкўрларга... Ҳалол молни четлаб, ҳаромга чопган ҳаромхўрларга, охираддан дунёни устун қўйган, қалби-ю қулоғи муҳрланган, кўзини парда қоплаган очиқ кўрларга... Аллоҳ раҳматидан қувилган шайтоннинг хизматига ёлланган ҳар бир фитначи, бузғунчи, ғаламис мардикорларга... Ўзининг уюм-уюм айбини кўрмай, ўзгаларнинг кичик хатосини катта айбдек кўрувчи ифвогар, чақимчи, бўҳтончиларга... Юзсиз, беадаб, иккиюзламачиларга... Ва яна ер юзида бузғунчилик қилаётган, одамларнинг тинчини бузаётган, устига кийим-бош кийиб ҳайвондан баттар хунук ишлар қилаётган дийдаси қаттиқ, бераҳм, дилозорларга бағишлайман...» (Даъватчи қуш

[/https://islom.uz/maqola/2667](https://islom.uz/maqola/2667)) деган экан. Демак, бу нокасликлар янгилик эмас экан-да... Қарангки, одамзод асрлар да-вомида мунтазам огоҳлантириб келинса-да, яна чалғийверади, ҳаққа хиёнатнинг янги-янги усуллари янги-янги топаверади.

Қадриятларни қадрсизлантириш та-раққиёт даражасига қараб ҳар хил кўри-нишларда намоён бўлган. Бир мисол кел-тирсам. СИ менга «Инсонлар бир-бирига юзма-юз қараб туриб, смартфон орқали бошқалар билан боғланиши – бугунги куннинг энг катта ижтимоий фожиалари-дан биридир» деди. Шунда «Жуткие фак-ты» деган телеграм каналида ўқиганим эсимга тушди: бу ҳол, яъни мулоқот чоғида нуқул смартфонга қараш одатига «фаббинг» деб ном қўйишибди. Яъни ин-глизча «phone» – телефон ва «snubbing» – илтифотсиз муносабат демак.

Аслида азал корхонасида одамзод-нинг фитратига қарама-қарши кучлар жо этилган: эзгу ва ёвуз, бунёдкор ва вай-ронкор... Уларнинг қайси бирини парва-ришлаб ўстирамиз, қайси бирини мағлуб этамиз – бу борада ихтиёр ўзимизга берилган. Яъни, хоҳласанг ҳидоятни, хоҳласанг залолатни танла. Қавм омма-вий равишда залолатни танлаганда маҳв этилган, янги пайғамбарлар юборилган...

Шу хил маъқул-номаъқул, паришон фикр-мулоҳазаларим пировардида қар-шимда бир савол ўжарларча туриб ола-ди: «Нима қилмоқ керак?». Ўзимча бир нималар демоқчи бўлдим. Лекин бу са-волга маънавият соҳаси вакиллари бўл-миш барча зиёлилар, олимлар, шоиру ёзувчилар, муаллимлар... жавоб бермоғи, уларнинг айтганларини умумлаштирмоқ ва бутун миллат, ҳатто бутун инсоният бўлиб ҳаракатга келтирмоқ лозим деб ўй-ладим. Инсон – ер юзидаги жамики яхши-лик ва ёмонликнинг ҳам, ўзгариш ва ту-затишлар, йўқотиш ва топишларнинг ҳам бош ижрочисидир. Ҳаммасини одамдан, ўзимиздан бошламоғимиз керак.

5

Дарвоқе, ушбу битикларнинг боши-да ҳам айтганимдек, сунъий интеллект беминнат мақола ёзиб берди. «Ушбу мақолани бирор ижтимоий тармоқ ёки нашр учун мослаштириб, сарлавҳасини ўзгартириб беришимни истайсизми?» деди яна меҳрибонлик билан. Ақл-войнинг ёзганларига у ёқ-бу ёғидан қалам уриб бериб юборсам ҳам бўлар-ди. Қадриятлар ўзгариб кетаётган бир замонда шундай қилсам, балки айб ҳам саналмасди. Мақола-ку ўтиб кетар, лекин виждон деган қадрият синовдан ўтолмай қоларди, холос.

Нодира ОФОҚ



Инсон — ер юзидаги жамики яхшилик ва ёмонликнинг ҳам, ўзгариш ва тузатишлар, йўқотиш ва топишларнинг ҳам бош ижрочисидир.



ҚАЛТИС САВОЛЛАРГА НОЗИК ЖАВОБЛАР



Саволларга
Ўзбекистон
мусулмонлари
идораси Фатво
маркази мутахассиси
**Абдувоҳид
Аҳмадалиев** жавоб
берди

1

– Менга бир дўстим пул бериб, «Буни фалончига бериб қўй, сенга омонат» деди. Шу пулни ўз эҳтиёжим учун сарфладим. Лекин дўстим айтган вақтда унинг пулини айтилган одамга етказдим. Менинг ишимда бирор хато бўлмадими?

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Албатта, бу ишда хато бор. Яъни, сизга берилган пул омонат ҳисобланиб, уни омонат эгасининг розилигисиз ўз эҳтиёжингизга сарфлаганингиз хато ва омонатга хиёнат бўлади. Омонат фақат эгасининг розилиги билан ишлатилиши мумкин. Агар эгасининг розилигисиз

ишлатилган бўлса, у омонат ҳукмидан чиқиб, тўлаб бериладиган ҳаққа айланади. Бу ҳақида фатволарда шундай зикр қилинган:

«У (омонат) берилган кишининг ҳузурида сақланиши вожиб ва эгаси талаб қилган вақтда қайтарилиши шарт. “Шумунний”да ҳам шундай зикр қилинган. Омонат мол бошқасига омонатга, орийат(вақтинчалик ишлатиш)га, ижарага ва гаровга берилмайди. Агар омонатни олган киши шулардан бирини қилса, тўлаб беради» («Фатово Оламгирийя» китоби). Валлоҳу аълам.

2

– Ассалому алайкум, устозлар! Мен дўстимга олти ой бурун қарз берган эдим. Ўша вақтда 300 долларни 12 760 сўмдан ҳисоблаб, жами 3 млн 828 минг сўм ўтказиб бергандим. Ҳозир қарзни қайтариб олаётганда 300 долларни ҳозирги кунги курс билан олишим керакми ёки ўша вақтдаги 3 млн 828 минг сўмни бериши керакми? 200-250 минг сўмни деб ҳалол пулимни ҳаром қилиб олмоқчи эмасман. Шунинг ҳукми қандай бўлади?

– Ваалайкум ассалом. Қарз қайси валютада берилган бўлса, ўша валютада ва ўша миқдорда қайтарилиши шарт. Дўстингиз қўлига ёки картасига сўм олган экан, гарчи сиз буни доллар ҳисобида ўтказган бўлсангиз ҳам, шариатга кўра унинг зиммасидаги қарз сўмда собит бўлади. Шунинг учун ҳозирги курсга чакмасдан, ўша вақтда берилган 3 млн 828 минг сўмнинг ўзини қайтиб олишингиз керак. Валлоҳу аълам.



“

Қарз қайси валютада берилган бўлса, ўша валютада ва ўша миқдорда қайтарилиши шарт.

3

– Мен фарзандим касал бўлганида «Агар тузалиб кетса Зангибобога атаб қўй сўяман» деб назр қилгандим. Аллоҳга шукурки, болам тузалди. Энди мен назримни бажаришим керакми?

– Йўқ, гуноҳ ишга назр қилинган бўлса, унга амал қилинмайди. Чунки бирор улуғ зотга атаб қўй сўйиш жоиз эмас. Китобларимизда бу ҳақда шундай дейилади: «Билингки, аксар авом тарафидан авлиёларга яқин бўлиш мақсадида уларнинг қабрларига атаб қилинаётган назрлар уламоларнинг иттифоқи билан ботил ва ҳаромдир» («Дуррул-мухтор» 2-жилд 439-бет). Валлоҳу аълам.

– Америкадаги юк машиналари, фуралар устахонасида даромад қилиш услуги юзасидан менда савол туғилди. Қуйидаги икки ҳолат деярли барча устахоналарнинг пул топиш услуги бўлиб қолган:

1) Эҳтиёт қисмлар буюртма тушганидан кейин дилерлардан олинади. Биз доимий мижоз бўлганимиз учун дилерлар бизга эҳтиёт қисмларни 50 фоизгача чегирма билан беришади. Биз ушбу чегирмани сақлаб қолган ҳолда устига фойда қўйиб мижозга сотишимиз тўғри бўладими? Масалан, 50 долларга олинган қисмни 100 долларга сотиш. Ваҳоланки, мижоз дилернинг ўзига борса ҳам барибир 100 доллар атрофида сотиб олади.

2) Иш ҳақи соатбай, тахминан 130 доллар қилиб белгиланган. Иш вақти ва нарҳни ҳисобловчи махсус дастур бор. Дастур қанча сумма чиқарса, мижоздан шуни оламиз. Лекин дастур вақтнинг ортиги билан ҳисоблайди. Масалан, бир ишни 4 соатда бажарсак-да, дастур уни 10 соатлик иш деб ҳисоблайди. Шу тариқа амалдаги ишга нисбатан икки-уч баробар кўп вақт ёзилади. Шундай йўл билан даромад қилиш жоизми?



Агар сиз маҳсулотни ўзингиз сотиб олиб, кейин уни мижозга бозор нарҳида ёки келишилган нарҳда сотсангиз, бунга ҳеч қандай монелик йўқ.

– 1) Агар сиз маҳсулотни ўзингиз сотиб олиб, кейин уни мижозга бозор нарҳида ёки келишилган нарҳда сотсангиз, бунга ҳеч қандай монелик йўқ. Шариатимизда савдо-сотиқ ҳалол қилинган бўлиб, сиз ўз мулкнингизга айланган эҳтиёт қисмларнинг устига маълум миқдорда фойда қўйиб сотишингиз жоиз. Аммо мижозга «Мен буни қимматга олганман» деб ёлғон гапирмаслик ва нарх борасида ўзаро розилик бўлиши шарт.

2) Бундай вазиятларда иш ҳақини соатбай, яъни вақтга қараб эмас, балки ишбай, яъни бажарилган ишга қараб келишиб олиш лозим. Махсус дастурдан фақат ишнинг қийматини олдиндан белгилаш ва мижоз билан нарҳни келишиш учун фойдаланиш мумкин. Шунда ишни дастурдан тезроқ тугатсангиз ҳам келишилган ҳақни олишингиз ҳалол бўлади. Аммо мижозга ҳақиқатда сарфланмаган вақтни «сарфланди» деб айтиш ёки арзимас иш учун асоссиз кўп соат ёзиш орқали алдаш шариатда жоиз эмас. Валлоҳу аълам.

– Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Биз жамоа бўлиб стартап (онлайн таълим платформаси) бошлаганмиз. Иш бошлаш учун жамоа аъзолари иш ҳақи ва платформани ишлаб чиқиш учун маблағ жалб қилмоқчимиз. Маблағ жалб қилишининг иккита йўли бор:

1) Стартапнинг 10 фоизини маълум пулга ҳисоблаб, инвестордан маблағ олсак. Стартапимиз даромадга чиққандан кейин инвестор бизнинг доимий жамоадошимизга айланади ва даромаднинг 10 фоизи уники бўлади. Бу ҳолатда стартап ривожланса ҳам, ривожланмаса ҳам олинган инвестиция қайтарилмайди.

2) Бировдан қарз олсак ва унга стартапимизнинг 5 фоизини бериб, жамоамизга қўшиб олсак. Бу ҳолатда стартап ривожланса ҳам, ривожланмаса ҳам олган қарзимизни ҳеч қандай устамасиз қайтариб берамиз. Шу иккала ҳолатда рибо бор-йўқлиги, жоиз ёки ножоизлиги тўғрисида маълумот берсангиз.

– Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

1) Бу амалиёт шаръий жиҳатдан шерикчилик шартномаси деб баҳоланади ва бу жоиз. Чунки бунда инвестор фойдага ҳам, зарарга ҳам шерик бўлиш шрти билан маблағ тикмоқда. Яъни, иш юришмаса унинг пули куяди ва сизлардан қарз сифатида талаб қилмайди.

2) Бу кўриниш шарт билан қарз бериш ёки шерикликдаги сармояни кафолатлаш ҳисоблангани учун ножоиз. Фикҳий қоидаларга кўра, ҳар қандай манфаат жалб қилган қарз рибодир. Бу ерда қарз берувчига аслини қайтаришдан ташқари стартапдан улуш берилиши айнан рибо ҳисобланади. Қолаверса, шерикчиликда тиккан пулини қайтариб олишни кафолатлаш шаръан дуруст эмас. Валлоҳу аълам.

– Ассалому алайкум. Ижтимоий тармоқларда пулишлашнинг ҳукми қандай? «YouTube» ижтимоий тармоғида қўйилган видеонинг кўришлар сони ва ушбу видео орқали реклама намоиш этилгани учун пул тўланар экан (рекламани «YouTube» компанияси қўяди). Қандай рекламалар намоиш этилишини видео жойловчининг ўзи ҳар доим ҳам ҳал қила олмас экан. Рекламалар мамлакатларга қараб фарқланади. Ҳаммаси ҳам шариятга мувофиқ бўлмаслиги мумкин.

– Ваалайкум ассалом, қимор, фаҳш ва исломда тақиқланган маҳсулотлар каби шариятга зид нарсаларни тарғиб қилувчи рекламаларга ёрдам бериш ёки уларга воситачи бўлиш дуруст эмас. Шу сабабли агар канал эгаси рекламаларни бутунлай ўчиришга ёки фақат ҳалол рекламаларни танлаб қўйишга қодир бўлса, буни қилиши лозим. Агар бунинг иложи бўлмаса ва шариятга мувофиқ бошқа платформада фаолият юритиш имкони бўлса, ўша жойга ўтиши мақсадга мувофиқдир. Валлоҳу аълам.



7


– Сунъий онгдан фатво сўраш қанчалик тўғри?

– Бугунги кунда сунъий онг жуда тез ривожланиб, унинг имкониятидан иқтисодиёт, таълим, маданият, хизмат кўрсатиш ва медиа соҳаларида самарали фойдаланилмоқда. Унинг афзалликлари билан бирга зарарли томонлари ҳам бор. Шу боис сунъий онгни бошқариш, тартибга солиш ва назорат қилиш ҳозирги кунда жуда ҳам муҳимдир.

Дарҳақиқат, сунъий онг инсон ҳаётига ижобий ва салбий таъсир кўрсатаётир, жумладан, диний суҳбатларни таъсирли роликлар орқали намойиш этиш ва керакли маълумотларни топишда жуда қўл келмоқда. Бироқ баъзи инсонлар шаръий савол-жавоб, фатво олишда ҳам сунъий онгдан фойдаланаяпти. Ҳолбуки, динимизга кўра бундай масалаларда ундан олинган жавобларга таяниб бўлмайди. Зеро, шариатга кўра фатво чиқариш фақиҳнинг бевосита иштирокини талаб этади. Масала сўровчининг ҳолатига, замонига, маконига, урф-одатларига ҳамда ижтимоий ва иқтисодий шароитга қараб жавоб берилиши керак. Бундай жиҳатларни сунъий онг мустақил ва тўлиқ бажара олмайди. Шунинг учун сунъий интеллект берган фатволар шаръий жиҳатдан эътиборга олинмайди. Валлоху аълам.

“

Баъзи инсонлар шаръий савол-жавоб, фатво олишда ҳам сунъий онгдан фойдаланаяпти. Шариатга кўра фатво чиқариш фақиҳнинг бевосита иштирокини талаб этади.



8

– Ҳозирги кунда сунъий онг билан аллақачон ўлган одамлар гўё қайта тирилтирилиб, оиласи билан гаплаштирилаяпти. Бу борада шариатимиз кўрсатмаси қандай ва уламоларимиз нима дейди?

– Бундай нарсалардан четда бўлиш тавсия этилади. Чунки бу каби ишлар кўп томонлама хато саналади.

Биринчидан, инсоннинг, айниқса ота-онанинг ҳурмати уларнинг вафотидан кейин ҳам давом этади. Унинг суратидан видео ясаб, гапиртириш уларнинг ҳурматига зид ҳисобланади. Чунки улар видеодаги гапларни ҳақиқатда гапиргани йўқ. Демак, бу иш уларнинг тилидан ёлғон ахборот тарқатиш, уларнинг номидан ёлғон маълумот бериш ҳисобланади.

Иккинчидан, бундай ишнинг хатарли жойи бандалар учун ғайб ишларидан бири бўлган қабрдаги ҳаётга оид ҳолатларга журъат билан аралашиб бўлади. Бу инсон эътиқоди ва иймони учун хавфли саналади. Чунки айрим видеоларда ота-оналарнинг «биз яхшимиз, сизларни кўриб турибмиз, кузатиб турибмиз» деган жойлари бор. Уларнинг қабрдаги аҳволи қандай эканини СИ ёки шу видео-ни ясаётганлар қаердан билмоқда?!

Учинчидан, мазкур технология шахсларнинг ҳаракатсиз суратларини қисқа видеороликларга айлантириш орқали сурат эгасининг табассум қилиши, кўзини қисиши ва бошини қимирлатиши каби ҳаракатларни бажартириши мумкин. Буни ҳар қандай тирик ёки ўлган инсоннинг сурати билан ҳам қилиш мумкин.

Бу баъзи компаниялар амалга оширилаётган бир турдаги ўйин-кулгидир, аммо бу ўйин келажакда кўз ва бош ҳаракатидан ҳам ўтиб кетиши, киноя ва масҳара қилиш, ҳақиқатни сохталаштириш ва бузишда ишлатилиши мумкин.

Янги технология «Deepfakes» (чуқур сохталар) деб номланувчи туркумга мансуб бўлиб, мутахассислар томонидан «номақбул технологиялар» қаторига киритилган. Ушбу технология айрим шахслар томонидан жиноий мақсадда, бегуноҳ одамларнинг суратларини бирлаштириб, сохта видеолар яратиш орқали шантаж қилишда қўлланмоқда.

Мазкур технологиянинг зарарларидан яна бири шуки, оилавий суратлар ва маълумотлар ана шу компанияларнинг қўлига ўтиб қолади ва уларнинг махсус иловаси қурилмаларига ўрнатилади!

Қолаверса, асли ғоянинг зарарларидан бири: суратларга ва ўтганларга боғланиб қолиш ҳамда ғам-қайғуни янгилашдир.

Агар сурат қурилмада бўлса ва бу технология сохталаштириш ёки масҳара қилишда ишлатилмаса ҳам бу иловадан эҳтиёт бўлиш ва у билан муомала қилмаслик керак.




Инсоннинг, айниқса ота-онанинг ҳурмати уларнинг вафотидан кейин ҳам давом этади. Унинг суратидан видео ясаб, гапиртириш уларнинг ҳурматига зид ҳисобланади.

Шу боис мўмин-мусулмон инсон одамлар қилаётган ишларга кўр-кўрона эргашиб кетавермасдан, унинг тўғри ё нотўғри эканини аниқлаши ва шунга қараб иш тутмоғи лозим бўлади.

Қолаверса, динимиз бу дунёда ота-онанинг розилигини олиш, вафотидан кейин солиҳ амаллар қилиб, уларнинг руҳларини шод этишга тарғиб қилади. Расм ёки видеосига қараб йиғи-сиғи қилиш билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди, балки булар қилаётган гуноҳлар туфайли улар маҳзун бўладилар. Зеро, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда шундай дейилган:

«Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам «Албатта сизларнинг амалларингиз ва-фот қилган қариндош-уруғларингизга кўрсатилади. У(амал)лар яхши бўлса, улар хурсанд бўладилар. Агар ундай бўлмаса “Аллоҳ, уларни бизни ҳидоят қилганингдек ҳидоят қилмагунингча ва-фот эттирмагин” дейишади деди» (Имом Аҳмад ривояти). Валлоҳу аълам.



ЭЛ ОЧСИНИ

Бировга чин кўнгилдан яхшилик соғиниш катта гап. Инсон табияти шундайки, ўзганинг қувончидан у каби қувониш, дардига чиндан ҳамрозлик қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Бу ишни фақат халқ удда қилади. Халқ даҳосининг теран, сермағиз оғзаки ижодларидан бири, тилаклар гултожи – дуодир.

Қуйида Фарғона, Хоразм ҳамда Сурхон воҳасида турли маросимларда тиланажак дуолардан намуналар дастаси жамдир. Уч жилға бирлашиб, дарёга дўнган она тилимизнинг ажиб жозибаси ҳам, халқнинг яшаш, ўйлаш тарзи, руҳи ҳам маълум маънода шу дуоларда юз очган. Уларда шеваларимизнинг қирқ кокилдай товланиши эса ҳеч бир ўзбекни бефарқ қолдирмайди.

Таҳририят



ФАРҒОНАҶА ДУОЛАР

ОЛҚИШ ДУОСИ

Илоҳи омин!

Тупроқ олсанг, олтин бўлсин!

Ҳамиша яхшиларга яқинлаштирсин,
ёмонлардан узоқлаштирсин!

Ўт балосидан, сув балосидан, қуруқ
туҳматдан, бевақт ўлимдан ўзи сақласин!

Қўшоғинг билан қўша қариб, болала-
ринг роҳатини бирга кўринглар!

Бошлаган ишларингни хайрли, баро-
катли қилсин!

Эл-юртнинг хизматидан чарчаманг-
лар!

ҚИЗ УЗАТИШ ДУОСИ

Илоҳи омин!

Бошлаган тўйларимизга, Хизр бувам
назар қилсин!

Набирагинам, борган хонадонингда
каттага ҳурматда, кичикка иззатда, ота-
онанг, яқинларинг, устозларингга раҳмат
олиб берадиган қиз бўлгин, илоҳим! Сен
билан бирга бораётган хонадонингга
файз-барака, бахт-иқбол кириб борсин.
Борган жойингда туп қўйиб, палак ёзгин.
Фарзандларинг кўп бўлсин. Эзгу ниятла-
рингга Оллоҳ етказсин!

Омин!



НИКОҲ ТЎЙИ ДУОСИ

Илоҳи омин, ўзингга шукур, кўр-
сатганингга шукур! Оллоҳим, икки ёш
бахтли-тахтли, ували-жували бўлсин!
Қўша қарисин! Бир-бирларига меҳрли-
муҳаббатли бўлиб, мўмин, солиҳ фар-
зандларнинг ота-оналари бўлсин!

Келаси йил ҳаммамиз бешиктўйига ке-
лайлик!

Омин!



ЧАҚАЛОҚҚА ШУКРОНАЛИК ДУОСИ

Илоҳи омин, шу янги туғилган
чақалоғимиз Ойшабиби униб-ўссин!

Камолга етиб, олими жаҳон бўлсин!

Кўрганда кўз қувнайдиган, ота-онаси
орзу қилганидек мўмина, солиҳа, ҳалолу
пок инсон бўлсин!

Ойша онамизнинг руҳлари ёр бўлсин!

Шодияхон ЙЎЛЧИЕВА
ёзиб олди.



ХОРСИЗМЧСИ ДУОЛСИР

ФОТИХА ТҶИДАГИ ДУО

Ўнг бўсин, ўнг бўсин, ёйилиб-язилсинлар, қурилиб дузалсинлар, ота-бувалариндин бир ибратли оила қурсинлар. Худойим, шу қизимиз ой бахтли, олтин тахтли бўсин, узумдин мева бариб, гужумдин соя салсин, ўзлариннан кўпайсинлар, меҳрли, оқибатли бўсинлар.

Қутли ўлғай, муборак ўлғай, тўйлар тўйя улашгий, шу тўйларни оёқ излари ярашгий, давлат қуши галиб шу икки ёшни бошларинда ўрнашгий. Икки ёш қўшганлари билан қўша қарригий, гула созлари жуп бўлгий, ўғил-қизлари кўп бўлгий, шаптолидин ангилгий, бариятирган хонадонина бахт алиб баргий, тахт алиб баргий. Довлатли, зийнатли, иззатли, ҳурматли галин бўлиб, гияв билан юлдузлари ярашгий, қудаларга хизматлари буюргий, қудачилик-мингйилчилик, оғзибирчиликларини вариб, дўққиз ой дўққиз куннан кейин улли ўкизлар апариб, бешик тўйларда ўтиришни Оллоҳ муяссар атгий.



ҚИЗ ЧИҚАРИЛАЁТГАНДА АЙТИЛГАН ДУОЛАР

Худойим, шу қизимиз барган еринда бахтли бўлсин, бахти оёқина чўлашиб борган бўлсин, гужумдин соя варсин, узумдин мева варсин, ўзи билан қоришиб гетсин. Борган жойинда дошдин қатсин, индики шу гунла бешик тўйларда йиғилмақни насиб атсин, ҳаммани уйинда шунингнин яхши гунлар бўлаварсин, омин, Оллоҳу акбар!

Тўй бўғий, тўйдан тўйя улашгий, шу икки ёш бахтли-саодатли ўлғий, шу гияв гиявмас ўғил ўб гагий. Шу уйлара, худойим, ўғил бўб хизматлари буюргий, ўзлариннан кўпайиб, ибинли-чибинли ўб, ҳаммани шуннин гуна етиргий!

Илоҳо омин, ёйилиб-язилсинлар, ўзлариннан кўпайсинлар, хизматлари буюрсин. Икки томонан бири бирисини ёмонлиғини гўрсатмасин Оллоҳим, кейинги йил шу гунлардан олдиروق фарзандли бўлганда олтин бешиклари олиб бариб бешиктўйлар атиб ўтирмақни худойи таоло насибу рўз айлосин, ҳаммани яхши гунлара етираварсин!



КЕЛИН ТУШГАНДА АЙТИЛГАН ДУО

Худойим, шу гаган галин шу хонадонга давлат аккаган бўсин, омад аккаган бўсин, қувонч, бахт аккаган бўсин. Диллари юмшақ бўсин, баши ашақ бўсин, доғрағани ёғ бўсин, бикчаги барак бўсин, ювжаки дувак бўсин, доғжаки ўғил бўсин, арасида минжиқдин қизам бўсин. Шу хонадонги қудачилиги мингиличилиқ ўлиб, оғзибирчиликларини бариб, доққиз ой доққиз куннан кейин қўшадан бешиклар аккаб ўтирмақи насиб атгий. Омин даганларни уйинда тўй бўсин, яхши гун бўсин, икки ёш қўша қарисин!

Омин! Худойим, икки ёш бахтли бўғий, қўшқани билан қўша қарригий, гаган галинимиз шу уя галинмас, қиз бўлиб гаган бўғий. Ўзи билан шу хонадонга бахту саодат, файзу баракат алиб гаган бўсин. Шу хонадонда ўниб-ўссин, юлдузлари ярашсин, бир-бирларина меҳрли бўсин, сердавлат, серфарзанд бўсин, ўзларинан кўпайишиб, енаки шу гунларда Оллоҳ ахтиқлар билан муборақобод қилиб шу хонадонга бешик тўйлара қутлаб галмакимизи шўрдаки ҳаммажикимиза насиб атгий.

Худойим, би галин қутли муборак ўлғий, ўнги, ўсгий, гийов билан ейилиб, язилиб, ўзларинан кўпалгий. Шу уйлар тўйхона ўлғий, муродхона ўлғий, ҳамиша яхши гунларда галишни Оллоҳни ўзи мурассар атгий.



БЕШИК ТЎЙДА АЙТИЛГАН ДУО

Бугунги хонадонимизни қувончи ўб доғилган фарзандимиза узоқ ёш, генг давлат берсин. Оила аҳлига морақ бўлсин, эла, юрта хизмати дейадўн, солиҳ фарзанд ўб етишсин, ейилиб язилсинлар. Юржакларингиз тўйни йўли ўлғай, ейжакларингиз тўйни қўйи ўлғай. Суннат тўйларина, фарз тўйларина галиб, қутлаб ўтирмақи насиб атгай.

Назокатжон ШАРИПБАЕВА
ёзиб олди.



СУРХОНЧСИ ДУОЛСАР

САФАР ДУОСИ

Илоҳи овмин! Сафаринг беҳатар бўсин! Худойжон сенга ёр бўсин, Муҳаммад пайғамбар сардор бўсин. Ҳазрат Довуд ёр бўсин, пирлар мададкор бўсин, Хўжайи Хизр жиловдор бўсин!

Қаторда хато бўмасин, ҳеч ким жомонлиқ кўрмасин!

Жомондан одаштирсин, яхшига моташтирсин!

Жўлинг оқ бўсин, жузинг жоруғ бўсин!

Ой бориб омон келгин!

Овмин! Оллоҳу акбар!



КЕЛИН-КУЁВГА ДУО

Илоҳи овмин! Ё, поки Парвардигор! Шу эки жошқа сендан сўраймиз!

Ошқадидай таноб отсин, зардолидай гуллаб жотсин! Бовлари бекам бўсин, чиққан товлари берк бўсин. Қорасидан жов қотсин, соясида эл жотсин! Қўтони тўла қўй бўсин, қўшхоналари тўй бўсин. Қозони жовли бўсин, ўчоғи мойли бўсин!

Тиловини тус берсин, ул берсин-да қиз берсин, жолқиямас эгиз берсин! Тиловини тус берсин! Элдинг иззати бўсин, пайғамбардинг уммати бўсин!

Келаси жил қудағайлари бешик-бовлиқ кўтариб кесин!

Овмин, Оллоҳу акбар!





КЕЛИН КЕЛГАНДАГИ ДУО

Чўпоннинг таёғидан, келиннинг оёғидан дедик. Илоҳи овмин, келган келинимиз изли-қутли келин бўсин! Босиб кеган қадамлари шу хонадонга ризқ-насиб опкеган бўсин! Этаги тўла парзанд бўсин, қўшоғи билан қўша қариб, саксондан сакраб, тўқсон минан тўқнашиб, юзлардан ошиб ўйнаб-кулиб бахтли умр ўтказсин! Кеган эшигини паккам десин, тушган уйини Маккам десин, эрини пирим десин! Қайнота-қайнонасига келин эмас, қиз бўсин!

Сердавлат, серфарзанд бўсин!
Овмин, Оллоҳу акбар!



СУННАТ ТЎЙИ БЎЛАЁТГАН БОЛАГА ДУО

Илоҳи овмин! Шу чур(к)пуррон бўлаётган небарамиз ҳам катта жигит бўсин! Худойжондан қўл кўтариб сўраймиз: бу небарамизнинг умри узоқ, ирисқиси путун бўсин!

Эшигини эл очсин, туйнугини жел очсин! Қорасидан жов қочсин, топқанини шу элига чочсин! Элдинг олди жигит бўп, бош бўп журсин! Туб қозиғи маккам бўсин! Қўли мойға ботиб жотсин, топқанини эли минан билла тотсин! Тупроқ тутса олтин бўсин! Умри узоқ, боболаридай, оталаридай элу халқига қайишадиган жигит бўсин!

Овмин, Оллоҳу акбар!

Феруза ТЎРАЕВА
ёзиб олди.

ИЛМ

ИСТЕЪДОДНИ ЭМАС,
ИЗЧИЛЛИКНИ СИНОВДАН
ЎТКАЗАДИ



Илм фақатгина лаборатория деворлари орасида эмас, далаларда, уруғларда ва келажак авлод тақдирида ҳам яшайди. Ўсимлик гени муҳандиси айнан шунуктада фан ва ҳаётни боғлаб турувчи мутахассисдир. Соҳа вакиллари-нинг изланишлари туфайли янги навлар, имконият ва озик-овқат хавфсизлиги бўйича зарур ҳимоя воситалари пайдо бўлади. Бу галги суҳбатимиз мазкур мураккаб, шу билан бирга, жуда муҳим соҳада меҳнат қилаётган олим Хуршида Убайдуллаева билан бўлди.



ХУШИДСИ УБСАЙДУЛСЯЕВА

Ген муҳандислиги бўйича таниқли олим, биология фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика маркази лабораторияси мудури. Ген-нокаут технологиясини пахтада қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказган. Бу технология натижасида ҳосилдор, узун ва яхши толлари, курғоқчиликка чидамли «Порлоқ» пахта нави яратилган.

Олимнинг юзга яқин илмий мақоласи чоп этилган.

2018 йилда ўтказилган «Ўзбекистон хотин-қизларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» II республика танловида «Энг яхши ихтиро» номинацияси бўйича 1-ўринни олган. Жанубий Кореяда ўтказилган XII Корея халқаро ихтиро аёллар кўргазмаси – «KIWIE – 2019»да лойиҳаси билан қатнашиб, олтин медални қўлга киритган. «Ўзбегим аёли – 2020» миллий мукофотининг «Зиёли аёл» номинацияси совриндори. «Шуҳрат» медални билан мукофотланган.

– Хуршида опа, нега айнангенмуҳандислиги соҳасини танлагансиз? Соҳага сизни жалб этган омил нима?

– Отам шифокор, онам ҳамшира эди. Болаликда шифокор бўлишни орзу қилардим. Бу орзу китоблардан ёки филмлардан эмас, отамнинг ҳаётидан бошланган. У киши одамларнинг оғирини енгил қилишни, беморлар кўзида умид чироғи ёқишни ўзининг бурчи деб биларди. Отамнинг иш куни аниқ вақт билан чегараланмаган: куну тун, ҳатто байрам ёки дам олиш кунлари ҳам беморлар ёнида бўларди. Тонг ёришиб-ёришмай эшигимиз тақиллаб, кимдир иситмалаган боласини, кимдир қон босими ошган онасини етаклаб келарди. Отамга бу ҳеч қачон малол келмаган. Ўша кезларда ёнида жажжи шогирди – камина бўлардим. Токчадаги стерилланган асбоблар, тонометр ва шпателни узатиб турардим. Қилаётган юмушим менга завқ бағишларди. Отамга ўхшаб мен ҳам одамларга керакли инсон бўламан дердим ўзимча.

Мактабда табиий фанларни яхши ўқирдим. Кимё фанидан олимпиадаларда қатнашиб, республика босқичида юқори ўринларни эгаллаганман. Отам шифокор бўлишимга қарши эмас эди, аммо кутилмаганда фикри ўзгариб қолди. Балки бу касбнинг машаққатлари ҳақида ўйлаб, мени авайлагандир деб ўйлайман. Аввалига хафа бўлиб роса йиғладим. Сўнг отамнинг маслаҳати билан кимё факултетига ҳужжатларимни топширдим.

Устозларим илмий фаолиятимни университетда давом эттиришимни иштаганига қарамай, ўқишни тугатиб туғилиб ўсган юртим – Наманганга қайтдим.

Бу орада турмушга чиқиб, мактабда дарс бера бошладим. Бир йил ичида ўқувчиларимни фан олимпиадаларига тайёрлаб, муносиб натижаларни қўлга киритдик.

Пешонамга битилган экан, кўп ўтмай эримнинг хизмати юзасидан яна Тошкентга кўчиб келдик. Болаларим ёш эди. Уларнинг ёнида бўлиш учун бир муддат боғчада энага бўлиб ишладим. Бир куни метрода университетдаги устозларимдан бири билан учрашиб қолдим. Ана шу учрашув тақдиримда янги саҳифа очди: устозим билан лабораторияда бирга ишлай бошладик.

Номзодлик диссертациясини ёқладим. Илмий раҳбарим кимёгар бўлишига қарамай кўпроқ генетик олимлар билан ҳамкорлик қиларди. Бир гал иш юзасидан ҳозирги иш жойимга келдик ва у ерда етук генетик олим Иброҳим Абдурахмонов билан танишдим. У киши «Кимёгар бўлсангиз ҳам оқсиллар билан ишлагансиз. Ўсимлик биохимияси билан шуғуллансангиз бўларкан. Биз билан бирга ишланг» деб таклиф билдирди.

Бу таклиф менга маъқул келди ва ген муҳандислиги лабораториясида иш бошладим. Мана, ўттиз беш йилдан бери шу соҳада ишлаб келмоқдаман. Ҳаёт мени турли йўللardan олиб ўтган бўлса-да, отам берган сабоқлар қалбимдан мустаҳкам ўрин олган: ўз ишинга виждон билан ёндашиш, фидойилик, одамларга фойданг тегиши... Навоий бобомиз айтганидай:

*Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки бу нафъ ўзингга кўпракдурур.*

Тўғри, мен шифокор бўлолмадим, лекин қайси соҳада бўлмай одамларга нафим тегиши мумкинлигини англадим ва шундан руҳландим. Ҳақиқий шифокорлик фақат тиббиётдагина эмас, аввало инсон қалбидан бошланишини илғадим.

“ БУ ОСОН
КЕЧМАГАН.



– Илмий фаолиятингизда энг қийин, аммо энг фахрланарли лойиҳа қайси бўлган?

– Бу соҳа жуда қизиқарли бўлиши билан бирга, ўта масъулиятли ва машаққатли. Докторлик диссертациясини «Порлоқ» навининг биокимёвий таҳлиллари асосида ёзганман. 2017 йилда лаборатория мудири лавозимига тайинландим. Албатта, «Порлоқ» лойиҳаси илмий фаолиятимиздаги илк ва энг муҳим ишлардан бири бўлди. Бу лойиҳа доирасида лабораториямизда трансформация жараёнидан бошлаб, ўсимликнинг дала шароитига чиқишигача бўлган барча босқичлар тўлиқ амалга оширилди.

Ушбу тадқиқотлар фақат пахта билан чекланиб қолмади, узум ва буғдой устида ҳам иш олиб борилди. Уч йил мобайнида бешта йирик илмий лойиҳа бажардик.

Бу осон кечмаган. Гуруҳимиз билан кўп қийналганмиз, айрим пайтларда кеч соат 10-11 гача лабораторияда қолиб ишлаган кунларимиз ҳам бўлган. Энг қийин, бироқ энг самарали ишлардан бири – 10 мингта ток кўчатини қаламчадан эмас, хужайра орқали кўпайтириб (In vitro дейилади бундай усул), фермер хўжаликларига етказиб бериш бўлди. 2017 – 2020-йилларда «In vitro ток(узум)нинг агрономик сифатлари яхшиланган биотехнологик линияларини олиш учун оптимизация қилиш» номли лойиҳага раҳбарлик қилдим. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги, хусусан, боғдорчилик соҳасини токнинг маҳаллий навларидан in vitro шароитида етиштирилган, вирусли ва бактериал касалликлардан холи, юқори селекцион кўрсаткичларга эга соғлом кўчатлар билан таъминлашдан иборат эди.

Тадқиқотлар натижасида муҳим самараларга эришилди: ток кўчатларини етиштириш цикли қисқарди, кичик майдонларда кўп миқдорда кўчат етиштириш имконияти яратилди, генетик жиҳатдан бир хил экиш материаллари олинди, кўчатлар таннархи пасайди ва шу орқали валюта сарфи анча камайди.

Энг қувонарлиси, ушбу иш натижасида шогирдларим диссертацияларини муваффақиятли ёқлашди.

– Ген муҳандислиги бизга нима учун керак?

– Мен бу соҳани танлаганимда фақат лаборатория, формулалар ёки ДНК занжирлари билан ишлашни эмас, балки жамият тақдирига дахлдор йўлни танлаганимни яхши англай эдим. Чунки ген муҳандислиги – келажак ҳақидаги фан. Табиатдаги ҳар бир майда ўзгариш, уруғдан чиққан янги нав, касалликка чидамли ўсимлик ёки унинг организмда кечаётган яширин жараёнлар мен учун доимо қизиқарли савол бўлиб келган. Илм эса менга аввало тўғри савол қўйишни ўргатди.

Бугун ген муҳандислиги ҳақида турли фикрлар мавжуд. Кимдир уни хавф деб билади, кимдир умид сифатида қабул қилади. Мен учун эса у аввало масъулиятдир. Чунки геномга аралаштириш – фақат технология эмас, жуда аниқ қарор ҳамдир. Шу сабабли мен учун олим бўлиш фақат тадқиқот ўтказиш эмас, жамият билан очиқ мулоқот қилишни ҳам англатади.

Ҳозирги кунда дунё аҳолиси сони ошиб бораётган, иқлим ўзгариши кучайган, экологик мувозанат издан чиққан бир шароитда озиқ-овқат хавфсизлиги бутун инсоният учун долзарб масалага айланди. Ана шу муаммоларни ҳал этишда ўсимлик ген муҳандислиги соҳаси алоҳида аҳамиятга эга. Бу соҳа ўсимликларнинг генетик тузилишини ўрганади ва илмий усуллар орқали уларни яхшилаш имконини беради. Ген муҳандисларининг изланишлари инсониятни сифатли озиқ-овқат билан таъминлашга, қишлоқ хўжалигининг барқарорлигига хизмат қилади.



– ГМО (генетик ўзгариштирилган организмлар) ҳақида жамиятда қўрқув бор. Олим сифатида бунга муносабатингиз қандай? Геномни таҳрирлашда қизил чиқиқлар қаерда бўлиши керак?

– Ҳақиқатан ҳам ГМО ҳақида жамиятда қўрқув ва нотўғри тасаввур мавжуд. Бироқ биз бу йўналишда ишлаётганимиз йўқ. Ишларимиз қўрқувга сабаб бўладиган бу ҳолатлардан анча фарқ қилади. Биз ўсимликлар билан ишлаганимизда ташқаридан бегона ген киритмаймиз. Ўсимликнинг ўзида бўлган генлар махсус технология ёрдамида ё ўчирилади, ё фаолияти сусайтирилади. Шу сабабли биз яратаётган навлардан хавфсирашга ҳеч қандай асос йўқ.

ГМО ва биотехнологик навлар ўртасида муҳим фарқ бор. ГМОда ташқи манбадан бегона ген киритилиб, ўсимликнинг генетик тузилиши тубдан ўзгарилади. Бу жараёнда турли хатарлар пайдо бўлиши ҳам мумкин. Биотехнологик усулларда эса ўсимликнинг ўзидаги генлар билан иш олиб борилади – совуққа, иссиққа, шўрга, ҳашоратларга чидамли, ҳосилдорлиги юқори навлар яратилади.



Бизнинг марказимизда ҳам маҳсулот таркибида ГМО бор-йўқлигини аниқлайдиган махсус лаборатория фаолият юритади. У ерда шартнома асосида турли маҳсулотлар текширувдан ўтказилади. Бу эса шаффофлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

«Порлоқ» навини яратиш жараёнида биз Америкадан олиб келинган пахта модели устида иш олиб бордик. У трансформация қилиниб, эмбрион олинди ва кейинчалик чатиштириш орқали «Порлоқ» нави яратилди. Ҳозир эса гуруҳимиз билан маҳаллий ўзбек навлари орасидан эмбрион берувчи модел навларни қидирмоқдамиз. Агар бу мақсадга эришилса, трансформация ишларини тўлиқ маҳаллий навлар асосида амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Ген муҳандислиги соҳасида имконият жуда кенг. Масалан, шўрга чидамли ўсимликлар яратиш, картошка навларини яхшилаш, ташқи кўриниши ва таъми бозор талабига мос бўлган данаксиз узум навлари устида тадқиқот ўтказилаёпти. Бу навлар аллақачон дала шароитида экилиб, ҳосил бериш арафасида турибди. Шунингдек, *in vitro* технологияси асосида тарихий манбаларда қайд этилган, Амир Темур даврига оид бўлган оқдум узум навини тиклаш устида ҳам изланишлар олиб борилмоқда.

– Аёл киши илм-фан соҳасида иш олиб боришининг қандай қийинчиликлари ва яхши тарафлари бор?

– Мен аёлман. Буни таъкидлашимнинг сабаби бор. Аёлнинг илм-фан йўналишида ишлаши мудом жасорат талаб қилади, айниқса «эркаклар соҳаси» деб қараладиган мураккаб йўналишларда. Бироқ мен ҳеч қачон ўзимни кўрсатиш

учун илм билан шуғулланмаганман. Мен учун илм – жамиятга фойда келтириш воситаси. Шу пайтгача аёллигим сабабли жиддий тўсиқларга дуч келганим йўқ. Бу, менимча, инсон фаолият олиб бораётган муҳитга ҳам боғлиқ.

Эрим математик бўлган. У аспирантурада таҳсил олган, бироқ айрим сабабларга кўра илмий фаолиятини давом эттира олмаган. Қайнонам эса биолог, мен устозимга келин бўлганман. Айтиш жоизки, илмий фаолиятимда менга энг катта мотивацияни қайнонам берган. У киши доим «Хуршида, бу соҳага кирдингизми, албатта илмий иш қилишингиз керак. Сизга ишонаман, қўлингиздан келади» деб руҳлантирарди. Номзодлик диссертациясини ёқлаганимдан кейин эса «Докторликни ҳам ёқламасангиз бўлмайди, ярим йўлда тўхтаманг» деб қатъий қўллаган.

Фарзандларимнинг тарбиясида онамнинг кўмаги катта. Шу боис, оиладаги қўллов туфайли ишимга хотиржам бориб келганман.

Иш жамоасида ҳам омадим келган. Раҳбаримиз Иброҳим Абдурахмонов барча учун тенг шароит яратиб, аёл олимларга ҳам эркаклардан кам бўлмаган эътибор кўрсатган. Докторлик ишимни бошлаш олдидан менда ҳам иккиланишлар бўлган. Шунда Иброҳимжон «Опа, бу характерингиз билан сиз катта ишлар қила оласиз. Қўрқманг, бошланг. Мен сизга ишонаман» деб мени илмий ишга илҳомлантирган.

Шу кунларда ҳам марказимизга магистратура ва докторантура босқичидаги қизлар келса, раҳбарият уларни мамнуният билан қўллаб-қувватлаб, барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилади. Раҳбаримиз кўп бор таъкидлардики, биология фанини кўпинча қизлар яхшироқ ўзлаштиради, чунки тадқиқотларга кўра эшитиш, диққатни жамлаш ва маълумотни ўзлаштириш қобилияти қизларда кучлироқ экан.

– Илмий фаолият билан шахсий ҳаёт ўртасида мувозанатни қандай сақлайсиз?

– Илм – тўхтовсиз изланиш, сабр ва фидойиликни талаб қиладиган йўл. Илмий фаолият билан шуғулланувчи инсон кўпинча вақтини, диққатини ва кучининг катта қисмини тадқиқотларга бағишлайди. Бироқ олим фақат олим эмас, оила аъзоси, она, дўст, фарзанд ва жамиятнинг бир бўлаги ҳамдир. Шу боис илм билан шахсий ҳаёт ўртасида мувозанат масаласи табиий равишда юзага чиқади.

Мен учун мувозанат вақтни тенг тақсимлаш эмас, балки муҳим жиҳатларни тўғри белгилаш демакдир. Илмий фаолиятда аниқ режа муҳим аҳамиятга эга. Кунлик ва ҳафталик режалар орқали иш, дам олиш ва оила учун алоҳида вақт ажратиш мумкин. Илмий ишни уйга олиб келмаслик, дам олиш пайтида иш ҳақида ўйламаслик – бу ҳам ўз-ўзига ҳурмат белгисидир. Агар шахсий ҳаёт тўғри йўлга қўйилган бўлса, илмга тўсқинлик қилувчи омил эмас, аксинча, уни қўллаб-қувватловчи жараён бўла олади.

Эрталаб уйдан чиққанимда диққатимни тўлиқ ишга қаратаман. Уйга қайтганимда эса барча эътиборимни оиламга – болаларим ва набираларимга бағишлайман.


Албатта, ҳар қандай соҳада бўлгани каби илмий фаолиятда ҳам стресс ва босим бўлиб туради. Бундай пайтларда менга энг аввало ишимнинг маъноси куч беради. Нима учун бу йўлни танлаганимни, изланишларим кимга хизмат қилаётганини тез-тез эслаб турман. Илгарилари стрессдан чиқиш мен учун қийинроқ бўлган, ҳозир эса руҳий барқарорликка эришганман.



“ ИЛМ – ТЎХТОВСИЗ
ИЗЛАНИШ, САБР
ВА ФИДОЙИЛИК.

Яқин инсонлар билан мулоқот ҳам мен учун катта таянч ҳисобланади. Оиламнинг қўллаши, оддий гурунглари ишдан ташқари ҳаёт ҳам борлигини ҳис қилишга ёрдам беради. Қолаверса, табиат қўйнида сайр қилиш, китоб ўқиш ёки сокин мусиқа тинглаш фикрларимни жамлашга хизмат қилади.

Энг муҳими – сабрли бўлишни ўргандим.



– Зиёли аёл ким? Сизнингча ўзбек олим аёлининг имижиди қандай?

– Тарихга назар ташласак, зиёли моларимиз ҳар доим маърифат, сабр ва матонат тимсоли бўлиб келган. Уларнинг фаолияти фақат оила доираси билан чекланиб қолмаган, илм-фан, адабиёт, тиббиёт ва жамият тараққиётида ҳам чуқур из қолдирган. Масалан, соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли хотини Бибихонимни ҳақиқий зиёли аёл сифатида эътироф этаман. Шунингдек, Нодирабегим нозик қалбли шоиргина эмас, давлат ишларида фаол иштирок этган, илм ва маданиятни қўллаган маърифатли аёл ҳам бўлган. Бундай аёллар тарихимизда жуда кўп.

Бугунги кунда эса ўзбек зиёли аёли илмий лабораторияларда, университет аудиторияларида, халқаро минбарларда ўз сўзини айтмоқда. Улар ўзларидан олдинги авлод қолдирган бой маънавий меросга таянган ҳолда замонавий билим ва инновацияларни жамият равнақи учун сафарбар этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек зиёли аёли тарих ва замонни боғлаб турувчи мустаҳкам кўприқдир. У кечаги анъаналарни асраб, бугунги илм-фан билан уйғунлаштира олган, эртанги авлод учун эса илҳом манбаи бўлиб қоладиган қиёфадир.



**“ ҲАР БИР ХАТО
СИЗНИ ЯНАДА
КУЧЛИРОҚ ҚИЛСДИ.**

– STEM (илм, технология, муҳандислик, математика) йўналишини танламоқчи бўлган қизларимизга қандай маслаҳат берасиз?

– STEM йўналишини танлаётган қизларга аввало шуни айтмоқчиманки, бу йўл қийин, аммо имкониятга жуда бой. Агар сизда қизиқиш ва сабр бўлса, жинсингиз ҳеч қачон тўсиқ бўлмаслиги керак. Илм истеъдодни эмас, изчилликни кўпроқ синовдан ўтказди. Шунинг учун ўзингизга ишонишни ўрганинг.

Илк муваффақиятсизликлардан қўрқманг – улар илмнинг ажралмас қисми. Савол беришдан, хато қилишдан ва янги билимларни ўзлаштиришдан тортинманг. Ҳар бир хато сизни янада кучлироқ қилади.

Яна бир муҳим маслаҳат – устозлар ва илмий жамоани тўғри танлаш. Сизни қўллайдиган, билим улашишга тайёр инсонлар билан бирга бўлиш йўлни анча енгиллаштиради. STEM соҳасида билим билан бир қаторда ирода, интизом ва вақтдан тўғри фойдаланиш кўникмалари ҳам жуда муҳим. Энг муҳими – орзуларингиздан воз кечманг. Агар илмни сидқидилдан танласангиз, кун келиб орзуга албатта эришасиз. Келажакда сизни янги кашфиётлар кутиб турибди.

Шаҳноза Рофиева суҳбатлашди

ЭШИКЛАР ОЧИҚ, аммо...

1.

Брекет

(инг. *bracket*) – одам тишларининг тўғри ўсиши ва текис бўлишига ёрдам берадиган тиббий жиҳоз.

2.

Дедлайн

(инг. *deadline*) – бирор вазифа, лойиҳа ёки ҳисоботнинг охириги муддати.

3.

Криптовалюта

(инг. *cryptocurrency*) – фақат интернетда мавжуд бўлган, марказлашмаган, ҳукумат ёки банклар назорат қилмайдиган рақамли (виртуал) валюта.

4.

Пенаблок

(лот. *spīta*) – цемент, кум, сув ва махсус кўпикли восита аралашмасидан тайёрланадиган фишт кўринишидаги енгил, иссиқликни яхши сақлайдиган қурилиш материали.

5.

Пеня

(лот. *poena*) – молиявий мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмагани учун қўлланадиган иқтисодий жазо.

6.

Пробел

(рус. *белый*) – матнда қаторлар, сўзлар ва ҳарфлар орасида қоладиган бўшлиқ.

7.

Реванш

(франц. *revanche*) – уруш ва ўйиндаги мағлубият учун олинажак ўч ёки қасос.

8.

Реелс

(инг. *reel*) – ижтимоий тармоқлардаги узунлиги олтмиш сониядан ошмайдиган видеолар.

9.

Ҳостел

(лот. *hospes*) – ошхона, ҳаммом ва хонаси умумий бўлган вақтинчалик арзон меҳмонхона (ётоқхона).

10.

Эможи

(япон. 絵, 文字) – электрон ёзишмаларда туйғу, ҳолат ва маънони ифодаловчи ҳиссиётли белгилар.



Филология
фанлари номзоди,
шоир

Абдувоҳид ҲАЙИТ

Аввало бу мавзуда икки
оғиз сўзим:

Глобаллашув даврида
яшаяпмиз. Бу шундай
даврки, ҳар томондан
ҳар сонияда юзлаб ёт

сўзлар суқилиб киришга ҳаракат қилади. Улар бегона ўтга ўхшайди, луғатимиздан жой олиш учун баъзан ўнлаб ўз сўзларимизни сиқиб чиқариб, тилимизда илдиз отади. Кимдир «нима қилибди, қанча қўп янги сўз қўшилса, нутқимиз шунча бой бўлади» дейиши мумкин. Албатта, тилдан тилга сўзларнинг ўтиши азалдан бор ҳодиса, уни инкор қилиб бўлмайди. Аммо бошқа тиллардан сўзларнинг кириб келишида ҳам муайян чегара,

меъёр бўлиши шарт. Бу жараёнда меъёр бузилса, тил ямоқ тушган матога ўхшаб қолади, тилга эътиборсизлик қилсак, бу ямоқлар тилимизни бутунлай қоплаб, асл қиёфасини бузиб қўйиши ҳам мумкин. Шу боис бугун тил ҳимоясида қаттиқроқ туриш керак.

Тил қотиб қолган нарсаси эмас, у мингйилликлар давомида аجدодларимиз томонидан яратилган. Айти пайтда эса бу жараён тезлашди, шунинг учун ҳар куни ёғилиб келаётган халқаро сўз ва тушунчаларни шунчаки қабул қилиш эмас, имкон қадар уларнинг муқобилларини яратишга ҳаракат қилмоғимиз зарур. Бу борада имкониятларимиз жуда кенг, фақат ундан фойдалана олсак бўлгани.



Ва тавсияларим:



1. Брекет – тасаввур қилинг, агар бу жиҳозга умуман ном берилмаган бўлса, ўзбекча сўзлар билан уни қандай тушунтирган бўлардик: «тишларни тортиб турадиган сим, мослама». Турк қардошларимиз шу мантиқдан келиб чиққан шекилли, уни «diş teli», яъни «тиш сими» дейишади. Лекин ҳозир бу жиҳознинг фақат сим эмас, шаффоф қолип ва бошқа хиллари ҳам бор. Яъни, «брекет» жиҳознинг ягона байналмилал номи эмас. Шундан келиб чиқиб, уни ўзбек тилида ҳам бир эмас, бир неча номлар билан аташ мумкин. Мисол учун «тиш-сим», «ортодонтик боғич», «тиш тўғрилаш мосламаси», «шаффоф қолип» ва ҳоказо.

2. Дедлайн – сўнгмуҳлат.


3. Криптовалюта – ҳозир инглизча «digital» ёки русча «цифровой» сўзи ўрнида бизда «рақамли» сўзи ишлатилаяпти. Шунга кўра бу сўзни ўзбек тилида «рақамли пул бирлиги», «рақамли пул» дейиш тўғри деб ўйлайман. Агар «рақам» ўрнида «сон» сўзи ишлатилиб, «сонли пул» дейилса, яна ҳам ўзбекчароқ бўларди (туркчада «виртуал» маъносида «sanal» сўзи ишлатилади), аммо ўзбек тилида «рақамли»га кўникилди.



4. Пеноблок – ўзбек тилида «ғовак», «ғалвирак» каби ажойиб сўзларимиз бор. «Ғовак ёғоч», «ғовак тош», «ғовак ер»... Шу боис русча «пеноблок»ни ўзбек тилида бемалол «ғовакғишт» дейишимиз мумкин.

5. Пеня – «молиявий жарима», қандай жарималиги тағматндан англашилса, шунчаки «жарима» деб қўллаш ҳам мумкин менимча.

6. Пробел – ўзбек тилида «бўш жой», «бўшлиқ» деган маъқул, чунки кўпгина тиллар, мисол учун инглиз (space), француз (espase) тилларида ҳам шу тарзда ишлатилади.




7. Реванш – французча *revanche* сўзи «ўч», «қасос» маъноларини билдиради. Аммо бошқа тилларда сиёсат ва спортга оид атама сифатида ишлатилгани учун унга муқобил сифатида биздаги «ўч», «қасос» сўзларини қўллаб бўлмайди. Атама сифатида у XIX асрнинг етмишинчи йилларида Францияда реваншизм сиёсий ҳаракатининг пайдо бўлиши билан шакллана бошлаган. Бу сиёсий ҳаракатнинг мақсади Франция – Пруссия урушида Олмонияга ўтиб қолган Франция ерларини қайтариб олиш бўлган. Кейинчалик реваншизм бошқа минтақаларга ҳам кўчган ва кўпинча босқинчилик маъносини ифодалаган.

Менимча, ўзбек тилида «реванш» сўзи маъноларини тўла ифодаладиган яхлит атама шаклидаги муқобилни топиш қийин. Ўйлайманки, уни «мажбуран» тилимизга киритишга ҳам ҳолат йўқ. Шу боис ўзбек тилида жумладаги маънодан келиб чиқиб «реванш» ўрнида «қайта беллашув», «қайтариб олиш», «қасос», «ўч» каби турли сўз ва иборалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.



8. Реелс – менимча, «Тик-Ток» каби бу сўзни ҳам таржимасиз қабул қилишга тўғри келади.



9. Хостел – илгари меҳмон қабул қилинадиган хона ва махсус бинолар «қўноқхона» дейилган. Ҳозир меҳмонхона деганда муҳташам биноларни кўз олдимизга келтирамиз, қўноқхона эса нисбатан кичикроқ хостел ёки motelга маъно жиҳатидан мос келади. Келажакда Ўзбекистонда саёҳатчилар оқими ортгани сари, ўйлайманки, бу каби кичик қўнимгоҳлар ҳам кўпайиб боради. Агар уларни «қўноқхона» ёки «қўноқуй» десак, бу билан унут бўлаётган сўзимизни истеъмолга қайтарган бўлардик.

10. Эможи – эможи.



Байрам АЛИ тайёрлади.



Муслиқий тафаккур ЖУМБОҒИ

Тўлқин АЛИМАРДОНОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор

Оллоҳ инсонни қалб билан яратди. Бу қалбга дард ҳам, қувонч ҳам жо бўлди. Бу икки қарама-қарши туйғу мудом курашдадир. Ана шу кураш асносида булут ва қуёш нурларининг тўқнашувида чақин ҳосил бўлган каби дилнинг туб-тубида исён ҳам, шукроналик туйғулари ҳам пайдо бўлади. Бу кечинмалар юракка теран ва сирли илҳомни ташлаб ўтадики, бу гоҳо шеър, гоҳида мусиқа шаклида намоёндир. Изтироб ва дард маълум маънода инсоннинг инсон эканлигига далил, унинг мукаррам зот экани, бир сўз билан айтганда, унинг мазмуни ва моҳиятидир.

Инсон шу боис олий ва юксак хилқат, унинг туйғуларида кечаётгандард ва изтироблар аслида қалбнинг исёни, ўзини излаш йўлидаги курашларидир! Муҳаббат инсон қалбининг халоскори, у туйғулар оғушида эврилади, тобланади ва қайта-қайта ёнади. Бу эврилишлар ноаларга айланиб, инсон қалбида мусиқа тароналарини яратади. Инсон қалби шу тароналар орқали эркак талпинаверади. Мусиқа қалбнинг тили, сўзга кўчолмаган дарду қувончнинг ифодаси. У қалбнинг нозик жавҳари, тирик ҳаётидир. Бусиз кўнгиллар қаттиқлашади, туйғулар ўлими авж олади.

Узоқ вақт давомида фалсафада мусиқага қатъий таъриф берилмади ва мусиқа деганда товушларнинг тартибли кетмакетлиги (ритми) тушунилиб, буларнинг фалсафага алоқаси йўқ деган қараш шаклланди. Ёки унинг тарихий-назарий таълимотлари унутилди. Фалсафадан йироқлашган мусиқа инсон учун маиший, оддий лаззат объектига айланди. Ачинарлиси, мусиқага илм сифатида эмас, эрмак деб қаралди.

Бошқача айтганда, мусиқа кўшиқ нолалари билан уйғунлашган, техник воситаларда сайқалланган жозоба майдонида тортилди. Бироқ на мусиқа, на адабиёт, на том маънодаги ҳар қандай санъат шунчаки эрмак учун мавжуд эмас, улар жамиятнинг анча чуқур эҳтиёжларига жавоб берадиган ўз фалсафасига эга.

Мусиқа ва фалсафа уйғунлиги инсоннинг руҳий-маънавий дунёсини бойитиш, уларда ҳаётий мақсадларни шакллантириш каби муаммоларни ойдинлаштиради. Мусиқа наво берса, фалсафа ғоя беради. Иккаласининг уйғунлиги эса қалбнинг тирик ҳаётидир.

Фалсафа – тафаккур манбаи, ғоя мусиқа орқали инсон руҳий оламининг қатламларига кириб боради. Қалбни ҳаёт реалликлари билан ҳамоҳанг бўлган мувозанатга етаклайди. Бундай яхлитлик инсонда яратувчанлик, садоқат, адолат, мардлик ва жасорат туйғуларини уйғотади. Мусиқа нафақат оҳанглар ва наволар мажмуи, унда инсон қалбининг чуқур ва баъзида ўзи англаб етмаган ички кечинмалари ётади. Юзага кўтарилган ҳис-туйғулар эса фалсафадан нажот топади.


Мусиқа фалсафаси олам манзараси билан боғлиқ ҳодиса, у қадимги давр ва ҳозирги замон файласуфлари нуқтаи

назаридан ҳам алоҳида олинган санъат туридан кўра каттароқ, чунки унинг манбаи олам борлиғи, коинотнинг тубида мавжуддир. Иккинчидан, мусиқа санъати ҳодисалари инсон томонидан яратилган товуш ғоялари бўлиб, улар у ёки бу тарзда олам ҳақидаги тасаввурни ифодалайди, табиат ва инсон ҳақиқатини қамраб олади.

Мусиқий тафаккур маданияти ижтимоий-тарихий фаолият субъектлари дунёқарашининг энг чуқур негизлари билан боғлиқ. У дунёнинг ўзига хос модели сифатида ҳаракат қилиш имкониятига эга. Дунёқараш маънавий ижодкорлик ва айниқса мусиқа санъатини англаш жараёнидаги асосий ролини тушунишга олиб келади. Мусиқий асарлар воқеликни ва инсоннинг ўзини бадий образларда англашга ёрдам беради ва шу билан одамлар дунёқарашига сезиларли таъсир кўр-

сатади. У ривожланиш-

нинг шундай юқори даражасига эришадик, натижада дунёни, инсонни ва унинг дунёга муносабатини ифодалаш қобилиятига эга бўлиб, фалсафанинг таркибий қисмларидан бирига айланади. Зотан, мусиқа шахснинг ўзини намоён қилиш усули бўлиб, бу ўз навбатида фалсафий дунёқарашига ҳам таъсир кўрсатади.



Муסיқа фалсафасига мурожаат қилиш дунёнинг космологик ва замонавий манзаралари нуқтаи назаридан инсон дунёқараши қийматини тушуниш демакдир. Биз, замонавий файласуфлар ва санъатшунослар учун муסיқа санъати дунёвий маконда хаос шаклнинг абадий ифодаланган универсал ритм ва гармониясини кўрамиз. Бизнинг муסיқамиз – коинотнинг умумий қонуни, буюк ритм, онгимиз томонидан идрок этилаётган оҳанглар композицияларидир. Зотан, ҳар бир муסיқий асарда инсон камолоти ривожининг ўзига хос ички қонуниятлари мавжуд.

Антик давр файласуфларининг ҳар қандай ҳаракатланувчи нарса товуш чиқариши керак ва товуш чиқаради, дунё товуш чиқарувчи космосдир деган фикрлари эскиргани йўқ. Қадимги дунёнинг натурфалсафий манзарасида муסיқа уйғун ташкил этилган жарангдор коинот сифатида тасаввур қилинган. Илк антик даврда олам манзараси илоҳий уйғунлик тушунчаси билан боғланиб, дунёқараш тизимини ташкил этган, унда муסיқа фалсафаси ўз ўрнига эга бўлган. Муסיқа воситасида туйғулар ва қалбнинг руҳий тузилишини бошқариш зарур деб ҳисобланган, чунки муסיқа коинотнинг космик ритми ва космик уйғунликнинг тимсоли бўлиб, унинг моҳияти инсоннинг дунёқарашини шакллантиради.

Қадимги давр олимлари нуқтаи назаридан мусиқанинг мафкуравий таъсири аввало инсонда у ёки бу ахлоқий муносабатларни шакллантиришда деб қаралади. Конфуций «Бирор мамлакатнинг подшоҳлиги ободми, ахлоқи соғломми, шуни билмоқчи бўлсанг, унинг мусиқасига қулоқ сол» дейди. Муסיқа нафақат инсоннинг ички психологик ҳолатига чуқур таъсир кўрсатиши, балки унинг мафкураси ва дунёқарашини ҳам ифодалаши қадимдаёқ кузатилган.

Муסיқа инсоннинг ҳиссий дунёсига, унинг туйғуларига, онгли ва онгости



соҳасига ҳукмронлик билан кириб бориш, психологик кайфиятга таъсир қилиш қобилиятига эга санъат бўлиб, уни жуда кенг диапазон чегараларида кўриш мумкин. Инсоният тўплаган муסיқий бойликларни табиий ва тўғри тушуниш ва севиш кўпинча инсоннинг ҳаёт йўлида муқаррар равишда юзага келадиган кўплаб мураккаб ва қийин муаммоларга муносабатини белгилайди. Дард ва изтиробларнинг инсон қалбида исёнга айланиши ҳам шундан. Бинобарин, Бах ва Чайковскийни севмаслик учун руҳиятни англамаслик керак. Моцарт билан Глинкани яхши кўрадиган ва тушунадиган одам ҳеч қачон ахлоқ соҳасида виждонсиз ва ифлос бўлолмайди. Мақом нолаларидан маст бўлган инсон доимо эл қайғуси билан яшайди.

Фалсафа ва мусиқанинг ўзаро боғлиқлиги масаласи бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Энди у нафақат фалсафа, балки сиёсат майдонига ҳам кириб келади. Аниқроғи, мусиқанинг кучидан сиёсий мақсад йўлида фойдаланиш амалиёти ишга туширилади.

Бу воқеалар 1980-йилларда, шўро давлати «коммунизм ғалабаси сари шахдам одимлаётган» қаттол даврларда авжига чиқади. Босқинчилик, зўравонлик билан эришилган зафарларни кўр-кўрона мадҳ этувчи бақироқ, жасоратга чорловчи кўшиқлар яратилади. Улар партия раҳнамоларига сифиниш, яратилган «эркинлик» учун ҳамдусано ўқишга қаратилганлиги билан Ғарб тарғиботидан ажралиб турса-да, муддаоси билан катта фарқ қилмайди.

«...Бирлаштирди мангу халқлар ихтиёри,

Совет иттифоқи, яша ва гулла!».

Бундай кўшиқлар оҳанги бизнинг миллий мусиқамизга шу даражада ёт эдики, ўзлигини таниган ҳар қандай инсон бу ҳолатдан нафратланмаслиги мумкин эмас. Куйидаги мисраларга эътибор қилинг:

*Бепоеън юртимнинг бир гулбоғи,
Москвадан нур олган бахт маёғи,
Бахтлисан қардошлик оиласида
Тепангда ҳилпирар эрк байроғи.*

Бундай кўшиқлар орқали ўз бахтини куйлаган ёш авлод бахтиёр эканига ва бу бахт Москов туфайли эканига асло шубҳа қилмасди ва ҳақиқий бахт нима эканини билмасдан ўтиб кетарди. Бу кўп жиҳатдан мустабид тузум учун ўз самарасини берди. Унинг ортидан катта-катта «санъат арбоблари» етишиб, бутун бир кўшиқ куйловчи қуллар армияси ташкил этилди.

Ҳаёт тўғрисида маълум бир тасаввурга эга бўлмаган беғубор болалик давриданоқ ёшларни қуллик руҳида тарбиялаш жамиятнинг бош мақсади эди. Бу мақсадни кўнгилдагидек амалга ошириш учун барча воситалар, жумладан, мусиқа ва кўшиқ санъати ишга солинди. Шоир ва ёзувчилар, бастакорлар ушбу мақсадни амалга оширишга сафарбар этилди. Ғариблашган, асосий қутлуғ вазифасидан узоқлаштирилган мусиқа сиёсий восита сифатида ижтимоий ҳаётимизнинг барча

жабҳаларига кириб борди. У бизни эрта тонгдан шавкатли меҳнатга, битмас ва ҳеч қачон ушалмас «истиқбол сари» даъват этар эди.

Ливерпулнинг афсонавий «Bitlz» рок-гурӯҳининг ташкил этилишидан кўзланган асл мақсад бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу гурӯҳ «Билдерберг» яширин клуби томонидан янги дунё тартиботини яратишга уриниш самараси бўлиб, у оммавий тафаккурни назорат қилишда мусиқани мукамал намуна воситасига айлантиради.

«Битлз» шунчаки 1960-йиллар бошидаги оддий гурӯҳ эмас. Бу шунчаки ёшларнинг эски ижтимоий тизимга қарши ўз-ўзидан кўтарилган исёни ҳам эмас, балки инглиз ҳукумати томонидан пухта ишлаб чиқилган (Британия Психологик уруш бюросининг махфий раҳбарлигида) аҳолига турли кучли бузғунчи элементни киритиш режасининг натижаси. Бу аҳолининг катта гурӯҳи номақбул деб ҳисоблаган ўзгаришларни қабул қилган қатламнинг ёрқин намунаси эди. Режа Марказий разведка бошқармаси, Буюк Британиянинг МИ-6 ва Тависток институти¹ тажрибаси асосида амалга оширилади, улар руҳий ҳолатни бузадиган кучли наркотик моддаларни тарқатишни ташкил этади.

Кейинчалик бу оламшумул ҳодиса битломания номи билан машҳур бўлди. «Битлз» АҚШга келганидан сўнг ҳеч ким америкаликларнинг бутун бир авлодига келтирган маданий фалокат кўлами қанчалик катта эканлигини тасаввур ҳам қила олмаган². Америка ёшларига қарши эълон қилинмаган маданий уруш даврида 1967 йилда Тависток институти

¹ Тависток инсон муносабатлари институти 1947 йилда Лондонда ташкил этилган Британия нотижорат тадқиқот ташкилотидир. У ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун психоанализ, гурӯҳ динамикаси ва ташкилий ҳаракатларни ўрганишга ихтисослашган. Институт психология, социология ва бошқарув соҳасидаги тадқиқотлари билан машҳур бўлиб, кўпинча яширин тадқиқотларда иштирок этади.

² Эстулин, Д. Секреты Бильдербергского клуба / Д. Эстулин; пер. с исп. И. В. Жук. – Минск: «Попурри», 2009. С. 31-32.



миллионлаб ёшларни «фестивал»ларга жалб қилиб, очик ҳавода рок концертлар уюштириш амалиётини жорий қилади. Бу концертларда галлюциноген препаратлар, шунингдек, «Bitlz» томонидан тарғиб қилинаётган ЛСД³ наркотик дорилари бемалол тарқатилган⁴.

Кейинчалик бу тажриба кўплаб давлатларнинг сиёсий амалиётига ҳам кириб келди.

Ҳар бир давр ва унинг сиёсий мафкураси айниқса қалблар жиловланганда, руҳият қафасда тутилганда мусиқа фалсафасига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Маддохликка кўниккан кўнгил ва чорасиз қолган қалб қанчалик фарёд чекмасин, гўдак ингроғидек маъсум қолади. Фақат эркин жамият инсон руҳи парвозига малҳам бўлади.

Бугун юртимизда бўлаётган ўзгаришлар миллатимизнинг маънавий, руҳий камолотга эришаётганининг ёрқин далилидир. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, бизнинг қалбларимизни ҳар лаҳзада чалғитувчи «қўшиқ»лар жаранги таъқиб этмоқда. Шу сабаб биз ҳамон қалби яраланаётган авлод сифатида руҳий қулликдан тамоман қутула олдик дея олаимизми? Модомики, мажруҳ қалбларимизни тирилтирадиган қўшиқлар бугун жуда зарур. Бундай қўшиқлар, шубҳасиз, XXI аср пўртанасида бурканиб яшаётган ўзбек қалби ҳақида бўлмоғи шарт. Зеро, шеър, қўшиқ ҳам мустақиллик мафкурасининг

бир қисмидир. Албатта, адолат юзасидан айтиш лозимки, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида хуррият ва эрк ғоялари билан суғорилган кўплаб қўшиқ ва мусиқалар яратилди.

Аммо шу орада кириб келган бозор сиёсати мусиқа санъатининг ҳам «бозори»ни вужудга келтирди. Бу «бозор» истеъмолчилик кайфияти билан улғаяётган янги авлоднинг майлларини қондирувчи, шаҳвоний ҳиссиётларини уйғотувчи, миллий эркинлик чегараларини тан олмайдиган янги жозибадор туйғулар майдонини кенгайтиришга қаратилди. Бир пайтлар Ғарб бошлаб берган «анъана»лар бўй-басти билан янги авлод ҳаётига кириб келди. Бемаъни қилиқлар, беўхшов ҳаракатлар, ҳайқириқ нолалар, мазмунсиз сўзлар, савиясиз шеърлар, аралаш тилли қўшиқлар авжга чиқди. Энг ачинарлиси, энди уларнинг ғоявий бирлашган улкан армияси вужудга келмоқда. Боз устига ОАВ ва яна интернет тармоқлари беандиша чиқишларни трендга айлантираяпти. Мусиқа қанча очик, шаккок ва дағал бўлса, шунча шуҳрат келтирувчи «фазилат» деб қаралмоқда. Камтарлик, уят ва орият ожизлик тамғасига айланди. Мен бу ҳолатни шайтонлар базмига ўхшатаман.

Аммо ўзбек жамиятида ҳис-туйғулар кураши ҳали охирига етгани йўқ. Унга қарши турувчи маданий қалб қатлами ҳам мавжуд. Парадокс шундан иборатки, инсоннинг «қалб исёни» эзгулик ва ёвузлик ўртасида кечадиган доимий тўқнашувларни ёдга солади. Бу майдонда ҳурликдан азият чекканлар ҳам исён

³ ЛСД – диэтиламид лизергин кислотаси. Тақиқланган психоделик наркотик.

⁴ Даниэл Эстулин. Тавистокский институт. Минск, 2014. С.67.

қилади, эркинликка эришганлар ҳам исён қилади. Ана шу «исён»да инсон қалби ўз мувозанатини излайди. Мувозанат қалбнинг озиғи бўлмиш миллий маърифат билан тўйинсагина ҳукмрон ҳакамга айланади. Акси бўлса, бўшлиқ ўпқонига тушган қалб ўз майлларини қондиришнинг янги, айна пайтда қандай бўлса-да жозибадор, эрмакталаб манбаларини излайди. Инчунин, қалб жаҳолати вайронкор кучдир! У нафақат инсонни, алал-оқибат жамиятни ҳам таназзулга тортади.

Бугун ривожланган технологиялар даври яна бир янги – сунъий интеллект даврини олиб кирмоқда. Албатта, ақл ва меъёр билан ишлатилса, бу нарсанинг фойдали томонлари кўп. Лекин унинг хавфи инсон туйғуларини ифода этиш, унданда кенгроқ тафаккур қилиш имкониятини вужудга келтирмоқда. Инсоният жамиятида унинг ўрнига техниканинг фикрлаши одам туйғусини ўлдириши мумкин бўлган хатарларни келтириб чиқармоқда. Бир неча ўн йилдан сўнг миллионлаб куйларни таҳлил қилган алгоритм қандай руҳий реакцияларни келтириб чиқаришни олдиндан айтиб беришни ўрганади. У бизнинг ҳаяжонимизни дарҳол пайқайди ва умуман инсон психологияси ҳақида билганларига асосланиб, қайғули кайфиятимизга мос келадиган ва кечинмаларимизга ҳамоҳанг композицияларни яратади.

Алгоритм азоб-уқубатларимизнинг чуқурлигини англашга ёрдам берганидан сўнг бизга тасалли бера оладиган дунёдаги ягона қўшиқни тавсия этади. Эҳтимол, бизнинг онг остимиз уни бахтли болалик хотираларимиз билан боғлайди. Шундай қилиб, сунъий интеллект туйғулар билан тўқилган мусиқий онг остидаги сезги ва ҳиссиётларни ўлдиради. Агар мусиқа ҳақиқатан ҳам инсонда ҳис-туйғуларни уйғотишга (ёки уларни бошқаришга) мўлжалланган бўлса, мусиқачилар учун алгоритм билан рақобатлашиш жуда қийин, ҳатто имконсиз бўлади. Инсон туйғулари

технологиянинг қулига айланади. Унинг қалби исён қилмай қўяди. Нафрат ва муҳаббат йўқолади...

Ҳозирги замон кишисининг дунёни ҳис этиши ва тушуниши жуда мураккаб, кўп қиррали, динамик ва зиддиятлардан иборатдир. Шу билан бирга, замонавий жамият ҳаётидаги аксарият қарама-қаршилиқлар, муаммолар инсоннинг ушбу мураккаб маънавий дунёси ҳисобга олинмаганлиги билан боғлиқ. Бу айниқса ўз фаолиятининг асосий соҳаларини ислоҳ қилиш йўлига кирган Ўзбекистон жамияти ҳаётининг ҳозирги ҳолатида яққол намоён бўлмоқда. Мутлақо равшанки, жамият модернизациясининг муваффақияти бевосита унинг инсонпарварлигига, иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар, ижтимоий алоқалар ва сиёсий жараёнларнинг субъектив-экзистенциал таркибий қисмини ҳисобга олиш иродасига боғлиқ. Шу боис ижтимоий-тарихий фаолият субъектларининг маънавий дунёсини, индивидуаллигини тушунишда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиш, инсонларнинг дунёни англашини ўрганишнинг янги концепцияларини шакллантириш нафақат назарий аҳамиятга, балки эстетик долзарбликка ҳам эга.

Ислохотларнинг самараси ва пировард натижаси инсон руҳиятида эврилаётган туйғулар хосиятига боғлиқ. Бунда мусиқа маданияти ва айниқса мусиқий тафаккурнинг ривожланганлиги инсон маънавий дунёсининг энг муҳим қисми сифатида ифодаланади. Мусиқа туйғулар, фикрлар калейдоскопининг ифодаловчиси бўлишдан ташқари, мусиқий тафаккурнинг ўзи умуман инсоннинг дунёни ҳис қилиши ва тушунишида асосий омиллардан бири бўлиб, жамият барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу муносабат билан фалсафий фаолиятда бугун мусиқий тафаккурнинг ролини ўрганишнинг янги ёндашуви, янги даражаси зарур.

Қулман ОЧИЛ

Эссе

ДАМЗОД

БИР

КУЙКИ,
ТАЛҚИНИ

МИНИ


ХИЛ

Мурод аканинг турган-битгани, ёзган-чизгани, айтган-айтмагани, бутун ҳаёти – ҳангома. Қай бири чин, қайси тўқима – ўзиям аниқ билмаса керак. Ҳавасингиз келади.

Адиб ўша муҳитда маза қилиб яшайди, маза қилиб ёзади, маза қилиб... изтироб чекади. Аслида Мурод Муҳаммад Дўст ижоди ва фаолиятининг ўзига хослиги ҳам шунда.

ЯНГИ НАСР АВЛОДИ

Акамизнинг азим шаҳардаги сершовқин давраларни тарк этиб, гўё ўз ижодига қўл силтагандай она юрти Жомга лангар ташлаганига, адашмасам, беш йил бўлай деб қолди. Жом деганимиз камида йигирма-йигирма беш чақирим чўзилиб кетган қишлоқ. Бир учи қорли чўққиларга яқинлашиб борса, этаги чўлга туташ. Ҳавоси хуш, шаббодаси енгил, сокин бу гўша Мурод Муҳаммад Дўст адабий ҳаритага муҳрлаган фаройиб макон – Галатепани эслатади.



Ҳовли-ҳарами жойида адиб беш-олти таноб келадиган дарахтзорида куймалангани-куймаланган. Бу одат кайвони отасидан ўтган. Раҳматли колхоз раисиман деб ўтирмас, қўлидан кетмону бел, тоққайчи-ю тешаси тушмас эди. Адиб асарларида меҳр билан тасвирланган Раим оқсоқол сиймосида отасининг ҳам шарпаси бордай.

Аканинг айтишича, тийрамоҳда қарға кўпаяди. Қора булутдай ёпирилиб келиб, дарахтдаги ёнғоқни чўқиб туширади, тошга уриб чақади. Чаққан жойида қай гўрдандир зағча ёки майна пайдо бўлади-ю мағзини илиб кетади. Қоқбош қарға оғзидаги ошини олдириб, жон аччиғида қағиллаганча қолаверади – раҳмингиз келади.

Тамаддуну сиёсатдан хийла узоқ, овлоқ Галатепа фуқаролари ўзининг инсонга хос жамики фазилату қусурлари билан китобхонлар кўнглидан аллақачон муқим жой олди, муаллиф эса миллий адабиётимизнинг забардаст вакили мақомига эришди десак, асло лофи йўқ.

Қоқ пўстак устида қотган нон ейишдан ҳам ҳузур топадиган авомшунос оёғини шаҳардан буткул узиб кетгани йўқ албатта. Узлатни афзал билганидан пойтахт жуда ҳувуллаб қолмагандиру, лекин заҳматкаш адиб қишлоғида фароғат тоганига ишонгимиз келади. Овози гулдираган, нигоҳи ва тили бир одам илгари – катта сиёсат майдонида от сурган кезларида қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай: давраларнинг гули!

Завқланиб эслайман: шундай кунлар, ойлар, йиллар бўлган. Янги ўзбек насридан сўз кетса, ёш адиблардан «уч оғайни ботирлар» номи биринчи бўлиб тилга олинадиган: Эркин Аъзам, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султон.

Орадан ярим аср ўтди. Бир майизни бўлишиб еган уч оғайнининг ораси ҳам, айна саноқ ҳам бузилгани йўқ. Энди улар шуҳрат қозонган адиб, таниқли сиёсат ва

маданият арбоблари. Китоблари бўёғи қуримай тала-тала бўлиб кетади.

Адабиётимиз осмонида юлдуздек порлаган янги авлоднинг пайдо бўлишини атоқли шоир Эркин Воҳидов 1980 йили завқланиб шундай қайд этган: «Оҳиста, ийманиб, улуғлар қошида чўчинқираб эмас, шахдам, дадил, бамисоли тўйхонага келган ўспирин куёвнавкарлардек олатасир ва сурон билан кириб келди. Биз бу “босқин”ни кўпдан кутган эдик, интизорлик билан пойлаган эдик. Шундай кун келди».

Адабиёт дарбозасини тақиллатмай, шовқин-сурони билан бетакаллуф кириб келган, боз устига, андак бетгачопару кибрли меҳмон қай замонда хушнуд қарши олинибди? Донишманд шоирнинг ўт-олов ёшларга улкан меҳр билан «биз бу “босқин”ни кўпдан кутган эдик» деган лутфида орзулари мўл авлоднинг дадил ҳифзи ҳимояси яққол бўй кўрсатиб тургани шундан. Эътирофда кўпроқ шоирларга нисбат берилган бўлса-да, у замоннинг ёш носирлари солган гулдурас ҳам асло кам эмас эди.

Газета-журналлар, радио-телевидение, чойхона-ю майхоналар, талабалар аудиторияларида янги авлод адиблари асарлари ҳақидаги тортишувлар қизигандан қизирди. Ўзим гувоҳман – талаба бошимдан ўтган.

Тақиқ ва таъқиблар сиртдан сусайгандай кўринса-да, социалистик реализм деган таълимотнинг темир қолиплари ҳали синмаган, четга сурилмаган бир давр; ҳамманинг жонига тегиб, ҳаммани чарчатган, ҳатто адабиёт ва санъат бошлиқларини ҳам бездирган даққи талаблар ҳамон амалда эди.

Бу таълимотнинг метин қоида ва талабларини деразаларига қалин панжаралар урилган Кремлдаги кабинетларда, белига йўғон камар, камарига бесунақай маузер таққан чарм камзулли инқилобчи комиссарлар ишлаб чиққан ва шафқатсизларча жорий қилган эди.

Таълимотки, сиртдан қараганда ғоят эзгу, инсоний ва адолатлидай кўринса-да, адабиёт ва санъат амалда яккаҳоким мафкурага мажбуран никоҳлаб қўйилган жорияга ўхшарди. Партия-ҳукумат им қоқса, ижод аҳли лаббай деб жавоб беришга маҳкум. Кейинчалик Мурод Муҳаммад Дўст таъкидлаганидек, «давлат етаклаган адабиётда маддоҳликдан ўзга барча жанрлар таназзулга юз тутарди».

Янги наср авлоди ана шундай талотўп даврда адабиётга гулдурас солиб кириб келди. Аммо бу гулдурас минбарлари давраларда эмас, уларнинг гоҳи ўйчан, гоҳида маъюс, гоҳида эса шўхчан, лекин ўта ҳаётий ва самимий ҳикоялари, қиссалари, романлари ва публицистикасида баралла сезилиб турарди.

Айни алғов-далғов кунларнинг бирида – 1979 йили «Шарқ юлдузи» журнали саккизинчи сониде ёш адиб Мурод Муҳаммад Дўстининг «Чоллардан бири» (аслиятида ва кейинчалик «Мустафо» деб номланган) қиссаси чоп этилди. Кўпчилик, жумладан асар эълон қилинишида бош-қош бўлган жонкуяр адиб, журнал

Биз бу “босқин”ни
кўпдан кутган эдик,
интизорлик билан
пойлаган эдик.
Шундай кун
келди.

наср бўлими мудир Шукр Холмирозев ҳам «Мустафо» қўлёзмасини ўқиб, ҳайрон қолганини яширмаган: «Асарингиз нима ҳақда ўзи, Муроджон?».



Келбати ёзувчидан кўра Эски шаҳар кўчаларида ваҳима кўзғаб юрадиган йўлтўсар кўзирларга тортиб кетадиган, мўйлаби лабини яшириб, қалин қора сочи елкасига тушиб турган қотма йигит, гўё шундай саволни кутгандай, гўё ўзи каби шиддати ошиб-тошиб бораётган шоир ошнаси Усмон Азимни назарда тутгандай, мужмалроқ жавоб қилади: «Усмонбой оқшомлари кўшиқ айтади. Шу ҳақда».

Аслида қисса қаҳрамони Мустафо чолга фарзанд тутинган йигитнинг исми шундай – Усмонали.

Шу-шу икки адибнинг гурунглари қовушиб кетади. Бу аҳилликка уларнинг бир-бириникидан қолишмайдиган артистлик иқтидори-да сабаб бўлган чоғи. Шукур Холмирзаев ўз вақтида талабалар театрида Ҳамлет қиёфасида сахнага чиққан, Мурод Муҳаммад Дўст кўплаб филмлар яратилишида бош-қош бўлган, сценарийлар ёзган, роллар ижро этган.

Марказ қамчисини
қарсиллатганда
миллий, тўғрироғи,
вассал ўлкаларда
лаббай деб жавоб
берилиши ва «қон
чиқарилиши»
шарт эди.

”

«Ёзолмай қолсам, – дейди Шукур ака ўзи ҳақидаги ҳужжатли филмнинг якунида деворда осиглиқ турган ов милтиғига ишора қилиб, – Эрнест Хемингвайга ўхшаб ўзимни ўзим отиб ташлайман!».

Ўша кезлар «Ўзбеккино» давлат агентлигига раҳбарлик қилиб турган садоқатли укага устознинг бу иқрори ёқмайди: «Илтимос, шу совуқ гапни олиб ташлайлик, Шукур ака, агар ёзолмай қолсангиз, ўзим бориб сизни отиб келаман!..».

Уканинг «Дашту далаларда» ҳикояси чоп этилганида ака биринчилардан бўлиб қутлайди: «Яхши ёзибсиз, жаним!».

Мурод Муҳаммад Дўстнинг айна лутфга жавоби қалам аҳли ўртасида ҳикмат каби тилга тушиб, урфга айланиб кетади: «Ёмон ёзолмасам, нима қилай?».

Бир гал ака суюнчилаб айтадики, ҳей, зўр фамилия топдим: кип-қизил ўзбекча!

Ука акасининг қўлини олади: «Зўр экан. Менга сотинг, жон оға!».

Адабий персонажга мос исм топиш машаққатини яхши биладиган ака тайсаллагиси келади: «Ўзимга керак, жаним! Лекин нархини келишолсак, майли, сотишим мумкин».

Сотарман билан оларман дастурхон бўйида ўтириб бир кун тортишганидан сўнг «бор барака» бўлади. Ука бир қадаҳ пивонинг нархи – йигирма копейка тўлаб, ноёб фамилияни ўзиники қилиб олади ва адабиётимизда улкан воқеа бўлган машҳур «Лолазор» романининг бош қаҳрамони Назар Яхшибоев китобхонлар меҳрини қозонади.

МАСАЛАНИНГ НОЗИК ЖИҲАТИ

«”Мустафо” ўзи нима ҳақида?». Орадан эллик йил ўтаётганига қарамай, ҳалиҳамон шу саволни берадиган дуппа-дуруст одамларга дуч келамиз. У замоннинг адибу мунаққидлари-ку ҳайрон қолгани, ҳатто чўчиб кетгани аниқ.

Сталин даврида қатағонга учраб, Қозоғистоннинг Жезқазған вилоятида-



ги мис конида неча йил тирноқ билан ер кавлаган адиб Саид Аҳмад кейинчалик «кўп чиройли воқеалар» тогганини, лекин қўрққанидан ёзолмаганини надоматлар билан эслаган эди: «Тазйиқнинг қони совимаган, нафас олиб турган пайтлари эди. Яна қамаб қўяди деб қўрқардим».

Мустабид тузум не-не улугларимизни ана шундай – юраксиз қилиб қўйган эдики, асарларига коммунистик руҳ ва ғояни туфлаб ёпиштиришга мажбур бўлган улар.

Комфирқанинг навбатдаги қурултойида совет ёзувчилари зиммасига янги вазифалар юкланиб, социалистик реализм назариясидан чекиниш асло мумкин эмаслиги ва бу борадаги ҳар қандай оғмачиликнинг олдини олиш партия ташкилотларининг муқаддас бурчи экани яна бир бор алоҳида уқтирилган.

Марказ қамчисини қарсиллатганда миллий, тўғрироғи, вассал ўлкаларда лаббай деб жавоб берилиши ва «қон чиқарилиши» шарт эди. Оқсоқол адибларга тихирлик қилолмайсиз, сабаби маълум: бадий маҳорати ҳаминқадар

бўлиши мумкин, бироқ сиёсий жиҳатдан ғоят хушёр, пишиқ-пухта. Комфирқа белгилаб берган «улуг йўл»дан юравериб то-вони, ғояларини тарғиб қилавериб қўли қадоқ бўлиб кетган.

Бундай вазиятда ижод майдонида ҳали суяги қотиб-қотмаган «махмадонлар»ни қурбонликка тортишдан қулайи борми?! Ўшаларни танқидга нишон қилиш, ўшаларнинг бошини қайириб, ҳали мўртлигида шохини синдириб олиш керак, токи ғоявий-сиёсий шаккоклик кўчасига бош суқа кўрмасин!

«Совет халқи парвозни баланд олиб, коммунизм сари дадил одимлаётган бир даврда ўта тўпори, муте, хокисор Мустафони эзгулик ва ҳалоллик рамзи деб бўлармикан?».

Саволни берган мунаққид ўзича жавоб топгандек бўлади: бу ҳол Мустафо каби одамлар учун оғир кўргулик, бошқаларга аччиқ сабоқ. «Масаланинг шу томони-ни унутмаслик лозим!». Сизгандирсиз: танқидчи нимадандир чўчигандай, хижолат тортгандай, кимдир қулоғига шивир-



лаган иддаони – қалам аҳлига қўйилган қатъий талаб, аён пўписа ва сиёсий айбни баён этган. Сталин замони бўлганида бундай шаккоклик учун ёш адиб бошига жадидларнинг қора куни тушар, ёт унсур сифатида пешонасидан отилмаса ҳам, Сибир ўрмонларида ўн-ўн беш йил дарахт кесиб юришга маҳкум этилар эди.

Қисса қаҳрамонлари душман пулемёти милига кўкрагини қалқон қилмайди, чўлларга сув чиқариб, уфққа туташиб кетган пахта далаларида инжиқ табиат устидан ғалаба қозонмайди, илм-фан соҳасида оламшумул кашфиётларга йўл очиб жасорат кўрсатмайди, авомни порлоқ келажак сари бошламайди. Қисқаси, улар «катта ҳаёт оқимидан четда қолган пассив, хокисор персонажлар».

Бировга озор бермайдиган, ҳеч кимнинг ишига аралашмайдиган, ўзи билан ўзи бўлган Мустафо чолнинг турмуш тарзи шундай: «омоч билан ер тирнаб қовун-тарвуз экади, макка экади». Ҳунарли – тиккан тоштовон этиклари, от жабдуғи харидоргир. Чирги тикаётганда калавага мум едиради. Едирмаса, эртаси куниёқ чириб тушади. «От бу сенга хоннинг хотини эмас, терлайди».

Мустафо тенги одамларнинг бари таёққа суяниб қолган. Таёққа суянмагани иякка суянган – эзма. Мустафо камгап. Кўп ўйлайди, мулоҳаза қилади. На иддаоси, на таънаси сезилади. Ўзи ювош кўрингани билан ор-номус масаласида қаттиқ туради. Худодан қўрқади, бандадан шарм қилади. Бир сўз билан айтганда, иймони бутун одам. Тўшақда жон талашиб ётганида одамларнинг одамдай муомаласини кўриб, гўдакдай қувонади.

Кампири эса бўрдоқи қўчқорларнинг терисини эринмай ошлайди, кейин пўстак тикади. Жун савайди. Икковиям кекса одам эмасми, қишда пўстак кунига ярайди.

Чол-камбир «ўзи лойдан ясаб олмаса, унга тегадиган хотин йўқлиги»дан ўқсиниб юрадиган ичонғич Усмонали шу ҳовлида уларнинг чироғини ёқиб ўтиришини орзу қилади. Токи кўрган одам бу уй кимнинг вайронаси деб сўрамасин.

Инсон ҳаётининг бадиий асарда бу йўсин тасвирланиши қалам аҳлининг имконият чегараси жанрларигача чекланган жамиятда ҳайратланарли иш – катта ижодий жасорат эди.

Шўро мафкурабозларининг «қарғиши»ни писанд қилмаган муаллиф бошига қанча маломатлар ёғилмасин, асардан асарга ўсиб, улғайиб, юксалиб борди. У инсоний қудратни маҳобатдан эмас, соддаликдан излайди. Воқеанавис учун инсон суратидан кўра сийрати муҳим. Халқона тилда битилган ғоят самимий ва ҳаётий асарлари услубининг ғайриоддий жозибадорлиги билан ўқувчини ўзига маҳлиё қилади-қўяди. Муаллиф сюжетнинг изидан от чоптириб кетмайди. Асарларида кучли конфликт, интрига, саргузаштга мойиллик бўртиб кўринмаса-да, инсон кўнглининг энг нозик товланишларини тасвирлашга иштиёқ баландлиги яққол сезилади. Аёнки, бу тахлит ўзгаришлар аввал қалбда юз беради.

“

Ўзи нақадар
шўх-шодон, ҳазил-
мутуйибага мойил
бўлмасин, асарларида
ҳазинлик, баъзан
шикасталик, шундай
дардмандликка яраша
ҳамдардлик, неклик бор.

«Мустафо Галатепанинг чеккароғида, Ибодулла Махсумнинг ҳовузи тарафга туртиб чиққан қирнинг тумшуғида яшайди», – деб ёзади адиб. «Ўтган жавзода роп-па-роса етмишга кирган» қарияга ўзбекона ҳурмат шуми? Иззат-икром қани?

Бадий асарга сиёсий ва ахлоқий мезонлар нигоҳи билан қарашга ўргатилган серталаб мунаққидлар «Мустафо»даги нозик фалсафани гўё илғамайди. Ювош, бечора, бахтиқаро Мустафо образи китобхон, айниқса ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилади дея ваҳимага тушади. Зеро, асардан миллий адабиётимизга зулукдек ёпишиб олган сийқа панду насиҳатни изламанг – тополмайсиз. Схоталикдан ирганадиган адиб кейинчалик «Лолазор» романида айтганидек, «одамзод бир куйки, талқини минг хил». Кўнгли тоза, серандиша, феъли кенг Мустафо эса бир мўмин ҳаёти ва яшаш тарзининг ўзига хос бадий-фалсафий талқинидир.

Чекига ислоҳотчиликнинг оғир юки тушган ёш носирлар соцреализмни буткул рад қилиб, ялтир-юлтир совет турмуш тарзини мадҳ этишга йўналтирилган даққи қолипларни бузиб ташлади. Миллий насримизни янги ўзанга, таъбир жоиз бўлса, *самимий реализм* сари буриб юборди. Эскича қарашларга монанд тузсизу туссиз, руҳсизу жонсиз персонажлар гўё темир плакатлардан халқ орасига тушиб, дуппа-дуруст инсоний қиёфа касб этаётгани кўзга равшан ташланди. Дунё айвони, инсон руҳий олами кенглиги яққол намоён бўлди.

Ўзбек насри жўн публицистикага хос саёзлик, баёнчилик, ясама кўтаринкиликдан бадий теранлик ва миллийлик сари дадил интилишга ўтди.





“

Эркин
Воҳидов
айтганидек,
«Ватан ундан
ёниб турган
юрагини
сўрарди».

Айни жараёнда кўплар бу уч муқтадир ёш адиб олдида ип эшолмай қолди. Учаласи ҳам тенгсиз ровий сифатида ном қозонди.

Мазкур авлоднинг пешқадам кайвониларидан бўлмиш Мурод Муҳаммад Дўст одам боласининг зиддиятларга тўла тубсиз ва поёнсиз руҳиятига ҳаммадан чуқур кириб бора олган ўзбек адибидир. Моҳирлиги шундаки, китобхонга ақл ўргатмайди, инсонни «лоқайд» кузатиш орқали холисона бадий тасвиртадқиқотга эришади. Воқеани муфассал тасвирлашдан намойишкорона воз кечади.

Мурод ака ҳикояга қўл урадимиз ёки қисса, роман ёхуд сценарийгами, эссе ёки эпистоляр жанрдами, қатъи назар, ёзар экан, қўлёзмасини эринмай овоз чиқариб қайта-қайта ўқийди. Шу боис асарларидаги диалоглар жонли, енгил ва табиий. Тишига теккан жумлалар, тасвирларни «одамбашара қилиш»дан чарчамайди. Шафқатсизларча баҳридан ўтган саҳифалари қанча. Беҳад юксак ижодий қуввати ана шу бой заминдан – матонат ва сабр-тоқатдан баҳра олади.

Ўзи нақадар шўх-шодон, ҳазил-мутуйибага мойил бўлмасин, асарларида ҳазинлик, баъзан шикасталик, шундай дардмандликка яраша ҳамдardлик, неклик бор.

Тархи тоза, беандоза асар «Мустафо»дан сўнг бел боғлаб ишга киришиб кетган адибнинг ўн йил ичида бир-биридан ўқишли ҳикоялари, қиссалари ва муҳташам романи чоп этилдики, энди мунаққидлар уни бадий маҳорат ва гўзал ровийликни юксакларга кўтарган адиб сифатида улуғлай бошлади. Тасвир кўламининг кенглиги ва самимийлиги, таҳлил ва инсоний дardнинг чуқурлиги, ижодий ғайрат-шижоат ва куч-қувват бобида у жаҳон адабиётининг номдор вакиллари билан бемалол бўйлаша ва беллаша олади.

Эндиликда ўзбек насрини Мустафо, Ғуччи чол, Ибодулла Махсум, Раим оқсоқолни эслатувчи чоллар босиб кетди. Гўё кимлардир «Мустафо»ни кутиб ётган экану катта-кичик адибларимиз қаламидан бинойи-бинойи қариялар ҳассасини тўқиллатиб чиқиб келаётир, келаётир...

Саид Аҳмад «Асарингдан асарингга кўчиб юрадиган Ғуччи чол бор-ку, ўша ўзингга ўхшайди» деганида Мурод акадан олган жавобини қаранг: «Ғуччи акам мендан кўра ақллироқ!».

Қаерда пайдо бўлса, ўша ерда бир ҳангома, қалтис фикр чиқадиган персонаж ҳақида эмас, гўё муаллифнинг амакиси – жонли одам тўғрисида гап кетаётгандай.

ЙЎҚДАН БОР ҚИЛИШ ИҚТИДОРИ

Аммо тақдир Мурод Муҳаммад Дўст мансуб авлодга дастлаб ижодий сарафроз учун берган муддат жуда қисқа – ўн йилнинг нари-берисида бўлди. Зиммасига нафақат миллий адабиёт ўзанларини янгилаш, балки истиқлолга эришган миллат тафаккурини ўзгартиришдек ўта оғир синов ҳам тушган эди. Авлодки, истиқлолимизни ўзининг навқирон елкасида опичлаб катта қилган фидойиларнинг олдинги сафида бўлди. Эркин Воҳидов айтганидек, «Ватан ундан ёниб турган юрагини сўрарди».

Истибдод замонида пароканда қилинган улусни бирлаштириш ва жипслаштириш учун унга мустақиллик ғоясини, миллий ўзликни англатиш, «антеннаси Кремлга қараб созланган» миллионлаб одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш осон кечгани йўқ. Миллий мустақилликнинг мустаҳкамланишидан эса аввало шу авлоднинг – асл ўзбек зиёлиларининг ўзи манфаатдор эди. Аркони давлат хизматида қалам аҳли вакиллари кўпайиб қолгани шундан.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан хатчўплар четга сурилиб, шимолсевар қалъаларни забт этиш бошланди. Телеграф агентлиги – ЎзТАГдан ЎЗАга айлантирилган Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги уларнинг орасида муҳимларидан муҳими эди. Икки юз кишилик жамоасида ўзбекча ёзадиган бирор мухбир бўлмаган ЎзТАГда бир ярим аср ҳукмронлик қилиб келган ва «буюк-миллатчилик дардига мубтало бўлган оғалар» халқимиз истиқлолига ёз ёмғири каби ўткинчи ҳодиса деб қарарди: бу авом миллат бизсиз узоққа боролмайди!

Президент Ислом Каримов 1992 йил феввалида фармони олийга имзо чекиб, бош директор этиб тайинланган Мурод Муҳаммад Дўстга буюрмишки, ушбу ахборот маҳкамасини энди миллийлик сари бур, халқимиз манфаатларига созла.

Шундай қилиб, «Мустафо»нинг муаллифи жанжалнинг уясига бориб тушди...


Кутилмаганда камина суҳбатга чақирилдим. Сим қоққан йигит (кейин билсам, ёрдамчи экан) Қўқон хонининг ҳудайчисидай ўта тантанавор оҳангда далолат қилди: «Сизни ЎЗА бош директори жаноб Мурод Муҳаммад Дўст ўз ҳузурларига такаллум учун чорладилар».

Бора-боргунча лабимни йиғиштиролмайман денг: «ҳузурларига такаллум учун чорладилар!». Ол-а!

Агентлик атрофи – «Ўзбекистон» меҳмонхонасидан то минорали соатгача чўзилган йўлкани ёймачилар эгаллаб олганини кўриб эзилиб кетдим. Йўқчилик ва тақчиллик азобини тортавериб, эртанги кун умидидан айрилган одамлар патинка қутисини ҳам сақлаб қўйишга ўрганмаганми, эски-тускисигача сотгани кўтариб чиққан.

Деразаларини бетон панжаралар қуёшдан тўсиб қўйган сур ранг иморатнинг энг юқори – бешинчи қаватида чиқиб, аввал бош директорнинг биринчи муовини Эркин Аъзамнинг эшигидан мўраладим. Академик телетайпдан чиқарилган материални «қонига бўяб» ўтирган экан. Ошкора мароқ билан қилаётган ишидан бошини бирров кўтариб, вақти тифизлигини яширмади:

– Аввал Мурод акангизга учранг. Кейин яна бу ёнга кирасиз. Акангиз бир таклиф айтади. Йўқ демайсиз!..



Кенг ва узун, ерости метросидай бурилиб-буралиб кетган хонанинг тўридаги ёғоч курсида қўлини чаккасига тираб ўтирган Мурод ака анча ҳорғин кўринарди. Деворда, бош директорнинг тепасида, одатда генсекнинг салобатли портрети безаб турадиган жойда Чарли Чаплиннинг недир журналдан чалароқ йиртиб олинган оқ-қора рангли суратига нина қадаб қўйилган. Қўнғиз мўйловли қизиқчи, «бизга шуниси маъқул» дегандай ажабтовур жилмайиб турибди. Ҳайрон қолганимни сездирмаслик учун маъноли томоқ қирдим: «Зўр-ку?».

– Мансаб-мартаба вақтинча, – деди акамиз. – Санъат эса абадий.

Ажабки, бугун ўйласам, буюк масхарабознинг ярим-ёрти суратига яширинган ҳикматни аканинг ўзи ҳам библиб-билмай исботлаб қўйгандай. Мурод Муҳаммад Дўстни энди одамлар мансаб-мартабасига қараб эмас, атоқли адиб, кинодраматург, публицист, дилкаш инсон сифатида аввалгидан кўпроқ ва самимийроқ қадрлайди.

Бош директор мени ЎЗА халқаро ахборот таҳририяти бош муҳаррирлигига таклиф қилди. Яқин ўртада хорижий мамлакатларда мухбирлик буйролари очилар экан. Яхши ишласангиз, инглизчангизни такомилга етказсангиз, бирортасига бошлиқ бўлиб кетишингиз ҳеч гап эмас. Мен бор гапни айтдим. Ишлаб турган жойим – «Оила ва жамият» газетасини чиқара бошлаганимга ҳали ўн ой ҳам

бўлгани йўқ. Гуруллаб турган газетамни қандай кўзим қийсин!

– Беваларнинг газетасида нима қиласиз? Келинг, бирга ишлайлик. Қўнмадим. Биринчи муовиннинг хонасига қайтиб, бўлган гапни айтсам, Эркин аканики тутиб кетди:

– Гуччи акангиз сизни лақиллатибди!

Сиз замминистр, яъни бош директор ўринбосари бўласиз!..

– Эркин ака, мен...

– Гап тамом! Сизки йўқ десангиз, тоғдай қалашиб ётган бу ишларни ким қилади?!

Иқдор бўлишим керак, кескин айтилган бу гапни рад қилсам – айб, акаларим мени, мен ўзимни кечира олмас эдик.

Мурод акамиз зўр саркор эканки, хато қилишдан қўрқмасди. Кунда-кунора эски агентликдан мерос жамоани йиғиб, ўзбек тилидаги буйруғини ўқир ва йигирма-ўттиз чоғли ходимнинг рўйхатини амирона овозда якунларди: «Все эти товарищи уволены!». Яъни номлари қайд этилган шахслар янги агентликка ишга олинмайдди. Йўлингиздан қолманг! Ана ғала-ғовур, ана машмаша! Турган гапки, думалоқ хатлар, судга ёзилган даъво аризалари қалашиб кетади. Қўли баланд келганларга ЎЗА ишбошиси бир муддат маошидан жарима ҳам тўлаганига бугун биров ишониши қийин. Бироқ қаршисида дам уриб турган «собиқлар»нинг дўқпўписаларидан пусиб кетса, акамиз Мурод Муҳаммад Дўст бўлармиди! Дор тагида турса ҳам айтганидан қайтмайдиган бир динли одам!

Давлат сиёсати, давлат идоралари, давлат тили ҳали шаклланмаган, ҳар ким ўз билганича тўн бичишга уринаётган, иқтисодиёт жар ёқасига келиб қолган ўта мураккаб кезлар эди.

Ҳаммасидан аянчлиси – ҳар қадамда уруш шарпаси сезиларди. Россия чеченларга қарши қонли можаро гирдобига тортилган, Арманистон билан Озарбайжон ўртасидаги жанжал барҳам топгани йўқ, Гуржистон билан Тожикистонда давом этаётган биродаркушлик муҳорабалари акссадоси дунёни ларзага солиб турар эди.

Чегарамизнинг нариги томонида кеча шўро коммунистларига таяниб салтанат эгаллагану, энди хўжасиз қолган Афғонистон президенти Нажибуллони толиблар осган, Қозоғистон билан Қирғизистон митинглар ботқоғига ботган. Бугун ҳайратларга тушади одам, минтақадаги шунча талотўп, шунча ёнғин ва жанжаллар орасидан Ўзбекистонимиз қандай тинч-омон чиқиб кета олди экан?!


Янгидан ташкил этилган агентликда гоҳида ярим варақ расмий хабарни эплаб ёзадиган шудли журналист топилмайди. Бир гал Мурод Муҳаммад Дўстнинг ўзи, кейинги сафар Эркин Аъзам тадбирга раҳбар мақомида бориб, мухбир сифатида қайтади ва келасолиб материал ёзишга киришади. Агентлик иши доим қисталанг. Бош директор машинкасини чиқиллатишга тушса, биринчи ўринбосари қипиқ қоғоз устида ручкасини қитирлатади. Сўнг бу қўшга мен қўшилдим. Бош директор материаллар «бадийроқ, ўқишлироқ» бўлгани тузук деса, биринчи муовин қисқароқ, пухтароқ ва тезроқ ёзилиши тарафдори. Чунки ҳали ўрисчага таржима қилиниши керак.

Бошида недир регламентга асосланиб, «дўконимиз»ни кечи билан соат олтига қолар-қолмас ёпар эдик. Кейин ҳеч бўлмаса яна бир соат кутинглар деган «илти-

мос» бўлди. Сўнг бу илтимос «Катта ҳали шўтталар» деган «важ»га ўтди. Бора-бора тонггача қолиб кетишимиз одатий ҳолга айланди.

Мустақиллигимизнинг бошида ҳисобот сўрашга кўпчиликнинг журъати етмасди чамаси. Етса ҳам, ушлаганини қўйиб юбормайдиган Мурод акадан «улуши»ни оларди: «Яна шўро замонига қайта бошладикми, оғажон? Қоғозбозлик қилмасак кунимиз ўтмайди-да, а?...».

Кечга яқин акаларимизнинг юз-қўзига қарагулиги қолмайди. Ҳорғинки, гўлаҳнинг бетидай қорайиб, куйиб кетади бечоралар. Мурод ака агентликнинг молиявий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилолмай жони ҳалак бўлса, Эркин ака материалларни йўқдан бор қилгунича боши ғовлаб кетади. Икки улкан иқтидорнинг бу кунини кўриб, қаламини мардикорнинг кетмонига алмашибди деган хаёлга борасиз.





Кишвар иқтисодиётининг ҳоли танг. Магазинлар шип-шийдам. Қўлингизга теккан куни бозорда икки кило гўшт берган маошингизга ой охирида бир кафт писта ололмайсиз. Гиперинфляция кутурган дамлар. Аллақачон кунпаякун бўлган, лекин зарбхонаси Россияда амал-тақал ишлаб турган қизил салтанат рубли чўққидан қулаган харсангдай қадрсизланиб, ҳаммани жарга тортиб борарди.

Фуқаролар, корхоналар, туманлар, вилоятлардан то энди мустақилликка эришган давлатларгача ўзаро иқтисодий алоқалар мавоза – бартерга ўтган. Боғча болаларидек нарса алмашади: сен менга керосин бер – мен сенга пахта бераман, сен менга туз берсанг, мен сенга гугурт беришим мумкин. Хорижий валюта деган атаманинг номи бору ўзи анқонинг уруғи.

Оқибати аён: ҳамма топган-тутганини кўчага кўтариб чиқарди. Бу бозорда маза қилган ароқ, шароб, тамаки корхоналари ишчи-хизматчилари бўлса, қийналган – пенсионер, муаллим ва ногиронлар эди. Бу шўрлик қавмнинг неча ойлаб қўли пул кўрмасди.

Вазирлар Маҳкамасида бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков ёқилғи-мойлаш материалларини ҳар ҳафта тонналаб эмас, гўё граммлаб тақсимлайди: қишлоқ хўжалигига бунча – экин-тикинни бошлашимиз керак. Понимаєте?.. Транспортга бунча. Ав-

тобуслар, таксилар, «тез ёрдам» тўхтаб қолмасин. Понимаєте?..

Бутун бир мамлакат бисотидаги ёқилғи икки «понимаєте?»дан ортмайди.

Бир гал Мурод ака менга, яъни ўринбосарига маслаҳат солгани ёдимда. Ходимларга ойлик берайлик десак, давлат газнасида ақча йўқ. Ҳозиргина молия вазири Эркин ака Боқибоев билан гаплашдим. Аҳвол чатоқ. Узунқулоқ гапларга қараганда, «Ватан» газетаси ҳисобида дўржигина маблағ бор. Балки беш-ўн сўм қарз бериб турар. Албатта қайтариб берамиз. Бир разведка қилмайсизми?

Янги ташкил этилган «Ватан тараққиёти» партияси нашрининг бош муҳаррири Ёқубжон Хўжамбердиев сўзимни синдирмади, лекин шарақлаб кулди:

– Минг отли бойнинг бир қора пиёдага иши тушибди-да?..

«Минг отли бой» – ЎзТАГ, шўро замонида ой туғсаям, кун туғсаям шу агентликни деб туғиб келган. ЎЗА – энди мустақилликка эришган мамлакатнинг ягона ахборот маҳкамаси. Миллий валютамиз – сўм муомалага киритилгунча бақувватроқ корхоналар раҳбарларига «отанг яхши, энанг яхши, сен улардан ҳам яхшисан» деб қарз олиб, юзлаб ходимига маошу қаламҳақи бериб турган бош директоримизнинг ўша вақтдаги ойлиги совет рублида мўмаигина кўрингани билан Америка пулига чақсангиз, эллик доллардан ошмас эди десам, бугун ишонмайсиз, албатта.

Мурод аканинг бир фазилатига ҳамма тан беради: биров ранжитса, қўйинини тошга тўлдириб, майдалашиб юрмайди: на ғарази бор, на кини. Ҳазил-ҳузулга олиб кетаверади. Бир ишчи-шоирнинг шеъридан икки сатрни такрорлашни хуш кўрганичи:

Мани ёмон деманг, дўстлар,

Одамнинг бир туридирман.

Муаммо бошдан ошиб ётганига қарамай одамларнинг завқи баланд: муҳими, ватан мустақил! Ўзбекистон бино бўлганидан бери бундай кўтаринкилик, ғайрат-шижоат

ва садоқатни кўрмаган. Маош камлиги, иш оғирлигидан зорланганни учратмайсиз.

Кўп ўтмади, серғайрат акаларимиз ЎзАни миллатпарварлик, ватанпарварлик ва илму маърифат йўлида жипслашган фидойи ижодкорларнинг муҳим минбарига айлантирди.

Шу жойда «Мустафо»даги баъзи сатрлар ёдга тушади: «Энди ўйлаб қарасанг, ақл бовар қилмайди. У замонда ғайратдан бошқа ҳеч нарса йўқ ҳисоби эди. Йўқдан бор қилишди».

«ЁЗИШ САНЪАТ БЎЛГАНИ КАБИ...»

Акамиз сиёсатдек ўта нозик мавзуга қалам ургудек бўлса ҳам, ўша самимий тил, ўша ҳазиломуз лаҳжа, ўша журъат-жасорат бўй кўрсатиб туради. Шўронинг сийқаси чиқиб кетган бир тийинлигидай ялтоқи жумла, ибора ва атамаларни учратмайсиз. Уларни қўллашдан ор қилади, тўғрироғи, ирганади. Ақл ўргатишга, китобийликка аллергияси бор.

Бугунгидек ёдимда, Мурод Муҳаммад Дўст дейилса, тақиқчиларнинг ҳуши бошидан учган чоғлар кўп бўлган. Истиқлолнинг дастлабки йилларида «Туркиядан Туркиягача» мақоласида Президентни Ислом Карим деб атаганидан ваҳимага тушган собиқ цензуранинг собиқ раҳбари ўзини осиб қўйишига сал қолган эди: «Давлат раҳбари сенга шоир бўлдимми?! Нега расмий фамилиясидан «ов»ини олиб ташлайсан?!».

Акамизнинг тантилиги шундаки – давлат раҳбари билан бирга ишлаган даврда йўл қўйилган хатоларга ўзини шерик деб билади, буни мардларча тан олади: «Мен унинг ҳамма гуноҳларига шерикман». Ҳали бирор сиёсат арбоби иқрорини бу йўсин очиқ айтганини эслай олмайман.

Биринчи Президентнинг давлат маслаҳатчиси, матбуот котиби, нуфузли агентликларнинг вазир мақомидаги раҳбари, миллий парламент депутати, давлат мукофоти соҳиби... Ўзбекнинг кўзга кўринган адиби, атоқли давлат ва сиёсат арбоби...

Чин адабиётшунослар ҳақли равишда таъкидлаганидек, бу вақтга келиб Мурод Муҳаммад Дўст реал воқеликдан узилмаган ҳолда ўзининг ўзига хос дунёси – Галатепани яратган эди.

Илгари адибга ўғай кўзи билан қараган мунаққидлар энди бири олиб-бири қўйиб унга фазилат улашишга киришиб кетади: таниқли, атоқли, улуг. Буюклик даражасига кўтарганлари ҳам йўқ эмас. Мана бир иқтибос: «Тенгдошлари каби Муроджон ана шу оддий, жўн, балки қўпол, дағалтабиат одамлар феъл-атвори, қалбидаги нурли жиҳатларни, юксак маънавий бисотни, ўтда куймайдиган, сувда чўкмайдиган оташин севги туйғуларини кўрсатишга, аниқроғи, тараннум этишга эришади».

Нима десангиз денг, акага ҳаммаси ярашади! Ҳатто трамвайда юриш ҳам. Миршаблар шоша-пиша честь берадиган «пошшойи машинаси»ни қўйиб, ўзига қолса трамвайда ишга келса! Тарақатуруқи-ю санамлардай солланиб юриши, релсларининг ғийчиллаши аллалагандай бўлармиш!

«Орзумга етолмаяпман, – дея ёзғириб қоларди баъзан агентлигимиз дарғаси. – Ҳар куни эрталаб шофёр бўсағамга келиб туради. Нима қилай, ҳукуматнинг пули куйсинми?».

Адибни китобхонлар, айниқса ёшлар ана шундай тантилиги, жўмардлиги, сами-



мияти учун ҳам севади. Унга интилишдан ва тақлид қилишдан тортинмайди. Интернетдаги оммавий гурунхоналардан бири мухташам романи номи билан «Лолазор» деб аталгани ва атоқли ёзувчи, катта сиёсат қозонида обдан қайнаган дониш арбоб, ҳур фикрли инсон Мурод Муҳаммад Дўстнинг ушбу электрон нашрда эълон қилинган уч соатлик суҳбатини қарийб бир ярим миллион муштоқ мухлиси томоша қилгани бунга далилдир.

Мурод аканинг турган-битгани, ёзган-чизгани, айтган-айтмагани, бутун ҳаёти – ҳангома. Қай бири чин, қайси тўқима – ўзи-ям аниқ билмаса керак. Ҳавасингиз келади. Адиб ўша муҳитда маза қилиб яшайди, маза қилиб ёзади, маза қилиб... изтироб чекади. Аслида Мурод Муҳаммад Дўст ижоди ва фаолиятининг ўзига хослиги ҳам шунда.

Саксонинчи йиллар аввалида кўрлар жамиятининг «Бир сафда» – «В одном строю» журналида ишлаган кезларимдан биламан. Москвадаги Адабиёт институти энди тугатиб келган акамиз киностудияда ишлаш баробарида, «қоринома»да касаначи-тилмоч эди. Ҳозиржавобликда тепкиси тортилган милтиқдай. Юзинг-кўзинг деб аяб ўтирмайди. Пақ этиб отади, тил тортмай таслим бўласиз-қўясиз.

Ҳаётга мутуйиба кўзи билан қарайдиган адиб ҳақидаги ҳангомаларни қандай эсламайлик? Ислон Каримовдай ўткир одамни ҳам баъзан лол қолдиргани афсона ёки ривоят эмас. Мана, ўша йилларнинг айрим гурунглари:

– Фалон мамлакат президентининг матбуот котиби кунда-кунора Россия телевидениесида чиқади. Сен матбуот котиби бўлганингдан бери бирор марта экранда қорангни кўрсатмадинг, Мурод!

– Тўғри-да, Ислон ака.

– Нимаси тўғри?

– Ўша матбуот котиби президентидан кўра ақлли-да!..

Ана энди акамиз битта ўқ билан нечта кўённи урганини ўзингиз санаб олаверинг! Айни замзамалар у кишига ярашганини айтмайсизми! Ярашишда ҳам гап кўп-да!

Бошқа бир сафар икковлон маъруза матнидаги бир жумла хусусида тортишиб қолади ва адиб вазиятдан усталик билан чиқиб кетади:

– Ислон ака, келинг, пошшо пошшолигини, ёзувчи ёзувчилигини қилсин.

Ўн йилча бурун Мурод ака билан бирга тушлик қилиб ўтирган эдик. Гап машинадан очилди-ю қандай фалокат босиб, фикримни айтиб қўйдим:



Акамизнинг
тантилиги шундаки —
давлат раҳбари билан
бирга ишлаган даврда
йўл қўйилган хатоларга
ўзини шерик деб билади,
буни мардларча
тан олади.

– Фалончи юз минг долларга аллатовур мошин опти. Шу пулга олтитами-еттита «Нексия» беради-ку?

– Қўяверинг, оға, – деди акам ўйлаб-нетиб ўтирмай, – шу пулга беш юзта эшак ҳам беради!

Адибнинг фикрича, буюк миллат, буюк халқ ва буюк инсонгина ўз устидан кула олади. Гуржиларни олинг, яхудийларни олинг, ўзи ҳақида юзлаб-минглаб латифалар тўқиб, дунёни қойил ва маҳлиё қилиб келади. Раҳматли Саид Аҳмад акада бор эди шундай улуғлик. Рауф Парфи дунёнинг устидан кулиб ўтди. Биз-чи? Бирор латифа айтиб, одатларимиздан кулсак, ўша заҳоти бир тўда одам гулгултовуққа ўхшаб бошимизга бостириб келади: «Нега халқимизни ҳақорат қиласан?».

«Ўз руҳини некликка созлаган» адибнинг аслзодаларга хос, аммо димоғида мўътабарлик даъвоси йўқ, улуғвор чеҳраси доим очиқ, юзида мардона та-


бассум, қадди доим фоз, елкаси доим тоғдай. Ҳар хил гаплар орага тушиб, дасиса қўпса, тош босадиган томонга қийшаядиган шайинтарози палласи ҳам, ҳаловатсевар замонасоз ҳам эмас у.

«Мустафо»дан техника асрининг яққол нуқсини астойдил қидириб ҳам тополмадим. Ўйладим: Мурод Муҳаммад Дўст чин ихлос қўйган «Зарбулмасал» муаллифи Гулханий ҳазратлари уч аср наридани уйғониб келса-ю мазкур қиссани хатм қилса нима бўлар эди? Тушунарди. Яна ўйладимки, тинчлик, омонлик бўлса-ю шу асар уч асрдан кейин, яъни икки минг уч юз йигирма бешинчи йил одамининг қўлига тушиб қолса-чи? Ўқиб тушунармиди? Иншооллоҳ!

Техника, технологиялар бутунлай юксалиб, ўзгариб кетиши аниқ. Балки инсоният заминни тарк этиб, бошқа сайёрада макон қураб, бугунги неъматларимиз жўн бир озиқага алмашишини ҳам тасаввур қилсак бўлади. Бироқ одам боласининг кўнгли, ожизликлари, буюклиги, нафси ўзгармайди. Йигирма тўртинчи аср одами ҳам Мурод Муҳаммад Дўст даврида ёки Гулханий ҳазратлари замонида умргузаронлик қилган аждодлари каби хом сут эмган бандалигича қолаверади. Бир-бирига меҳр қўйиши, севиши, нафратланиши, хиёнат қилиши турган гап.

Сунъий идрок инсон ўрнини тугал босолмаслигининг асл сабаби ҳам шунда: унда бандасига хос кўнгил йўқ ва бўлмайди ҳам. Негаки, сунъий идрокни инсон яратган.

«Мустафо» чоп этилганидан бери қарийб ярим аср ўтди. Комфирқа кетди, шўровий кетди, комсомол кетди, цензуранинг расман қораси ўчди. Даврон тутумлар, салтанатлар ўзгарди. Устози бузруклар сафидан жой олган «уч оғайни ботирлар»нинг гулдуриси сусайгани йўқ. Янги асарлари янги баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Интиқлик билан ўқилмоқда.



Акамиз сиёсатдек ўта
нозик мавзуга қалам
ургудек бўлса ҳам,
ўша самимий тил, ўша
ҳазиломуз лаҳжа, ўша
журъат-жасорат бўй
кўрсатиб туради.

Дунёда ўзгармаган нима қолди ўзи?
Вақт ўз ҳукмини ўтказа олмагани – улар-
нинг асарлари. Ана, «Мустафо»даги чол-
лар ўзгармабди, эскирмабди. Китобхон-
ларнинг меҳри, муносабати ўзгармабди.

Ўзгаргани – янги ўзбек насри авлоди-
нинг забардаст вакили Мурод Муҳаммад
Дўст миллий адабиётимизнинг бадиий
такомили тарихида бутунлай янги давр-
ни бошлаб берган азамат санъаткорлар-
дан бири сифатида тан олингани. Ёзувчи-
лар билан киноижодкорларнинг бошини
қовуштиргани-ю умуминсоний мавзулар-
дан баҳс юритувчи самимий филмлар
экран юзини кўргани ва кўраётгани. Ўзбек
киноси миллийлик сари дадил юз бургани.

Чин санъаткор бўлар-бўлмасга ҳар
томон шох ташлайвермайди. Мутта-

сил ёзишдан кўра муайян даражага ет-
ганда тўхтаб, тин олиши янгилик эмас.
Қаламдош ошнаси Эркин Аъзам «Ёзиш
санъат бўлгани каби сукут сақлаш, жим
туриш ҳам бир санъатдир» деганида ана
шундай сокинликни назарда тутган бўл-
са ажаб эмас. «Эркиннинг ёзганларида
ёлғон йўқ» деб ошнасининг мардлигидан
қувонади Мурод Муҳаммад Дўст.

Бу кун адабий давраларда Мурод
Муҳаммад Дўстнинг ўзига хос ижодий су-
кути ҳақида тахминлар кўпайган. Биров
унинг янги асарини интизорлик билан
кутаётганидан гапирса, кимдир «истеъ-
доди сўнганидан қилар каромат». Нима
бўлганда ҳам соғинч бор! Ўзбек миллий
наsrини юксакларга кўтарган забардаст
ёзувчининг янги асарларига ташналик
бор!

Табиатан шижоатли инсон Мурод
Муҳаммад Дўст ўзининг жўшқин фаолия-
ти, муҳташам асарлари ва самимий сўзи
билан халқимизга сидқи садоқат билан
хизмат қилиб келди. Мудом шундай бў-
либ қолгуси.

Хаёлга эрк берсак-бермасак, кўзим
етиб турибди – акамиз эрта бир кун янги
асарини эълон қилса, ҳайратдан оҳ уриб
юборамиз:

– Ёзишни қотирасиз-да, Мурод ака!
Қойил!..

Ўша саодатли кунларда ўзбекнинг аза-
мат санъаткори берадиган жавобни-да
аниқ биламан:

– Ёмон ёзолмасам нима қилай,
оғажон?!.



Ёмон ёзолм

A close-up portrait of a middle-aged man with grey hair, a mustache, and black-rimmed glasses. He is wearing a light blue button-down shirt. The background is a soft-focus green, suggesting an outdoor setting. The lighting is natural, coming from the side, highlighting the texture of his skin and the details of his facial features.

асам нима қилай, оғажон?!

Журнални саҳифалашда "Кино санъати"
ва "ЖаннатМакон" журналлари
фотобисотдан фойдаланилди.

Алп Эр Тўнга ўлдими?
Эсиз, дунё қолдими?
Фалак ўчин олдими?
Энди юрак йиртилуру...


Шодмонқул САЛОМ

ЭР ДАМ БАШИ ТИЛ

Эмди йурек йиртилуру...

Бўри бўлиб улидилар,
Ёқа йиртиб турдилар,
Йиғлаб-сиқтаб юрдилар...

Йиртип яка урлаю...
Йиртип яка урлаю...





Урлаю, урлаю-ю... оҳ... тушида алахсиб, ичикиб отасини қўмсаб йиғлаётган гўдакдай, олис саҳролар, даврон доволаридан шамол учуриб келаётган қорнинг совуқ эпкинидай, туш ва ҳуш орасида ранглари чаплашиб кетаётган вақт ва манзилнинг оралиқ бир қуюни руҳимга бостириб киради. Сўзлар маъносини унча англамайман, аммо англамаганим сари бу йўқловнинг юки, оғир, қайғули залвори кўнглимни эзади, қаддимни бука боради.

Токи, бу нидо энг қадимги китобдан эканини билгунимча, бўлаётган воқелик тушида эканини билгунча гангиб турган норасида каби шу ҳолда тураман. Бу кўҳна ганж – «Девону луғотит турк»даги бир марсия эканини англагунимча... лекин англагач, йўқлаётган ва йўқланаётган зотларнинг кимлигини англаганимдан сўнг руҳимда ёрқин бир дард энди бошқа равишда нишона беради.



Бехосдан халқнинг илдиз, қон-қардошлик тўғрисидаги содда, бойир бир ибораси тилимга келади: «Сигирнинг шохига урсанг, туби сирқирайди». Бу иборани илк бор нима муносабат билан эшитганим ёдимдамас, аммо ичимда «сигирнинг туби қаери, нега сирқирайди, бу нима дегани?» деган сўроқ тургани эсимда. Мен Маҳмуд Кошғарийга, у марсия ёзган туркий халқларнинг бошбобоси Алп Эр Тўнга нақадар яқинлигимни шу содда ибора орқали, туйқус теран ҳис этаман. Гўё ул зотлар билан ора мизда минг йиллар йўқдек. Аммо ичимдаги кечимни ифодалаб беришга сўз йўқ ҳали...





“

**Бу китоб
одамзод ўзи-
ники қилган турли
илм ҳосиллари
хирмонидан улуш
олиб юксалган
китобдир.**

≈

Товуш ва сўз. Сўзнинг матнга дўниш мўъжизаси. Тошга, терига, сопол парчасига, қоғозга битилган сўзлар қолди. Авлодлар алмашаверди. Тождорлар доврўқ солиб келдилар, миноралар, қасрлар бунёд этдилар. Вақт шамоли уларнинг ўзларини ҳам, йиққан молу давлатини ҳам, қурган қасрларини ҳам учириб, тарих қаърига улоқтирди. Уларнинг ёди, хотираси ҳам ўчди. Ўчмаганлари – фақат номи ва шуҳрати қолганлари оддий терига, хитойи қоғозга битилган сўз орқали бизга етиб келди. Қанча тошлар селларда оқди, дарёларга фарқ бўлди, қанча қоғозу терилар кул бўлиб кетди.

Аммо ёзилгани яшаб қолди. Сўз яшаб қолди. «Девону луғотит турк» қолди. Асрларнинг қоялари ортидан баланд бўйлари кўри-ниб, муҳташам, қуламас

илоҳий обидадай бўлиб шу китоб қолди.

Инсоният бир бутун ҳолида, пайдо бўлиб, онгли ҳаётини бошлаган бобокалони ва бугунги авлодлари билан қўшиб олганда битта, танҳо йўловчидир. Бу йўл одами босган манзилларида кўпни кўрди. Адашди, йўлидан тойди, сўнг уни қайта топди. Сўқмоқ очди, уни манзил сари элтадиган улуғ йўлга айлантирди. Гоҳо манзил ўзгариб турди, муқаддас деган тутумлари ҳам ўзгарди. Йўловчи адашганини англаб, янгидан йўл очмоққа уринди ва қай маънода муяссар ҳам бўлди. Бу олис сафарда унга энг катта ҳамроҳ тафаккурини ёритиб турган сўз бўлди. Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор демишлар. Шу илоҳдан томган сеҳр башар юзини ёруғ этди. Сўздан китоблар бино бўлди.



≈

Бу қандай китоб ўзи?

«Мен бу китобни махсус алифбо тартибида туздим, ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим», – дейди Маҳмуд Кошғарий ўзининг ўлмас асари ҳақида.

«Бу асарга ниҳоятда юксак баҳо беришимиз керак, чунки у китоблардан олиб ёзилмаган, балки жонли материални шахсан кузатишга асосланган... Муаллиф берган маълумотлар, археологик кашфиётлар бу маълумотларнинг аксариятини исбот этмоқда», – деган тилшунос олим Виктор Беляев.

Бу китоб одамзод ўзиники қилган турли илм ҳосиллари хирмонидан улуш олиб юксалган китобдир. Тил, адабиёт, тарих, фалсафа, география, ҳуқуқ, табобат, илоҳиёт, ҳайвонот, наботот, мантиқ, астрономия, сиёсат, ҳарбий санъат, ахлоқшунослик, этнография каби ўнлаб соҳаларнинг мағзи, шираси шу китобга сингиб кетган.

Гарчи Маҳмуд Кошғарий асарга «Туркий сўзлар девони» деб ном берган бўлса-да, тил ҳақидаги бу қомус 200 дан ортиқ дори тури, 30 дан ортиқ касаллик ва унга шифо бўлувчи даво унсурлари, улар ҳақидаги ноёб хабарлар

берилган ажойиб тиббий қўлланма ҳамдир.

«Девону луғотит турк» – адабиёт намунаси. Намунаки, бизга муаллифларининг аксарияти номаълум бўлган 764 мисра – 289 та тўртлик ва иккилик(байт)-дан, гўзал насрий матнлардан иборат адабий ёдгорлик.

Китоб ҳали бугунги кунда мавжуд бўлган, бу шаҳардан бошқасига сафар қилиш учун оддий воситаларнинг ҳеч бирови бўлмаган бир замонда эл оралаб, юртларни пиёда кезиб, халқларнинг 318 та мақоли ва ҳикматли сўзлари йиғилган ажойиб этнографик манба ҳам ҳисобланади.



Сайёҳлар Миср эҳромларига боқиб лол бўладилар. Бир уюм тошнинг нимаси ҳайратли? Ҳа, гап тошда эмас, уни тартиб билан тахлай олган, улкан эҳром пайдо қилолган инсон илми ва матонатиди. Ҳайрат шу заҳмат ва илмгадир.

Аммо бундан салкам 1000 йил аввал 8 мингдан ортиқ сўздан бино бўлган, бирор бузғунчи портлатиб юбора олмайдиган (2001 йили Бомиёндаги Будданинг энг қадимги ҳайкаллари жоҳиллар томонидан портлатилган эди!) тилнинг буюк обидаси қошидан ҳайрон қолмай ўтадилар.

Ваҳоланки «Девон...»даги тилда сўйлашган, Кошғарийни маҳлиё қилган одамларнинг кимлиги, турмуши, ҳаёт даражаси, сўйлашув тарзи шу китобда яшаб қолган, ўзлари эса, табиийки, йўқ.

Ўзларини Алп Эр Тўнга авлоди санаган қорахоний подшолар даврида яратилган бу асар ўша машҳур шоҳликлар тарихини ўзида сақлаб келди.

Бу китоб – китобларнинг бобоси! Айнан тарихга бағишланмаган бўлса-да, халқлар тили тарихини ўзида жам этган. Тилнинг тарихи эса ўша халқларнинг ўтмишига калитдир.

Бу китоб кўҳна конга ўхшайди. Минг йил бурун очилгану ҳануз авлодлар ундан дуру жавоҳир теради. Бир қарасанг, тугаб қолгандай, аммо яна ковласанг, яна олтин чиқаверади. Олтойдан, Сибирнинг бепоён даштларидан тортиб Ҳимолай этакларигача, Болосоғуну Хитой, Қошғардан араб диёрларигача ястанган улкан кон бу. Шу манзил-маконларда яшаган ва яшаб келаётган туркий қавмнинг катта-кичик миллату элатларидан тўраган ҳар бир жоннинг бу конда улуши бор, бу конга кўшиши ҳам бор.

Шоир Шерзод Комил Халил «Биз йўқ бўламиз» номли ҳикоясида Сибир ўлкасида яшаган керек деб аталувчи халқ ҳақида ёзган. Қачонлардир юз минглаб нуфусга эга бўлган кереклар узоқ вақт мобайнида рус тили ўпқонига ютилиб кетади. Бутун бошли халқдан

икки киши – кекса она ва рус йигити билан турмуш қуришга жазм қилган қизи қолган. Кампир йиғлайди. Очлик ё йўқчиликдан эмас – унинг уйи, нафақаси, кичикроқ бўлса-да мулки бор – тили йўқолиб кетаётганидан хун бўлиб йиғлайди. Ва асар муаллифига «Сизлар юртингизда неча кишисизлар, ўзбеклар кўпми?» деб савол беради. Адиб, албатта, ўзбеклар ҳақида мамнуният билан маълумот беради. Кампир тагин йиғлайди: «Энди биз йўқ бўлиб кетамиз. Қизим ҳам ўрисга тегаяпти. Фарзанд кўрса фарзандлари керекча гапирмайди. Биз йўқ бўламиз...».

«Девону луғотит турк» – тириклик суви. Тилини йўқотаётган ҳар қайси туркий бу сеҳрли сувдан ичиб аждарҳо заҳридан тuzалган ботирдай ўзини қайта ўнглай олади. Кереклар каби йўқолиб кетиш хавфининг олдини олади бу асар.

Ўз ўрнида бир қарз гап ҳам бор: биз бугун ҳар ким ўз молини мақтаётган, тилини устун санаётган, турли восита ва шаклларда ўз урф-таомилини олиб келаётган долғали даврдამиз. Бу пайтда бизни асраб қоладиган энг асосий куч тилдир. Тилсиз миллат эса йўқ миллат.






«Девону луғотит турк» – туркий тиллар ҳақидаги Маҳмуд ибн Хусайн ибн Муҳаммад ал-Кошғарий томонидан 1071 – 1072-йилларда яқунланган қомусий асар бўлиб, у ўз давридаги туркий тилларнинг луғавий, грамматик ва маданий жиҳатларини қамраб олган. Шу маълумотнинг ўзиёқ киши кўксини тўлдириб, тўлқинлантириб юборади. Ҳали айрим халқлар авратини ёпишга фаҳми етмай турган бир паллада ижтимоий ҳаёт, моддият ҳақида эмас, тил ҳақида, адабиёт, тиббиёт илмлари ҳақида шундай улкан обида вужудга келди. Бу дафина эса биз туркийларга тегишли. Гап келганда айтиш керакки, тил, адабиёт, илм, умуман маънавият бирламчи бўлмоғи керак. Тангри берган ризқни топиб ейиш учун ҳам илм керак. Маҳсулотини сотиш учун ҳам тил лозим. Сулҳ тузиш учун ҳам маънавият зарур. Қолганларини эпласа бўлади.

...Асарда туркий тилларнинг грамматикаси, луғавий бирликлари, ижтимоий ҳаёти, тарихий ва маданий хусусиятлари, шунингдек, туркий халқларнинг турмуш тарзи, қадриятлари ва дунёқарашӣ ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Асар араб алифбоси ва тилида ёзилган. Қизиқ, туркий тиллар тақдири ҳақидаги шох асар бошқа тилда яратилди. Нечун? Бу саволнинг жавоби жуда оғир. Ваҳоланки, халқларнинг сўзлашиб турган жонли тили бор эди. Хоразм, Сўғд ёзув-алифбоси мавжуд эди. Аммо ҳукмрон тил арабча бўлгани боис шундай қилишга мажбур бўлган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида келтирилган маълумотга кўра, Кошғарий 8 мингдан ортиқ туркий сўзни тўғри талаффуз қилиш мақсадида арабча ҳаракатлар(ҳарфлардаги ост-уст ишоралар – зерзабар)дан фойдаланган. Бунда, албатта, муаллиф анча қийинчиликка дуч келган. Чунки арабчадаги алиф, вов, ё товушларини берадиган белгилар билан туркий то-



«Девону луғотит турк» – тириклик суви. Тилини йўқотаётган ҳар қайси туркий бу сеҳрли сувдан ичиб аждарҳо захридан тузалган ботирдай ўзини қайта ўнглай олади.


вушларни тўлиқ бериб бўлмас эди. Туркийдаги чўзиқ ва қисқа унлилар, юмшоқ ва қаттиқ товушлар учун муаллиф махсус белгилар(ҳаракатлар)ни қўллайди ёки сўз бошидаги чўзиқликни икки алиф билан кўрсатади ёки икки хил талаффуз қилинадиган сўзларга икки хил ишора қўяди: азуқлуқ, эритмак сўзларидаги з ва р ҳарфлари устига ҳам касра, ҳам замма ишорасини қўйган. Демак, бу сўзлар ўша даврда икки хил талаффуз этилган: азиқлуқ – азуқлуқ, эритмак – эрутмак каби. Арабча ҳарф билан кўрсатиш мумкин бўлмаган туркий талаффузни «Девону луғотит турк»да изоҳлаб, таърифлаб ўтган. Асарда аввало отлар, сўнг феъллар изоҳланади. Сўзлар тартиби уларнинг таркибидаги ҳарфларнинг орта боришига (2 ҳарфдан 7 ҳарфгача) қараб тузилган.

Асарнинг ягона ва энг қадимги қўлёзмаси 1226 йилда котиб Муҳаммад ибн Абу Бакр кўчирган нусха бўлиб, у 1915 йилда Туркиянинг Диёрбакр шаҳридан топилган. Қўлёзма Истанбул миллий кутубхонасида сақланади. «Девон...»нинг биринчи ношири ва туркчага таржимони Рифат Билге ҳисобланади. Ўзбекистонда эса профессор Солиҳ Муталлибовнинг 35 йиллик меҳнати натижасида 1960 – 1963-йилларда ўзбек тилида уч жилд ҳолида нашр этилган.



«Девон...»да муаллиф ўзи тузган доира шаклдаги харита ҳам мавжуд. Дунёнинг тасвири. Кошғарий англаган, тасаввур қилган жаҳон харитаси. Харитада мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, доvon, денгиз, қўл, дарё ва ҳоказоларнинг номлари ёзилган. Унга ёзилмай қолган бир қанча номлар асар матнида изоҳланган. Харита асосан ҳозирги шарқий яримшарга тўғри келади.

Дунёнинг табиий қитъалари миллион йилларки муқим турибди, аммо хариталар ўзгариб кетаяпти. Бу узлуксиз, бетиним жараён. Кошғарий тузган харитага қараб, битта олимнинг дунёни англаш даражаси, берган мўл-қўл ҳосили нақадар улканлигини биров ҳис этарканман, «Кошғарий бобо бир ўзи бутун бошли академиянинг ишини қилган экан» деб иқрор бўламан. Аждоддан авлодга ахборот ва белгиларни генлар ташийди. Минг йил аввалги умумтуркий маданий қадриятларни нордай ташиган, бизгача етказиб келган улўғ аждодга берганим бу баҳо менимча муболага эмас.



≈

Қанча товуш бор бу тирикликда... баргнинг шовуллаши, арининг гўнгиллаши, сувнинг шилдираши, куш, айиқ, чақмоқ, довул... ва жимликнинг товуши... бу товушларнинг ҳеч бири бежиз эмас, шунчаки, бесабаб мавжуд эмас. Аммо содда бир нақл бор: бозорда одам кўп, ҳар ким таниганига салом беради. Шу боис туркийнинг товуши, «Девон...» қатларидан жараанглаётган, гуррос солиб, айқириб ўтаётган қадим ва навқирон туркийнинг товуши бизга қадрдон.

Кошғарий девон охирида «Бу китоб умримни охирига етказди» деб ёзган. Демак, олим бу китобга бутун умрини, ҳаётини бағишлаган.

«Девон...»дан олинган мана бу садоларга кулоқ беринг. Шу садолар тинмасин, дунё тургунча бақамти, дунёда катта сон ва сифатни ташкил этувчи туркийлар, хоссатан, ўзбеклар садоси тинмасин ва каминанинг сўзларига ҳам шу сатрлар, нақллар хулоса бўлсин:

*Тоқиш ичра уриштим,
Улуғ бирла қапиштим,
Тукуз атин жапишдим,
Айдим эмди ал Утар.*

Жангда рақибнинг улуғи билан қашқа отда урушдим. Унга ўқ отдим ва унга «Мендан буни ол, Утар деб унга ўқ отдим» (Утар – киши номи).


- Ятнинг яғлиқ тикусиндан ўзнунг қанлиг узруқ жир – ётнинг ёғли овқатидан яқинларингнинг мушти яхши.
- Қутсуз кузугқа кирса, қум яғар – бахтсиз қудуққа кирса, қум ёғар.
- Қиш қонуқи ўт – қишнинг зиёфати олов.
- Ўт тутунсиз болмас, жигит жазуқсиз болмас – ўт тутунсиз бўлмас, йигит гуноҳсиз бўлмас.
- Тилин тугмишни тишин жазмас – тил билан боғланган тиш билан ечилмас.
- Оғлан иши иш болмас, оғлақ мунгузи сап болмас – болалар ишини иш деб бўлмайди, эчки шохи сон бўлмайди.
- Бир тилки терисин икила сонмас – бир тулки териси икки бор шилинмас.
- Эрдам баши тил – одобнинг боши тил.



Машраб озаикаси

ВОҚЕАЛАРИ ЙЎҚ ТАРИХ

Унга 2010 йилда дуч келгандим. Айланиб ўтиб кетишнинг сира иложи бўлмаганди. Унда ўзбек мумтоз адабиётининг юз йилдан бери ҳайрон ҳолатда ўтирган икки улуг ижодкорини кўргандим. Уларни бундай аҳволда учратган ёлғиз мен эмас эканман. Улар бир асрдан бери воқеалари йўқ тарих ҳудудидан чиқолмай юрган Бобораҳим Машраб ва Рўзибой Машраб эди. Орадан ўн беш йил ўтиб, бугун яна йўлим шу ерга келиб тақалди. Қани, нимадир ўзгардимикан? Юрт ўтмишидан икки Машраб бобога тегишли воқеалар топилдимикан? Воқеалари йўқ тарихнинг аҳволи кейин нима кечди?



Кашқадарёда хизмат сафарида юрганимда Қарши – Чироқчи катта йўли ёқасида бир тил-адабиёт ўқитувчиси қуримизга келиб қўшилди. Салом-алиқдан сўнг «Сизни танидим, ўн йилча олдин «Машраб» китобингизни ўқигандим. Ундаги маълумотлар, мулоҳазалар менда ва бошқа домларда ҳам кучли таассурот қолдирганди. Бироқ орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай уларнинг илмга ҳеч қандай фойдаси, таъсири кўринмади. Дарсликларга бирор ўзгариш киритилмади, Бобораҳим Машрабга оид маълумотлар ўша эски ҳолича турибди. Ҳозиргача ўқувчиларимга бу мавзуда дарс ўтишга қийналаман. Тадқиқотчиларнинг ҳақиқатга ёпишмай турган кўплаб талқинлари ва тарихий воқеалари ўз ўрнини тополмай ҳар тарафга сочилиб кетган... Ўқитувчининг аҳволини ўзингиз тасаввур қилиб олаверинг. Ёш авлодга бундай маълумотларни бериш – уларни алдаш деб ўзимдан норози бўлавераман» деганди у.

Домла айтган «Машраб» китобида тадқиқотчилар орасида машҳур бўлган «Мабдаи нур», «Кимё» асарлари муаллифи масаласи кўтарилганди. Оқибатда мутахассислар бир аср давомида бу муаммага ойдинлик кирита олмагани очиқ кўзга ташланиб қолганди. Шунчалик кўп амалга оширилган тадқиқотларда на Бобораҳим Машраб, на Рўзибой Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида бирор илмий асосли маълумот берилмагани жуда ачинарли эди. Афсус, бу манзара бугун ҳам ҳаётимизнинг катта бир чеккасини эгаллаб турибди. Шулар қийнаётганди домлани.

Ўша йўл ёқасида икки Машраб ҳақидаги гурунг анча чўзилди. Воқеалари йўқ тарих... Келинг, бугун унга биргаликда назар ташлайлик. Балки ўша воқеаларни улар йўқ жойлардан қидириб юргандирмиз.



Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти катта
илмий ходими

ДОМЛАНИНГ ИЗТИРОБИ

Мендан бирйўла икки Машраб тўғрисида батафсил маълумот беришни сўрашди. Журналнинг битта сонида бир мақола билан бу ишни уддалаб бўлмас экан. «Менга қолса, журналнинг бир сони тўлиқ шу мавзуга бағишлардим», – деди дўстимиз Фурқат Мели. Лекин бизда бундай имконият йўқ.

2025 йил апрел ойида Ислом цивилизацияси марказида амалга оширилиши мўлжалланган тадқиқотларнинг медиалойиҳасига таклиф қилиндим. Унда «Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодий мероси» деган мавзу бирламчи қўлёзма манбалар асосида янгича илмий талқинлар билан ёритилиши сўралганди. Мактабда дарс берувчи ўша тил-адабиёт ўқитувчисининг изтироблари кўнглимда яна қўзғалди. Ҳа, қани 2010 – 2011-йиллари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Бобораҳим Машраб шахси ва ижодига оид бўлган баҳс-мунозаралардан кейин бу мавзуда қандай янгиликлар, кашфиётлар бўлди экан? Бу жуда муҳим ва қизиқ.

2011 – 2015-йиллардан кейин юртимизда ушбу мавзуда айрим тадқиқотлар ўтказилиб, бир қанча мақола ва китоб-

лар чоп қилинибди. Тўрттармоқда улар кутилганидан хийла кўп чиқди. Туркиялик қардош олимлар ҳам айниқса кейинги 25 йилда Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди мавзусида сермахсул ижод қилган экан. Тадқиқотлар кўламининг ниҳоятда кенглиги сабабли бу мақолада фақат шоирнинг ҳаёти ёритилишига тўхталамиз. Хўш, турк олимлари бу ҳассос шоирнинг ўзбек мумтоз адабиётидаги ўрнини қандай тасаввур қилади? Балки улар шоир таржимаи ҳолини баъзи муҳим янгиликлар билан тўлдиригандир?

Кейинги йилларда Туркияда машрабшунослик соҳаси етакчиларидан бирига айланган Сади Гедик ўз тадқиқотида Машрабнинг таваллуд санаси илмий адабиётларда 1640/1641, 1653, 1657 йиллар билан кўрсатилиши ва улар орасида 1640 йил тўғрироқ деб қабул қилинганини таъкидлайди¹. Бу маълумотга Машраб Кошғарда етти йил Офоқхожа хонақоҳида таълим олгани ва 1711 йили Маҳмуд қатаған томонидан ўлдирилганини қўшимча қилади².

«Турк адабиёти асарлари луғати»нинг (ТААЛ) охирги жилдида ҳам Машрабнинг туғилиш ва ўлиш саналари юқоридаги каби берилган³.

Иброҳим Акча мақоласида Сади Гедик маълумотида таяниб Бобораҳим Машрабнинг туғилган санаси 1640/1641, 1650, 1653, 1657 йиллар билан кўрсатилиши ва 1640 йил тўғрироқ экани, шоир 1711

йили Балх ҳукмдори Маҳмуд қатаған томонидан ўлдирилганини ёзади⁴.

Туркия олимларининг кўриб чиқилган ўндан ортиқ ишида Бобораҳим Машраб ҳаётига доир деярли бир хил маълумотлар берилгани аниқ бўлди. Улар Машраб таржимаи ҳоли борасида профессор Исматулла Абдуллаев, Жалолиддин Юсупов ва улар йўналишидаги ўзбек адабиётшунослари ишларига таяниб, фикр билдирган экан.

Қидирувда давом этдик ва Афғонистонда ҳам шундай аҳволга дуч келдик. Улар ҳатто Балхда Бобораҳим Машраб қабрига пона тош ўрнатиб, шоир 1640 йилда туғилганини ёзиб қўйишибди. Бу манзараларни кўриб, домланинг изтироблари менга тўлиқ кўчиб ўтди. Мазкур маълумотларнинг ҳаммаси биздан борган. Улар арзирли бирор янги ахборот қўша олмаган.



Машраб таваллудига оид энг машҳур 1640 йилда шоирнинг отаси ҳам туғилмаган бўлса керак. Тадқиқотчилар доим оммага тақдим қиладиган юқоридаги уч-тўрт сана атрофида устози Бозор охунд ҳали дунёга келмаган эди, бу аниқ.

¹ Gedik, S. ve Alici, L. (2018). Baba Rahim Meşreb'in Elif-nâmeleri, Jass Studies-The Journal of Academic Social Science Studies, Doi number: <http://dx.doi.org/10.9761/JASSS7449>, Number: 65, Spring I 2018. – P.125.

² Sadi Gedik. Son Dönem Çağatay Şairi Baba Rahim Meşreb'in Kitab-ı Mebde-i Nur Mesnevisi'nin Dil Özellikleri. On Language Characteristics of Last period Chagatai Poet Baba Rahim Mashrab's Kitab-ı Mabde-i Nur Masnavi. – S.1370. // https://turkishstudies.net/turkishstudies?mod=makale_tr_ozet&makale_id=15147; Baba Rahim Meşreb'in Kitâb-ı Mebde-i Nûr Mesnevisi (İnceleme-Metin-Gramer-Dizin). Hazırlayan Sadi Gedik. – Ankara, 2010. – 1403 s.

³ <https://tees.yesevi.edu.tr/>; <https://teis.yesevi.edu.tr/madde-detay/mesreb-baba-rahim>

⁴ İbrahim Akça. Baba Rahim Meşreb Menâkıb-nâmesi'nde Geçen Şiirlerdeki Acem Kaynaklı Mitolojik Şahıslar. Turkish Academic Research Review – Türk Akademik Araştırmalar Dergisi, 2021. – B.940. <https://dergipark.org.tr/tr/pub/tarr>

МАШРАБГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Яна 2010 – 2011-йиллардаги боши берк кўчалар ҳикоясига¹ қайтамизм? Ўшанда бу саналарнинг бирортаси ҳам тўғри эмаслиги айтиб бўлинган. Машраб таваллудига оид энг машҳур 1640 йилда шоирнинг отаси ҳам туғилмаган бўлса керак. Тадқиқотчилар доим оммага тақдим қиладиган юқоридаги учтўрт сана атрофида устози Бозор охунд ҳали дунёга келмаган эди, бу аниқ. Йўқ, биз ҳақиқатан ҳам ҳануз Машраб ҳузурига олиб бормаيدиган йўлларда юрган эканмиз. Нималарнидир нотўғри қиляпмиз ва бу хатолар энди дунё бўйлаб тарқалапти. Акс ҳолда бир асрдан кўпроқ вақт катта бир миллат нохуш чалкашликларга бу қадар узоқ вақт ўралашиб қолмасди. Тадқиқотчилар қайта-қайта такрорлайдиган «фалончи Бобораҳим Машраб масаласини узил-кесил ҳал қилиб қўйди» каби гаплардан тезроқ узоқлашиб, ойнага қараб ўзимизни бир кўриб олайлик. Нима қиляпмиз ўзи?

Ундай бўлганда ҳозир ҳеч ким бир нечта сана уюмига термулиб, «Буларнинг қайси бири тўғри?» деб бош чангаллаб ўтирмасди. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг саволларига жавоб беролмай, изза бўлмасди.

Бизни Машрабга олиб борадиган йўл қаерда?

Аслида доим шу йўлнинг ёқасида турибмиз, лекин ҳалигача унга ҳеч ким бир марта ҳам кириб кўрмаган. Шоирнинг қачон яшагани, кимлигини билмасдан унинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида гапириш, номидан девонлар тузиб чоп қилиш, жилд-жилд монографиялар ёзиш мумкинми?

¹ Абдусаттор Жуманазар. Машраб. – Т.: Академнашр, 2015. –126-134-бетлар.



Музаққир ул-асҳоб

«ЗИД» ҚИССАСИ

Қаршимизда мавзуга тегишли, ҳаммага маълум иккита йўл турибди. Биринчиси бирламчи тарихий қўлёзма манбалар, иккинчиси тадқиқотчиларнинг шу пайтгача ёзган мақолалари, асарлари, мактаб ҳамда олий ўқув юртлари учун тайёрланган дарсликлар ва яна бошқалар. Биринчиси ростдан ҳам санокли, ҳозирча иккинчисининг саноғига етолмадим. Улар юзлаб, балки мингга яқинлашиб қолар. Кимдир айтишди шу дамда уларнинг рўйхатини тузаётгандир ҳам.

Деярли барча машрабшунослар тадқиқотларида кўпинча биринчи туркумга мансуб асарлар «Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи тарихий манбалар кўп эмас. Борларида ҳам ахборотлар ниҳоятда кам ва бир-бирига зид» қабилида қисқагина таърифланади. Аммо ўша «зид» ҳолатларни бугунгача бирорта тадқиқотчи батафсил таҳлил қилиб, ёритиб бермаган. Эҳтимол, бирламчи манбаларда ўша «зид» йўқдир. Улардаги маълумотларга ҳозиргача нотўғри ёндашилган ва «зид» қиссаси тадқиқотчилар ижоди бўлса-чи?

АСРЛАР ОРАЛАБ... МАШРАБ МОЗАИКАСИ

Бу тасвир Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижоди парчалари... Уни тиниқроқ кўриш учун уч асрни оралаб ўтишга тўғри келади. Яқинлашиб борганинг сари бу мозаикада қалбида бир булбул тинимсиз сайраётган дарвеш қиёфаси кўрина бошлайди.

XVII аср.

Малиҳо Самарқандийнинг «Музаккирул-асҳоб» тазкираси, 1688 – 1693-йилларда тузилган. Муаллиф ёзади: «Машраб – Раҳимбобо қаландарнинг таҳаллуси, у асли Андижон вилоятидандир. Ёшлигида фазилат ва камолот истаб Наманган вилоятига борди. Зийрак ва тиришқоқлиги сабабли у ерда ўқишига эътибор қаратишди. Эндигина илм ўрганган ёшгина пайтида¹ Самарқандга келди. Бир неча муддат шу ерда яшаб, яна Наманганга қайтиб кетди. У ердан Кошғар, Бадахшон ўлкаларига йўл олди ва Балхдан Самарқандга қаландар либосида қайтиб келди.

Ушбу сафарида у пишиқ шеърлар ёзгандиган бўлди. Қуйидагилар унинг шундай мукамал шеърларидан, таърифга ҳеч муҳтож эмас»².

XVIII аср.

Асрлар тузган мозаикада бу юз йилликнинг қадама тошлари ўрни бўш турибди. Улар қидирилмоқда.

XIX аср.

1. «Қиссаи Шоҳ Машраб», «Девона Машраб» асари, у бошқа номлар билан ҳам аталади. «Музаккирул-асҳоб»дан кейин Бобораҳим Машраб ҳақида маълумот берувчи иккинчи муҳим ва йирик манба. Жалолиддин Юсупов шахсий кутубхона-

сида унинг ҳижрий 1250 йили (1834/1835) кўчирилган қадимий нусхаси 3-рақам билан сақланаётганини ёзади³.

«Қиссаи Машраб» XIX асрнинг иккинчи ярмида халқ орасида машҳур бўлган ва кўп тарқалган. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида унинг қирққа яқин нусхасини аниқладик. Улар орасида энг қадимийси 11836-рақам билан сақланаётган нусха (112 варақ) ҳижрий 1257 йили (1841) Челак мавзесида кўчирилган⁴.

Деярли барча тадқиқотчилар «Қиссаи Машраб»ни халқ китоби туркумидаги асарлар қаторига қўшади⁵. Улар, албатта, тарихий асар ё тазкиралар даражасида бирламчи манба вазифасини ўтай олмайди. Бироқ ўтмиш ё бирор мавзунини тадқиқ этишда улардан ҳам фойдаланиладиган алоҳида тоифадаги бадиий-тарихий манбалар гуруҳини ташкил қилади. «Қиссаи Машраб» асари чоп этилган⁶. Унда ҳикоя қилинган воқеаларда Бозор охунд (1660/1665 – 1730), Офокхожа (1625 – 1693), Мавлавий Шариф (1615 – 1697), Кунтайжу–Ғалдан Бушукту (в. 1697), Оқбўтабий (в. 1727), Хожамподшоҳ–Ҳасанхожа (1690 – 1728), Хонимподшоҳ (в. 1694), Маҳмудхон (тахм. 1646 – 1731) каби тарихий шахслар иштирок этган. Уларнинг ҳаммаси Машраб билан суҳбатлашган. Тадқиқотчи шоир ҳаётидаги кўп ҳодисаларда уларни учратади. Ушбу мавзунини ёритишда бу шахслар тарихи ва уларга оид ҳар қандай маълумот жуда муҳимдир.

Қиссада бирорта тарихий сана қайд этилмаган. Ҳикояларда бўрттириш ҳолатлари, ўйлаб топилган лавҳалар ҳам учрайди. Улар аслида ўқувчига «машраб мақоми»ни

³ Юсупов Ж. Ҳақиқий Машрабни излаб /Меҳрибоним қайдасан. – 363-б.

⁴ Қиссаи Машраб. ЎзФА ШИ. №11836. – 1086-б.

⁵ Бу туркумда «Зуфунун қиссаси», «Бобо Равшан қиссаси», «Мирзо Адҳам қиссаси», «Иброҳим Адҳам қиссаси» каби яна бир қанча асарлар бор.

⁶ Қиссаи Машраб. – Т.: Наврўз, 2014. – 252-б.

¹ Матнда Машраб «соҳиби маҳосин» бўлган вақти алоҳида таъкидланади. Бу иборани профессор Абдурауф Фитрат ўзбек тилига «соқол-муйлаби ниш урган пайти» деб ўгирган.

² Музаккирул-асҳоб. ЎзФА ШИ. №58/1. – 237а-б.

тушунтириш, унга хос хусусиятларни очиш ҳамда ўқирманлар қизиқишини орттириш учун хизмат қилади.


Қиссадан парча: «Алқисса, Машраб шу чиққанларича юруб, Хўжанд шаҳрига дохил бўлдилар. Хўжандга Оқбўтабий ҳоким эрди. Шоҳ Машраб кўкнорхонага тушдилар. Хўжанд шаҳрига шуҳрат бўлдики, «Хожамподшоҳни⁷ Машраб деган бир муриди келибдур» деб улуғ-кичик, тамом Хўжанд халқи Машрабни кўргани келдилар. Кўрдиларки, бир қаландари қави ҳайкал, қизил юзлук, шаҳло чашм, пайваста абру, сочлари фатила-фатила гарданлариға тушган, муҳаббат майиға гарқ бўлган, итларини бўйнида олтун халқа уруғлук, халойиқ Машрабни бу ҳолда кўруб, ҳайрон қолдилар. Шул соат Оқбўтабийға хабар еттики, «Машраб деган бир девона қаландар келибдур»⁸.

Иккинчи парча: «Подшоҳ Маҳмудхон навкарлари бирла отланиб келди. Қараса, тахтни усти нажосатға ботибдур. Маҳмудхон айди: “Эй Машраб, бу нима қилганингиз?”. Шоҳ Машраб айдиларки: “Хўб қилдим. Ман сани тахтингга ўлтурсам нима бўлубдур? Сан юртга ўлтурдинг”. Подшоҳ Маҳмудхон бу сўзни эшитиб дарғазаб бўлуб дедики: “Эй жаллодлар, бери келинглари!”. Дарҳол жаллодлар келиб дедилар: “Тақсири подшоҳим, нимага амр қилурсиз? Кимни умрини паймонаси тўлубдур?”. Подшоҳ айди: “Машрабни олиб бориб дорға осингизлар!”. Филҳол, жаллодлар шоҳ Машрабни тутуб, қўлларини маҳкам боғладилар. Анда шоҳ Машраб айдиларки: “Эй подшоҳ, сан ҳам уч кундин сўнг оламдин ўтарсан”. Анда жаллодлар шоҳ Машрабни дорға олуб борурда тамоми халойиқ орқаларидин навҳаву зори қилиб борур эрдилар. Шоҳ Машраб жонлариға айдиларки: “Эй

жон, киши маъшуқини кўргани борурда ҳам кўрқарму?”⁹.

2. Абдулазиз Наманганининг (в. 1857)¹⁰ «Тазкираи Мажзуб» асари ҳам юқорида зикр этилган манбалар қаторидан ўрин олади. У асрлар тузган Машраб мозаикасига ўзгача тус беради. Ундан шу пайтгача тадқиқотларда етарлича фойдаланилмагани кишини ҳайрон қолдиради. У «Музаккирул-асҳоб» ва «Қиссаи Машраб» асарлари маълумотларини жуда ажойиб лавҳалар билан тўлдиради. Улар Малиҳо ҳикоясининг ўзига хос давомидир. ЎзФА ШИ қўлёзмалар хазинасида ушбу тазкиранинг 1337, 2662/2-рақамларда иккита нусхаси сақланади.

Тазкирадаги Машрабга оид ўша ғаройиб лавҳалар:




Қиссаи Машраб

⁷ Хожамподшоҳ дейилганда одатда Офоқхожанинг кенжа ўғли назарда тutilган.

⁸ Қиссаи Машраб. – 153 – 154-б.

⁹ Қиссаи Машраб. – 243-б.

¹⁰ Тазкираи Қаюмий. – 183-б. Баъзи муаллифлар у 1849 санада вафот этганини таъкидлайди.



ҚУТЛОВ

Бир куни девона Машраб мулла Лутфуллоҳ билан суҳбат қилди. Эшон Шаҳид ҳозир Қаршида ётибди. Мулла Лутфуллоҳ девона Машрабга «Сизга муборак бўлсин» деди. Девона унга «Ўзларига ҳам қутлуғ бўлсин» деб жавоб қайтарди.

Шундан уч йил ўтиб Машраб ва ўн бир йил кейин мулла Лутфуллоҳ шаҳид бўлди¹.

Бу девоналарнинг девона қилувчи суҳбати эди.


БАЛАНД МАРТАБА

Бир куни девона Машраб бир ниҳолга суянди, у эгилди. Кимдир «Эй девона, у эгилиб қолди» деди. У «Эгилган улуғ бўлади» деди. Байт:

Баланд мартаба излай десанг, тавозе қил,
Ки кўзни устида жой олмади эгилмай қош.
Сарварлик истар эрсанг, афтодалик
шиор эт,
То тушмайин аёга, чиқмади боша бода.

У ниҳол тол эди. Охири эгилган ўша ниҳол ўсиб, ёнидаги тепалик билан баробар бўлди. Айтишларича, у ҳалиям гуркираб турганмиш. Мавлавий бу ҳодиса хусусида деди: «Машраб Аллоҳни таниган киши экан. “Эгилган улуғ мартабали бўлар” деб у аслида Расулуллоҳ ҳадисини адо этди»¹.

Тазкираи Мажзуб



¹ Тазкираи Мажзуб. ЎзФА ШИ. №1337. – 55a-б.

¹ Кўрсатилган асар. – 55a-б.

یادان بولدی و رایج امیر شهر بیج اول در
 شهنشاه کهنه در عهد هشت و پنج بود که اختصار این
 این کتاب است و مشرب بنامی که در دولت شاهان خدایه
 از دست فقیر حقیر سید علی خوجوم
 این سید کوهی که در کسب فی
 غلامان و نوادگان و سیدان
 اکسوس و خراسان
 امانتدارانند
 نام از بنو قهر
 محمود

Қиссаи Машраб

3. Бу манба Рўзибой Машрабнинг (тахм. 1775 – 1871) «Олдимга кел» радифли мухаммаси, 1871 йилдан олдин ёзилган. Унда ҳаммаям бир қарашда Бобораҳим Машрабни кўравермайди. Бу мухаммаснинг нусхаларидан бири Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 4566-рақам билан сақланаётган «Мабдаи нур» асарининг охирида берилган. Ундан парча:

Шукрим, маҳбуби ҳақман мустафо
 ўғлим деган,
 Муртазо энгим тутуб, бул мени
 фарзандим деган,
 Кўзи кўр жондин боқиб, жононони кўрдим
 деган,
 Асли исмим Рўзибой Мавлавий ўғлум
 деган,
 Машраби Соний талаб бўлсанг,
 мани олдимга кел.

Рўзибой бу сатрларда ўқувчига ўзини «Иккинчи Машраб» деб танитиб, олдинроқ яна бир машҳур Машраб яшаб ижод қилганидан хабар бераётир.

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ
№1, 2026
91


4. Бу манба яқинда топилди. У «Қиссаи Машраб» асари матни охирига қўшиб қўйилса, биз тасвирини тўлиқ кўришга уринаётган мозаика тугалланган мукам-мал тасвирга айланади. Хуллас, ҳозир ихтиёримизда Машраб қиссасининг машҳур қаҳрамони Маҳмудбий қатағаннинг қабртоши сурати турибди. У биз бўм-бўш деб таъкидлаган XVIII асрга тегишли бўлса керак. Ҳали уни ҳар томонлама ўрганишни охирига етказганимиз йўқ. Унда қуйидаги форсча битик бор:

Тарихи вафоти Маҳмудбий
3-онки шариъ зеб соли рихлаташ,
Буд «шаръа(н) оқибат» Маҳмудбий.

Таржимаси:
Маҳмудбий вафоти тарихи
«Шаръа(н) оқибат» Маҳмудбий
Кетар йилининг зийнати бўлди.

Матндаги сана яширинган «تبقياعرش» жумласи рақамга айлантирилганда ҳижрий 1144 йил (милодий 1731) ҳосил бўлади. Бу маълумот Мажзуб Наманганининг Машраб (1731) ва мулла Лутфуллоҳнинг (1739) шаҳид бўлиши ҳақидаги ҳикояси, Машраб устози Бозор охунд вафотига (1730) атаб ёзган «Булбул би рафт аз боғи илм» тарихи, «Қиссаи Машраб» воқеалари билан ҳайратланарли мос келади! Мана сизга Машраб мозаикаси...

Маҳмудбий қабртоши



Қиссаи Машраб

Бирламчи қўлёзма манбалардан йиғилган барча маълумотлар умумлаштирилганда Бобораҳим Машраб тахминан 1673 йилда туғилиб, 1731 санада шаҳид этилгани маълум бўлаяпти. Уч асрлик узоқ масофани оралаб ўтиш осон кечмади, бироқ бирламчи манбалар билан биргаликда у сурурли бўлди. Аслида юз йиллик улкан тадқиқотлар тепалиги Машрабни биздан тўсиб турган экан.

Кечиринг, шу жойдан бу ёғига ўтолмай қолдим. Ё мен ниманидир хато қилаяпманми? 2014 йилда Мажзуб тазкирасини ўқиб, Абдумуталлиб Фаҳмий жанобларининг Машраб 1711 йилда вафот этгани ҳақидаги маълумоти-га қаттиқ шубҳаланиб қолгандим. У шу пайтгача кўнглимда юрарди. Ҳар нарсанинг вақти-соати бор экан. Ҳозир менда «воқеалари йўқ тарих» бирдан ғойиб бўлди. Қотиб қолган сахнада ҳаракат бошланди. Уч юз йил олдинги қаҳрамонлар бўш турган тарихни воқеалар билан тўлдира бошлади...

Мақола бошида Бобораҳим Машрабнинг фақат ҳаётига тўхталамиз дегандик. Ишни тугаллашга ҳали улгурмадик. Ўзро «зид» эмас, бу манбалар уюшиб, бир ёқадан бош чиқариб турибди-ку!

“

Бирламчи қўлёзма
манбалардан йиғилган
барча маълумотлар
умумлаштирилганда
Бобораҳим Машраб
тахминан 1673 йилда
туғилиб, 1731 санада шаҳид
этилгани маълум бўлаяпти.

ФАВГОЛАР МАНЗИЛИ

Бу XX аср. Унинг дастлабки йилларида ноқ фавғолар бошланганди – Нил Ликошин (1902), Абдумуталлиб Фаҳмий (1906), Василий Вяткин (1923), Абдурауф Фитрат (1930), Пўлат Қажумов (1959), Фафур Фулом (1959), қолганларини ҳам ўқувчиларнинг ўзлари яхши билади. Муҳсин Зокиров ва қўлёзмаси сувга тушиб, дарёда «оқиб кетган» Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон»и бу майдонда қандай ҳунарлар кўрсатмади? Улар ҳатто дарсликларга бўйнига чиройли тилла қўнғироқ осилган бир эчкини қўйиб юборди...

Муҳтарам ўқувчи! Ушбу ёзилганларни тасвирга айлантириб, Машрабнинг тариқатдаги силсиласини ҳам сизга тақдим қиламиз. Мозаика бўлса, мозаика-да! Бир кўринг. Ҳикоянинг қолганини кейин давом эттирамиз.



**BOBORAHIM
MASHRAB**

КАЛАВАНИНГ

Азим РЎЗИЕВ

Ушси ҚАЕРДА?



Омади чопмай, туриш-турмушидан нолиб юрган кишилар ҳар қадамда учрайди. Ҳолбуки, бу ёруғ оламда умргузаронлик биз ўйлаганчалик қийин ва мураккаб эмас. Фақат одамларнинг ўзи қулай йўл туриб, эгрисидан юришни маъқул кўради, холос. Фикримча, одамнинг умр йўли унинг ниятлари билан муштарак. Кимдир тез бойишни кўзлаб ўғирлик қилади ва қамалиб кетади. Бошқаси қўлини совуқ сувга урмай, ўзганинг хайр-эхсонига кўз тикиб ўтади. Яна бирови бирон каттага ёқиш учун пой-патак. Эл бошига иш тушганда фойдаланиб қоладиганлар ҳам оз эмас.

Шулар ҳақида ўйласам, Толиб поччамиз эсга тушади. Олтмиш ёшни

қоралаб қолган, новча, қорачадан келган поччамиз бу очунда яшашнинг минг бир ҳадисини олган ўзиям. Ушлаган ерини тишламасдан қўймайдиганлар хилидан. Бир иш бошладими, эшакни тоға, итни ака деб бўлсаям албатта улоқни илиб кетади. Ҳозирча шаҳар марказида икки қаватли дўкони, давлатма-давлат кезиб пул топадиган беш-олтита фураси бор. Виложт марказида ижарага берган квартираларидан ҳам унча-мунча пул томиб туради. Ҳар Янги йилда холамизнинг (онамнинг холаси) қўлидан тутиб, Париж ё Миланга жўнаб кетишига нима дейсиз? Ҳа, омадини берсин!

Бу куни бомдод маҳал ўша поччамиз телефон қилиб турибди. Аттанг, рақамини сақлаб қўймаган эканман. Йўқса, гўшакни кўтармасдим. Чунки поччамиз фақат иши тушса сим қоқади, бошқа пайт қорасини ҳам кўрсатмайди. Тўй-маъракаларда ҳам камдан-кам кўринади. Аниқроғи, одамига қараб келади. Биров қарз сўраб қолмасин деган хавотирда хешлардан қочиб юради. Момо-боболаримиз таъбирига кўра, поччамиз туғилганда танглайи пул билан босилган экан. Шундан дунёни пул билан ўлчайдиган бўлиб қолганмиш. Очиги, бу хил кишилар билан ош-қатиқ бўлишга хушим йўқ. Яна, ўзбеклигимга бориб, орани шартта узиб юбориш ҳам қўлимдан келмайди. Боз устига ҳозиргина гўшакни кўтариб қўйдим.

– Эй, поччагинам, – дедим ўзимни сипо кўрсатиб салом-аликдан сўнг. – Бормисиз, омонмисиз? Ўйнаб-кулиб юрибсизми? Бизнеслар гуруллаяптими?

– Шукур, – деди поччамиз бойларга хос хотиржам ва босиқ овозда. – Эл қатори ризқни териб юрибмиз. Ўзинг яхшимсан?

– Тинчликми? – шартта мақсадга кўчдим. – Кутилмаганда эсингизга тушиб қолибман?


– Шу десанг, маслаҳатли иш бор, ука, – поччамиз ўзига яқин олиб гапирди (иши тушиб турибди-да). – Каталакдай бўлса ҳам пойтахтда бир ватан қилсам дегандим. Шунга бироз пуржам етмайроқ турибди. Уйлар ўйлаганимдан қиммат экан. Устига устак ҳозир ишларим ҳам аввалгидай эмас.

– Хўш, нима хизмат? – суҳбатни тезроқ якунлашни истардим. – Мен сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

– Ҳозир уйлар субсидияга ҳам берилаётган экан, – поччамиз мақсадига

“

Субсидия бева-бечораларга, етим-есирларга, яна камбағал оилаларга берилади. Кунингиз келиб-келиб шуларнинг ҳаққига кўз олайтиришга қолдимиз? Қўшша-қўшша уйингиз, машинангиз бор, уялмайсизми?



subsidiya
Иллюстрациялар:
Йигит САТТОР

кўчди. – Шу уйлардан бировини олсам-микан деб чопиб юрибман. Аммо субсидия ололмай ҳалакман. Аввалига отанга чоп, онанга чоп деб роса овора қилди. Сизга субсидия мумкинмас дейди. Орага таниш-билиш қўшмасак ишим битмайди-ганга ўхшайди.

– Бундай ишларни битирадиган танишим йўқ, – таклифини кескин рад қилдим. – Мен журналда оддий мухбир бўлсам. Ён-атрофимда ҳам қаламкашлар. Уларнинг қўлидан ёзиш-чизишдан бўлак бир иш келмайди.

– Гапни айланторма, ука, – поччамиз ўз билганидан қолмади. – Биламан, пойтахтда таниш-билишларинг кўп. Яхшилаб сўраб-суриштирсанг бирор танка чиқиб қолар.

– Инсофингиз борми, почча?! – кўнглимга келган гапни дангал айтдим.



**Эл орасидаги
«Ёб тўймаган ялаб
тўймайди» деган
гапнинг чинлигига яна
бир бор амин бўлдим.
Йўқса, бола-чақадан
тинган, унча-бунча
кишининг ҳаваси
келадиган бизнесга эга
одам шунчалик паст
кетадими?**

– Субсидия бева-бечораларга, етим-есирларга, яна камбағал оилаларга берилади. Кўнглингиз келиб-келиб шуларнинг ҳаққига кўз олайтиришга қолдими? Қўшша-қўшша уйингиз, машинангиз бор, уялмайсизми?

– Ҳовлиқма, ука! – поччамиз жуда сокин гапирди. – Субсидия ҳаммага етади.

Субсидияни қўлимда ишлайдиган бир шогирдимнинг номига оламин. Унинг ҳужжатлари топ-тоза. Номида ҳатто битта велосипеди ҳам йўқ. Қоғозда қип-қизил камбағал!

– Менга қаранг, почча, – бақириб юборишдан ўзимни зўрға тийиб, зарда қилдим. – Ҳозир тилим қичиб, кўнглингизни оғритадиган гап айтиб қўяман. Келинг, яхшилиқча хайрлашайлик.

– Менга қара...

Хайр-хўшни насия қилиб, поччамизнинг гапини охиригача эшитмай гўшакни қўйдим. Асабдан оёқ-қўлим билинар-билинамс титраб, бошимда оғриқ турди. Қулоқларим чиппа битди. Ё тавба! Поччамизни бу қадар назари паст деб ўйламасдим. Эл орасидаги «Ёб тўймаган ялаб тўймайди» деган гапнинг чинлигига яна бир бор амин бўлдим. Йўқса, бола-чақадан тинган, унча-бунча кишининг ҳаваси келадиган бизнесга эга одам шунчалик паст кетадими? Бунақада эртага субсидияга олинган уйнинг пулини ҳам ўша шогирдига тўлатмаслигига кўзим етмайди. Хаёлимга келган бу фикрлардан поччамизга гап ўқтириш фойдасиз эканини тушундим. Бундай кимсаларга гап кор қилмайди.

Ўша поччамиз сабабми ёки ёшим қирқдан оғиб, майда феъл бўлиб қолдимми, сўнгги вақтларда замондошларни зимдан кузатиб, давраларда уларнинг феъл-атворидан гап очадиган бўлиб қолдим. Ўх-ху, одамларнинг оласи ичида бўларкан. Айрим кимсалар қилмишини эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлайди киши. Баъзилар тирикчилик, бир-икки сўм пул топиш дардида ўзини минг кўйга солиб, ҳатто тушга ҳам кирмайдиган ҳийлаларни ўйлаб топишга уста бўлиб кетибди. Бир даврада воҳалик ака-миз шундай гурун бериб қолди.

– Икки йилча бурун момомизни кўпга қўшдик, – деб гап бошлади у. – Салкам бир асрияган момомиз меҳнаткаш, саришта, яна жуда ширинсўз аёл эди. Уни катта-



кичик бирдай яхши кўрардик. Етимликда ўсгани боис дабдаба ва исрофга тоқати йўқроқ эди. Ҳар хил сохтагарчиликларни жини суймай ўтди. Ҳақнинг ҳузурига кетадиган куни ҳам кенжа тоғамизга васият қилибди:

– Паймонам тўлганга ўхшайди, болам. Шукур, кўзим орқамда қолмаяпти. Орзу-ҳавасимнинг барига етдим. Яратганнинг ҳузурига қариб-қартайиб бораяпман. Шунинг учун кўп аза тутиб юрманглар. Меники тўйдай гап. Ҳеч қандай маърака-парака керак эмас. Ҳар эслаганларингда Қуръондан икки сура тиловатнинг ўзи етарли.

– Эл нима дейди? – сўрабди тоғамиз. – Оқ ювиб, оқ тараган энасига битта маъракани кўп кўрди деб гап қилмайдими?

– Элнинг оғзига элак тутиб бўлармиди? – дебди момомиз қатъий. – Одамларнинг оғзи бекор. Тилим бор деб ҳар нени гапирди. Яхшиси, сен мен айтганимни қил. Кам бўлмайсан.

Она-боланинг суҳбати ҳақида кенжа тоғамиз ҳеч кимга чурқ этмаган. Фақат эртага момомизнинг худойисини ўтказамиз деган куни бу гурунгнинг учи чиқди.

Кўп аза тутиб юрманглар. Меники тўйдай гап. Ҳеч қандай маърака-парака керак эмас.

Турган гапки, момомизнинг васияти кўпчиликка маъқул келмади. Оқибатда кенжа тоғамиз бир томон, акалари-ю опалари бир томон бўлиб, маърака қилиш-қилмаслик баҳси бошланди. Бир фикрга келишолмай турган маҳал ўртанча холамиз гапга аралашди.

– Жаннатим – онажоним бир келди-ю кетди, – деб кўзига ёш олди. – Маъракасини ўтказсак, айтинглари, нимаси ёмон? Ана, бошқа одамлар ҳар ҳафта ис чиқаради. Онамизга ҳар куни бир қўй сўйиб, элга худойи берсак ҳам кам. Тунов куни қўшнимиз – мулла Худойбердининг хотини бир гап айтиб қолди. Ҳозир одамлар майитнинг ҳар маъракасида битта қўй сўяркан. Кейин ўша қўйнинг калласига қараб мулла Худойберди хатм қиларкан.

“

Ҳеч ким пулни супуриб
олаётгани йўқ, ука. Сиз
ҳам инсоф сари сўранг-
да. Ўтган бозор сиз
айтган нархда бунақа
қўчқорнинг иккитасини
олса бўларди.

Очиғи, холамизнинг гапи ўринсиз ва кулгили чиқди. Ўзимни аранг тийдим. Афтидан, даврада ўтирганлар ҳам тилини тишлаб ўтирарди. Шу боис орага бир муддат сукунат чўкди. Шайтон барибир ўз ишини қилди. Ҳаммамиз бирдай кулиб юбордик. Четдан кузатиб турган киши буларнинг момоси ўлиб, ҳаммаси хурсанд бўлиб қолибди деб ўйлаши аниқ эди.

– Холамизнинг гапларини омилик, хурофот деб ўйлайман, – воҳалик ака сўзига якун ясади. – Мулла Худойбердининг ҳам қўй калласига қараб хатми Қуръон қилишига ишонгим келмайди. Хотини ўйлаб топган бўлса ажабмас. Лекин шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди деган гап ҳам бор. Беш қўл баробар эмас. Эл ичидан ҳар хил одам чиқади. Янаям ҳамманинг ўзи билади.

– Одамларда на дин, на диёнат қолди, – суҳбатимизга қўшилди водийдан меҳмонга келган дўстимиз. – Фойдани кўзлаб ҳеч қайси ишдан тап тортмайдиган бўлиб кетдик. Ўтган йили арафа куни қурбонликка бир жонлиқ олиш учун мол-бозор ораладик. Афсуски, тарвузимиз қўлтиқдан тушиб қайтдик. Ҳеч савдомиз пишмади. Бозорда мол борки, нархи одатдагидан икки-уч баробар қиммат.

– Почин қилдингизми? – деб сўрадим бир четдаги қўлбола қўтонда йигирма чоғли қўчқор қамаб ўтирган йигитдан.



Кайфияти йўқ, бозори юришмаётганга ўхшарди. – Қўчқорлар қанчадан бўлди?

– Келинг, ака, – йигит жилмайган қўйи қўлини кўксига қўйиб, ширин гапирди. – Қайси бирини танладингиз?

– Ҳов, ўртада турган қора қўчқорга қанча сўраяпсиз?

– Эл қатори бераверсиз-да, ака. Ушлаб чиқайми?

– Йўқ, аввал нархини айтинг!

Ҳай-ҳайлашимга қарамай йигит илдамлик билан камина кўрсатган қўчқорнинг орқа оёғидан тутиб, судраб келтирди.

– Ширвоз. Гўштини еган одам барака топади. Юмшоқ бўлади.

– Кўп мақтамай нархини айтинг, ука. Савдомиз пишмай қолса, яна бозор оралашимга тўғри келади. Вақтим тифизроқ.



“

Ҳамма ерда
хўроз бир хил
қичқираяпти.
Кўпга келган тўй.
Ноилож, қиммат
бўлса ҳам битта
қўй сотиб олдик.

бозор сиз айтган нархда
бунақа қўчқорнинг икки-
тасини олса бўларди.

– Нархни осмон-
дан олиб қўймаймиз.
Шу сафар ўзимиз ҳам
қимматга олдик. Бу гап-
ларни чорвадорларга
бориб айтинг. Яна ҳар бир
қўйга алоҳида-алоҳида пат-
та тўлаймиз. Ем-хашак, сув сотиб
олиб берамиз. Яна бошқа майда-чуйда
харажатлариям бор. Одамлар буни кўр-
майди. Фақат қиммат деб нолигани ноли-
ган.

– Гапни қуруқ олиб қочманг. Нима,
илгари патта олмаганмисизлар? Ё қўч-
қорлар рўза тутармиди?

Гапим сотувчига ёқмади. Жаҳл қилиб,
ушлаб турган қўчқорини қўйиб юборди.
Икки кафтини бир-бирига уриб, қўл чан-
гини қоқди. Шу қилиғи оғир ботди. Қулоқ-
чаккасига шапалоқ тортиб юбормоқчи
бўлдим, байрам кунлари дея шайтонга
ҳай бердим.

Гапнинг сираси, яна бозор оралаб
кетдик. Уч-тўрт савдогарнинг гапини
олдик. Нарх-наво ўша-ўша. Ўйлаб-ўй-
лаб, бозордан олиш фикридан қайтдик.
Шаҳардаги кушхоналар, катта йўл бўйида
олис вилоятлардан келтириб сотилаёт-
ган қўй-қўзилар нархини суриштирдик.

– Беш ярим-олти миллиондан сота-
япман. Сизга теппа-текис беш миллион
қилиб бераман.

– Эй, бу гапингизни қўйсангиз-чи, ука.
Бир ҳўкизнинг пулини сўраяпсиз. Салги-
на инсоф қилинг. Олган ҳам, сотган ҳам
барака топсин.

– Бугуннинг нарх-навоси шундай.
Истанг, бозор айланиб чиқинг. Арзон топ-
сангиз, пулингизни қайтиб бераман.

– Бозор айланиб нима қилдим? Яхши-
си, ўзингиз қўчқор нархини сал келишти-
ринг.

– Бўладигани шу. Бошқа ўтиб беролмай-
ман. Тўғри тушунинг, биз ҳам тирикчилик
деб уззукун офтоб тигида ўтирамиз.

– Ҳеч ким пулни супуриб олаётгани йўқ,
ука. Сиз ҳам инсоф сари сўранг-да. Ўтган



Фойдаси йўқ. Ҳамма ерда хўроз бир хил қичқираяпти. Кўпга келган тўй. Ноилож, қиммат бўлса ҳам битта қўй сотиб олдик.

Бу гап тугаб-тугамай, гурунг кенгайди. Ўша куни тун ярмидан оғунча сўз тугамади. Бир-биридан ўтиб тушадиган воқеаларни тинглаб, гоҳ ҳайратдан ёқа ушладик, гоҳ кулдик.

Бир киши оз вақтда яхшигина бойлик тўплабди. Отасидан қолган эски уйни бузиб, ўрнига икки қаватли қурибди. Қиммат машина олибди. Унча-мунча бадавлатнинг ҳаваси келадиган дабдабали тўй-томоша билан ўғил уйлабди.

Кўп ўтмай эл орасида миш-мишлар ўрмалабди. Биров лотереясига ютуқ чиқибди деса, бошқаси отасидан бир хум тилла қолган экан дегандай. Аслида ҳалиги йигит олибсотарлик қиларкан. Боғбонлардан узумни кўтара олиб, шаҳарга обориб сотаркан.

“

Биров лотереясига ютуқ чиқибди деса, бошқаси отасидан бир хум тилла қолган экан дегандай. Аслида ҳалиги йигит олибсотарлик қиларкан. Боғбонлардан узумни кўтара олиб, шаҳарга обориб сотаркан.

Ҳозирги замонда олибсотарларнинг пичоғи мой устида. Улар ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир. Пайти келса, деҳқон ё боғбон бир йилда топа-

диган маблағни бир кунда топиши мумкин. Аммо олибсотарлик билан кўз очиб юмгунча эл оғзига тушган бойвачча бўлиш амримаҳол. Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ не қилур?

Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидай, ҳар қандай сирнинг вақти келиб миси чиқади. Ҳалиги бойнинг ҳам қилмиши аён бўлибди. Уччига чиққан қаллоб экан, номард. Узум солинадиган ёғоч қутиларни обдон сувга бўктириб, харидорлар ҳақиға ҳаёнат қиларкан. Худо билади, унинг кимса билмас яна қандай хунарлари бор?

Одатда, бунақа ишлар иймони суст кишиларга хос. Аммо ўлганнинг устига тепгандай, дину диёнатдан ҳабар бордай баъзи кимсалар ҳам авло эмас. Ўзига ярашмайдиган қилиқлари билан миллат юзини ерга қаратмоқда. Ишонмасангиз, ижтимоий тармоқларга бош суқиб кўринг. У ерда буни исботлайдиган кўплаб фото ва видео хабарларга дуч келасиз. Бир мисол. Яқинда умрага борган ва дарахтнинг устига маймундай тирмашиб чиққан юртдошимизни кўпчилик кўрди ё эшитди. Инсонлар тавба қилишга борадиган табаррук масканда ўша юртдошимиз нега бу ишга қўл урди деб ўйлайсиз? Сабаби ўта кулгили. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг ёзишича, ўша одам ҳамроҳлари билан гаров ўйнаган. Арзимаган пул учун ўзини ҳам, бирга борган юртдошларимизни ҳам шарманда қилиб дарахтга тирмашган. Бирники мингга, мингники туманга. Унинг мақсади пул топиш экан, овора бўлиб зиёратга нега борди? Калтабинлик, фаросатсизликнинг ҳам чегараси бўлмас экан-да. Шундай эмасми?

Йилдан йилга одамлар майда-чуйда мақсадлар атрофида ўралашиб қолаётгандай туюлади. Афсуски, ор, номус, ғужур, уят деб аталмиш туйғулар унутиб юборилмоқда. Масалан, замонавий мо-

“

Автомашина олиш пайида ижтимоий тармоқларда уйимиз ёниб кетди деб кўз ёши тўкиб, фарёд кўтаришдан ийманмай қўйдик.

бил телефон эгасига айланиш учун ҳар қандай ишга, ҳатто хайр-эҳсон сўрашга ҳам тайёرمиз. Автомашина олиш пайида ижтимоий тармоқларда уйимиз ёниб кетди деб кўз ёши тўкиб, фарёд кўтаришдан ийманмай қўйдик. Салгина кўпроқ фойда кўришни ўйлаб, қутилар тагига гилоснинг яроқсизини солишдан уялмаймиз.

Миллатнинг келажагини тарбиялашга масъул оналар дарди эса келин томондан келадиган тоғораларда. Бугун ўттиз тўққизта тоғора келибди, эртага қирқта бўлармикан деган хавотирда тонг оттиради. Етмаганига худди тоғни талқон қилгандай ижтимоий тармоқларда мақтаниб чиқади. Гўё фарзандларимиз келажаги шу тоғораларга боғлиқдай.

Сўзимиз аввалида бу дунёда яшаш биз ўйлаганчалик қийин эмас, бу ҳар бир одамнинг ниятига боғлиқ экани ҳақида айтгандик. Дарҳақиқат, шундай! Мақсадни тўғри ва аниқ қўйган одам ҳаётда қийналмай яшайди. Кўпинча ўзимиз майда-чуйда ҳавасларга берилиб, дабдаба-ю асъасанинг изидан қувиб ҳаётни мураккаблаштириб, чигаллаштириб юборамиз, сўнг калаванинг учини йўқотиб қўямиз. Моҳиятан ҳаёт ҳалолликни, соддаликни, маърифатни, меъёрни яхши кўради. Зеро, Оллоҳнинг амри ҳам шу-ку.



Фахриддин ҲАЙИТ

МУАЛЛИМНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Инсон ҳаёти қандай бошланиб, қандай тугашини билмайди. Тақдир деб барчасини Оллоҳнинг измига қўйиб берамиз. Аслида ҳам бандасининг қўлидан нима келарди?..

Масалан, Женг Лининг ота-онаси Жанубий Корейда туғилиб ўсган. 1970-йилларда мамлакатдаги иқтисодий тақчиллик туфайли АҚШга кўчиб кетган. Уммон ортида болакайнинг тили инглизчада чиққан, чинакам америкалик бўлиб улғайган.

Ўзингиз-чи дейсизми? Мен қишлоқ лицейининг собиқ ўқувчисиман. Бугунги ҳикоямни бир синфда таҳсил олган барча ўқувчилар, тенгқурларим айтиб бера олади. Бир умрга қалбимизда муҳрланиб қолган, соғинчи гуркираб турадиган ўчмас хотираларнинг биргина қаҳрамони бор, у ҳам бўлса Сан-Францискодан қишлоғимизга келиб қолган инглиз тили муаллими Женг Ли.

Кўнгилли инглиз тили муаллими Женг Ли юртимизга келганида йигирма саккиз-йигирма тўққиз ёшлардаги йигит, биз эса олам-олам орзуларини дилига тугиб, билим олишга интилаётган ўқувчи эдик.

Лицейда Женгнинг келишини интиқлик билан кутганмиз. Лицейимиз жаҳон тилларига ихтисослашган, инглиз тилини ўрганиш мақсадимиз эди. Женгни танимас эдигу, бир ажнабий ўқитувчи келиши, инглиз тилидан сабоқ беришини билардик.

Аслида барчамизнинг ичимизда бир ҳадик бор эди: у америкалик бўлса, бизнинг янтоқ ялаган дашт қишлоқларимиз хуш келармикан? Келганда ҳам ўша йиллардаги иқтисодий қийинчиликлар, турмуш шароитимиз америкалик олифтаннинг дидига мос келмаса, у кетиб қолади деган дўғбўйин ўспирин ўйида эдик.

Ўша йиллари Ўзбекистон – АҚШ гуманитар ҳамкорлиги доирасида инглиз тили ўқитувчилари мамлакатимизнинг чекка туманларидаги ихтисослашган мактабларда кўнгилли бўлиб дарс бера бошладди. Биз таҳсил олган Фузор тумани жаҳон тилларига ихтисослаштирилган лицейи ҳам бундан мустасно эмасди.

Бир куни ўқувчилар орасида директоримиз Тўхтасин Қиёмов меҳмон ўқитувчини олиб келгали пойтахтга кетибди деган гап оралади. Кунлар ўтиб бу ҳақиқат юзага чиқди.

Узун бўйли, қотмадан келган, кўзлари қийиқ, чеҳраси ҳамиша очиқ, ойнаси юмалоқ кўзойнаги манглайида доим кўниб турадиган, ҳали баданини Фузорнинг қуёши қорайтмаган бир йигит лицейимизда пайдо бўлди.

Шу кундан ҳамманинг нигоҳи Женгда бўлди. Ўқувчилар меҳмон ўқитувчи билан гаплашгиси келар, кўчада юрса одамлар қизиқсиниб қарарди. «Абдуллажон» филмидаги ўзга сайёрадан тушган болакайга қарагандай ҳайрон боқардик.

Фузорда у дамларда меҳмонхона бўлмаган. Шунинг учун таълим муассасасига яқин Эскибоғ қишлоғидаги хонадонларнинг бирдан ажнабий муаллим учун ётоқ ҳозирланди.

Аслида барчамизнинг ичимизда бир ҳадик бор эди: у америкалик бўлса, бизнинг янтоқ ялаган дашт қишлоқларимиз хуш келармикан?

Бора-бора Женг лицейдан ярим чақирим узоқда яшайдиган Норхол хола оиласининг аъзосига айланди: унга Жаҳонгир деб ўзбекча исм беришди.

Меҳмон кўнгли тоза йигит, эл-улусга аралашиб кетди.

Женг Лини казо-казолар тез-тез меҳмонга олиб кетишар, у борган хонадонда байрам бўларди.

Менга эргашиб, уйимизга ҳам келарди. Оиламизга шунчалик яқин бўлиб кетгандики, уни ортиқча дабдабасиз кутиб олиб, онам пиширган одатий таом билан сийлардик.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир куни онамнинг тоби қочди, сабоқда Женгга бу ҳақда айтдим, унинг изтироб чекаётганини кўрсангиз эди... Навбатдаги дарсдан сўнг мен билан уйга келиб, ҳол сўраган ва доридармон ҳадя қилганди.

У бировнинг уйига ҳеч қачон қуруқ кириб бормасди: ҳеч бўлмаса иккита бўлка нон кўтариб кирар, нега олиб келасан десанг, «бу ўзбекча урф-одат» дер эди жиламайиб.

...Бир куни Тўхтасин муаллим Женгни тўйга олиб борибди. Давра қизиган, дастурхон мўл-кўл, ҳамма ўзи билан ўзи овра эмишу, меҳмон дастурхондан ўзини тортармиш.

– Олақол, – дебди муаллим Женгга.

– Мен еёлмайман, бунча нарсанинг пулини тўлашга қурбим етмайди! Охирида ҳисоб-китобни нима қиламиз, – дер эмиш меҳмон хижолатомуз.

Директор кулгидан ўзини тийиб ололмай, анча пайт ҳаммага айтиб юрганди шуни.

Ўзбек-ку содда, Женг ундан ҳам содда йигит экан!

Ажнабий муаллим қисқа муддатда лицейдаги барча ўқувчиларнинг меҳрини қозонди. Одамохунлиги, ўзига талабчанлиги, касбига садоқати билан йигит-қизларга ўрнатқ бўлди! Тўғриси ҳам шунда, аввало муаллим ўқувчига ибрат бўлиши керак.

У тез орада ўзининг фидойилиги, масъулиятли, билим ва иқтидорга эга педагог эканини намоён эта олди. Инглиз тилининг ҳар бир қоидабини бафуржа тушунтирар, дарсларда турли тарқатма материаллардан фойдаланиб, ҳар бир ўқувчи билан эринмай шуғулланарди. Ҳаммамиз унинг дарсига шошардик.

Мен ажнабий муаллим келгунига қадар инглиз тилини ўрганишга қаттиқ қиришганман. Аммо талаффузимдан сира қониқмасдим. Устоз Женгнинг машғулотлари бу муаммони бартараф этди.

Биз – ўқувчилар унинг фотоалбомини томоша қилишни хуш кўрардик. Албомдаги у ўсиб-улғайган Калифорния штати манзаралари, иморатлар ва одамларнинг суратлари мўъжизавий олам бўлиб кўринар, ҳавасимиз келарди.

Лицейга Тошкентдан Женг Лининг яшаш ва иш шароити, фаолияти билан танишиш мақсадида тез-тез комиссия келиб турар ёки унинг ўзи Қашқадарё вилояти мутасаддилари билан учрашиш учун Қарши шаҳрига борар эди. Бундай кезларда маъмурият, қолаверса, Женг Ли мендан тилмочлик қилишимни сўрарди. Жон деб борардим.

Ҳар бир дарсини инглиз тилида қўшиқ билан бошлар, эринмай қўшиқларнинг матнини ёзиб келиб, ўқувчиларга тарқатарди.

Меҳмон муаллимнинг шарофати билан ўша дамлар лицейда муҳит ўзгарди, ўқувчиларнинг интилиши ортди. Фақатгина тил ўрганишга эмас, спорт билан шуғулланиш, китоб ўқиш, маданий тадбирлар, мусобақалар ташкиллаштириш – барчасини Женг кўтаринки руҳда ўтказишга ҳаракат қиларди.

Женг Ли жуда истеъдодли эди. У чизган расмлар ҳақиқий рассомларникидан қолишмасди. Бундан ташқари, у оригами (қоғоздан турли шаклларни яшаш) ва шахмат устаси эди.

Спорт билан мунтазам шуғулланар, яхши таэквондочи ва каратэчи эди, ҳеч бекор ўтирмасди: бир неча гуруҳга дарсдан ташқари тўгараклар ташкил қилар, кун бўйи муассасага фойз бериб юрарди.

Кўплаб ўқувчиларнинг қишлоқ муҳити учун бутунлай янги спорт тури – бейсболга меҳри ортди. Женг Америкадай жойдан ўзи билан бейсбол тўпи ва таёқчаларини

олиб келган экан, ўқувчилар унга эргашиб, бўш пайтда майдондан чиқмасди.

Ундаги фаоллик бутун вужудимизда ҳаётга, билимга иштиёқни оловлантирарди.

Бир куни кутилмаган ҳодиса рўй берди. Дарс ўтиб тургандик, ер қаттиқ силкинди. Лаҳзада ҳаммани ваҳима босди. Ўқувчилар гуррос ташқарига талпинди. Йўлакларда тўс-тўполон, қий-чув, ким йиқилиб, ким сурилиб ҳовлига отилиб чиқди. Фақат биргина инсон ҳовлидаги тумонат одамлар орасида йўқ эди.

Раҳбарият ажнабий муаллимни ахтариб бинога кириб кетди. Женг муаллим синфхонанинг бир четида партанинг остига кириб ўтирганмиш.

– Устоз, сиз нега зилзилада кўчага чиқмадингиз? – сўрадик биз муаллимдан.

– Бизга Америкада шундай ўргатишган. Ер силкинса, хавф-хатарни камайтириш учун бинонинг бурчагида қолиш, ваҳима кўтариб, зина ва йўлакларга югурмаслик кераклиги, бу, аксинча, хавфни кучайтириши ҳақида гапириб берди.

Биз қўлимизни иягимизга тираб, унинг ҳаёти, қизиқарли ҳикояларини тинглардик. Унга меҳримиз тобора ортиб борарди.

У мусулмон эмасди, лекин покиза иймони юзида барқ уриб турарди. Одамларни, эзгулик қилишни яхши кўрарди. Ҳар бир амалида, ҳар бир қадамида эзгу фазилатлари акс этиб турарди.

Бир куни қувончдан кўзлари порлаб деди:

– Биласанми, Лазиз, Ўзбекистонга келганимнинг яна бир фойдали тарафи – бу ерда кўплаб ҳайвонларни ўз кўзим билан кўрдим, – нигоҳига боқиб, унинг беғубор ҳайратидан мен ҳам завқландим. – Масалан, эшак, тулки, куён, типратикан, тошбақа, илон, калтакесакни аввал фақат телевизорда кўрганман...

Одамлар Женг Лининг кўчада тушовланган эшакнинг бошини силаб, унга жўхори бериб юрганини ҳалигача кулиб эслайди.

*Одамлар Женг Лининг
кўчада тушовланган эшак-
нинг бошини силаб, унга
жўхори бериб юрганини
ҳалигача кулиб эслайди.*

Биз учун бу кулгили, эшакнинг меҳнати қадрламай, ўзини калтаклашга ўрганганмиз. Бу жониворга табиатнинг бир яратиги, умуман ҳайвонот оламига меҳр бериш зарурлигини тушунсак ҳам идрок этмаймиз. Женгнинг қарашлари, хулосалари бутунлай бошқача эди. Унда шафқат бор эди.

Бирор бола ерга чиқинди ташласа, ғазабга минарди. «Ўзбекистонни ифлос қилма» деб қаттиқ танбеҳ берарди.

У ўзбек эмасди, аммо Ўзбекистонни биздан кам яхши кўрмасди!

Унинг қалбида ватанпарварлик жўш уриб турар, Американинг муҳаббати билан яшарди. Ҳар бир миллий байрамини лицейда биз билан бирга нишонларди.

Ҳеч кимни камситмас, ранжитмас, ғийбат қилмас, орқасидан тош отмас эди.

Женгнинг жуда улкан юраги бор эди, уни мисқоллаб бизга бўлиб берганди. Шунинг учун унга меҳр қўйгандек. Шунинг учун унинг қалбига талпинардик!

Бирор бола ерга чиқинди ташласа, ғазабга минарди. «Ўзбекистонни ифлос қилма» деб қаттиқ танбеҳ берарди.

Женг Ли ўзида ўзбекларнинг меҳмондўстлиги ва исломий одоби катта таасурот қолдирганини қайта-қайта айтарди. Ўзбек таомларидан айниқса сомсани яхши кўрарди.

Унинг белгиланган муддати тугаб, уйига қайтиб кетиши ҳаммамизни йиғлатди.

Ҳатто Шокир сомсапазни ҳам. Уни баъзан дам олиш кунлари ана шу сомсахонадан топар эдик. Женг шу содда сомсапазнинг суҳбатини ҳам, у пиширган сом-

саларни ҳам хуш кўрар, доим хушчақчақ гурунги устидан чиқардик.

Биз ўзбеклар ҳар қандай инсонни, миллатидан қатъи назар, миллий таомларимиз билан лол қиламиз. Женг Ли ҳам бу борада ўзбекка мағлуб бўлган, ўзбек таомларига чинакам боғланган эди.

Лицейнинг мўъжаз хонасидаги столда Женгнинг лағмон ўралган санчқини оғзига тутиб турган сурати ҳозирам бор.

Тутинган онаси Норхол онанинг айтишича, бир куни тунда овқатни кўп еб қўйиб, ҳарсиллаб ҳушидан кетганмиш. «Тез ёрдам» чақириб, базўр ўзига келтириб олишган. Билмадим, бу овқатданми ё ўша дамларда бетоб бўлганми?

Норхол онанинг кенжаси Сирожидинни етаклаб, Тугал қишлоғининг адирларига чиқиб кетгани, олис-олисларга узоқ термилиб дилини ёзганида нима синоат бўлган?

Ҳамма ўқувчилар Женг Лини юртига кетмай туриб соғина бошлади. Аммо ноиллож, келишув шундай бўлган. Битим тугаган, мақсадга эришилган, тамом-вассалом!

2000 йил баҳор ойлари... Лицейни тамомлаш арафасида мендан қайси олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчи эканлигимни сўради, суҳбат асносида таржимонликни танлашимни айтди.

Мен эса унга халқаро журналистика факултетига ўқишга кириш ниятида эканимни, яхши томони, у ерда инглиз тили ҳам кучайтирилган тарзда ўргатилишини айтдим.

Ўша йили ўқишга кирдим. Халқаро журналистика факултетида америкалик кўплаб ўқитувчилар дарс берар, улар мен билан суҳбатлашса, талаффузимдан қониқиб, «сизга америкаликлар дарс берганми?» деб сўрар эди.

«Ҳа» дер эдим кўксимни кериб. «Қаерда?» деб сўрашарди улар. Женг Ли ҳақида гапирсам, Ўзбекистоннинг бир чекка қишлоғидаги қийин шароитга кўниқиб, ўқувчиларга дарс бераётган ватандоши борлигидан фахрланишарди.

Мен пойтахтда, Женг Ли қишлоқда: тез-тез хат ёзишиб турардик. У менга ўз устимда ишлашим зарурлиги хусусида қимматли маслаҳатлар берарди.

2001 йилда қишки таътилда уни кўргали бордим, жуда хурсанд бўлиб кетди, соатлаб гурунглашдик: «2001 йил кириб келди, шу йилнинг август ойида шартномам тугаб, АҚШга қайтаман» деганди қувониб.

Америкада ота-онаси – Ома тоға, Апа хола, акаси Хи Янг ва синглиси Сисс борлиги ҳақида ўзидан кўп эшитардим. Отаси дурадгор, ўзи бўлса Сан-Хосе давлат университетида таҳсил олганини, келгусида илмий иш қилиш ниятида эканини бот-бот такрорларди.

Балки онаси зорланиб чорлаётгандир, Апа хола фарзандини қаттиқ соғингандир, кўзи кутаётгандир. Ўғлини қандай кутиб олиш ҳақида ўйлаб, севинчдан неча бор киприги ёшлангандир.

...Ўшанда ёзги таътилда Фузорда эдим.

Ажнабий муаллимнинг юртига қайтиб кетганининг соғинчи битмай, бир совуқ хабар кириб келди. Гўё ҳаммаёқни муз қоплагандек бўлди: ҳатто кўзларни, киприкларни, юракларни...

Отам кўчадан уйга ғамгин кириб келди. Унинг гапи якунига етмай, қулоғимда қаттиқ шовқин турди.

– Бўлиши мумкин эмас! – деб кўчага отилиб чиқдим.

Шумхабар бутун Фузорга ёйилди: «Америкалик ўқитувчимиз самолётда ўлибди...». Буни эшитиш чиндан даҳшатли эди.

Бутун лицей дод солди, ўқувчилар бири-бирига суяниб йиғлади, устозлар тўкилиб йиғлади...

Биз ҳодиса тафсилотини кейин эшитдик. Ўзбекистондан Нью-Йоркка учаётган самолётда Женг Лининг тўсатдан тоби қочибди, уни омон сақлаб қолиш учун учоқ Англия пойтахти – Лондонга қўнибди. Духтирларнинг ҳаракатларига қарамай, афсуски, Женгнинг жони узилибди. Ташхис – лейкомия (оққон хасталиги).

Норхол опа ўғлидек бўлиб қолган Женгнинг ўлиmidан қаттиқ изтиробга тушди. Уйида аза очиб, элга эҳсон берди. Ҳамма келди, халқаро ташкилот мутасаддилари, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари, ҳатто журналистлар тасвирга олиб, интервьюлар ташкил қилди.

Барча кўзида ёш билан ажнабий муаллимнинг қисматини юрагига оғир олди, у билан ўтган дамларни, хотираларни эслади.

Бошида айтганимдек, инсон ўзининг ҳаёти қандай бошланиб, қандай тугашини билмайди... Женг Ли муаллим қисқа умр кўрди, аммо ўттиз бир йиллик умри давомида уни таниган барча одамларнинг юрагидан беназир инсон, меҳрибон дўст ва куюнчак устоз сифатида жой олди.

Бизларни шунчалик изтиробга солган Женг муаллимнинг вафоти ота-онасининг белини букиб қўйгани рост. Қанийди имкони бўлганда, улар ҳали ҳаёт бўлса, қаршимда ўтирган бўлса, фарзанди ҳақида, унинг яхшиликлари, ўзбексевар фазилатлари ҳақида йиғлаб сўзлаб берган бўлардим. Балки бир куни бунинг имкони бўлиб қолар...

Мен англаган ҳақиқат шу бўлдики, боланинг бегонаси бўлмагани каби уларга сабоқ берадиган, меҳри, иқтидори, ҳаёти билан ўрнак бўладиган муаллимнинг ҳам бегонаси бўлмайди.






Авазбек ШЕРМАТОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институти мустақил тадқиқотчиси

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЧЕГАРАСИ

«Pricewaterhouse Coopers» (PwC) халқаро аудит компанияси тадқиқотига кўра, 2030 йилда сунъий интеллект технологияларининг глобал ялпи ички маҳсулотдаги улуши 15,7 трлн долларга етиши мумкин. Жаҳон иқтисодиётида СИ улушининг бундай ортиб бориши ривожланаётган мамлакатларда соҳани тизимли татбиқ этиш, аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш каби масалаларни кун тартибига қўймоқда. Юртимизда ҳам СИ сиёсатини институционал амалга ошириш, технологиянинг аҳоли турли қатлами, айниқса ёшларга тўсиқсиз етиб боришини таъминлаш борасида муҳим қадам ташланаяпти. Ҳозирги рақамли трансформация замонида ёшларнинг маънавий-маърифий, ғоявий тарбияси фақат таълим тизимининг иши эмас, балки давлатнинг ахборот хавфсизлиги, кадрлар тайёрлаш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим вазифаси сифатида кўрилмоқда.



Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишда, ёшларнинг чексиз билимлар манбаига йўл топишида, илм-фаннинг замонавий ютуқлари билан ҳамнафас бўлишида СИ қўл келиши шубҳасиз. У шахсга йўналтирилган индивидуал таълим қамровини кенгайтиришда ҳам асқотади. Масалан, UNICEF билан ҳамкорликда юртимизда ўқитувчиларнинг рақамли саводхонлиги ва кўникмаларини мустаҳкамлаш бўйича турли синов лойиҳалари амалга ошириб келинмоқда.

Шу кунларда болаларга СИни ўргатишни мактаб ёшиданоқ бошлаш ташаббуси илгари суриляпти. 2025 йил сентябр ойида давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида 2026/2027-ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг юқори синфларига СИ бўйича дарслар киритилиши таъкидланган эди. Бошланғич синфларда ахборот технологиялари дарси ўқитилиши ҳисобга олинса, битирувчилар СИдан фойдаланиш учун зарур технологик қурилмаларни етарлича ўзлаштирган бўлади. Шу тариқа мактаб ўқувчилари СИ тадрижи билан ҳамоҳанг равишда ўсиб бориш имкониятига эга. Бу глобал технологик пойгада энг муҳим потенциал – ёшлар билан муносиб қатнашишга имкон бериб, миллий манфаатларимизга тўлиқ жавоб беради.

СИ индивидуал билим олиш, масофавий ўқиш имкониятини кенгайтириш ва келажакда ўқувчига ўз йўлини топишга ёрдам беради. Ўқувчининг қизиқиши, мойиллиги ва кўникмалари таҳлил қилиниб, шунга мос йўналиш ва касблар ҳақида маълумотларни тақдим этиш имконияти яратилади. Бу маънавий-маърифий тарбияда муҳим аҳамиятга эга.

Сининг ёш авлод таълим-тарбиясига салбий таъсири ҳам талайгина. Ўқувчилар топшириқларни турли чатботлардан («ChatGPT», «Grok», «Gemini» кабилар) осонгина юклаб олиши мумкин. Сунъий идрокнинг омалашуви медиасаводхонликни муҳим компетенцияга айлантириб юборди. Энди маънавий-маърифий тарбия фақат «қадриятларни сингдириш» эмас, ахборотни текшириш, манипулятив контентни ажратиш, шахсий «рақамли интизом»ни шакллантириш, СИнинг сунъийлигидан огоҳликни ҳам ўз ичига



олади. Сиёсий фанлар доктори Ш. Пахрутдиновнинг фикрича, медиасабоклар фанлар орасида «яширинган» ҳолда эмас, мустақил, тизимли ўтилиши мақсадга мувофиқ. Бу йўналишда узлуксиз таълим тамойилини қўллаш долзарб аҳамият эга. Бошланғич синфларда медиасаводхонлик асослари берилиб, ўқувчиларга ахборотни танқидий баҳолаш, ишончли манбаларни аниқлаш, ахборот хавфсизлигининг дастлабки қоидалари ўргатилиши даркор. Ўрта синфларда медиасаводхонлик билимдонлик даражасига кўтарилиб, ўқувчилар турли медиаканаллар билан ишлаш, ахборотни таҳлил қилиш, рақамли контент яратиш кўникмаларини ўзлаштиришлари керак¹.

СИ акс таъсирининг галдагиси – ёшлар нейротармоқ алгоритмлари таъсирида фақат ўз қарашларига мос келувчи маълумотлар билан тўлдирилган «акс-садо хоналари»га қамалиб қолиши мумкин². Бунда электрон қурилмаларга жойлашган алгоритмлар фойдаланувчи сўровлари, қидирувига асосланиб маълум бир қолип, филтр асосида маълумот

¹ Shukritdin Paxrutdinov. Ustunlikka erishish omili. «Jadid» gazetasining 2026-yil 1-yanvar soni, № 1 (105), 5-bet.

² Gaurav Goswami. AI Echo Chambers: How Algorithms Shape Reality, Influence Democracy, and Fuel Misinformation. TechRxiv. February 26, 2025. <https://doi.org/10.36227/techrxiv.174059950.03385147/v1>.

тақдим этишни бошлайди. Оқибатда СИ алгоритмлари менюга нимани киритса, ёшлар ўшани истеъмол қилишга мажбур бўлади. Объектив ҳақиқатни кўришни истамайди ва реал ҳаётдан узоқлашиб боради.

Ёшлар ва СИ муносабатларида имконият билан бирга тенгсизлик, ахлоқий меъёрларнинг бузилиши хавфи ҳам бор. Технологиядан фойдалана олишдаги тафовут ижтимоий адолатсизликка олиб келиши, СИдан ахлоқий ҳисоб-китобсиз фойдаланиш қайтариб бўлмас оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли СИни таълим-тарбия жараёнига киритишда фақат технология эмас, балки ижтимоий адолат ва ахлоқ мезонларига кўра ҳам иш тутиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистонда СИни ривожлантиришда глобал технологик янгиликларни кўр-кўрона кўчирмасдан миллий-маданий контекстдан, маънавий-ахлоқий мезонлардан келиб чиқиш ўринли. Масалан, маҳаллий СИ чатботи лойиҳаси – «Bonu AGI» бунга яққол мисол. Мазкур чатбот фойдаланувчининг сўровларига миллий маданий хусусиятларимиздан келиб чиққан ҳолда жавоб беради. Бу тизимга Ўзбекистон аҳолисининг қандай мулоқот қилиши, фикр юритиши ва саволларни қай йўсинда шакллантиришни яхшироқ акс эттириш имконини беради. Албатта, бу ҳали бошланиши. Энди шу турдаги ўзбекона СИ дастурлари сонини кўпайтириш, борларини эса узлуксиз мукамаллаштириб бориш муҳим.

Қисқаси, Ўзбекистонда СИни жорий этишда ёшлар таълим-тарбиясини ҳисобга олиб қуйидаги тавсиялар асосида иш кўрилгани маъқул деб ҳисоблаймиз.

Ўқитувчи – асосий шахс. СИ – ёрдამчи. Таълим жараёнида СИнинг кенг қўлланиши ўқитувчиларнинг ўрнини эгаллаб олиш хавфини кучайтиради. Энди сунъий идрокни таълимда чеклашга анча кеч. Аксинча, СИ билан мураса қилиб, унга ўқитувчининг ёрдამчиси экани, инсониятга хизмат қилишини таъминлаш зарур. Қанчалик ақлли ва мукамал бўлмасин, ҳаёт-мамот масаласи бўлган таълим ва тарбияни ҳиссиз алгоритмларга тўлиғича топшириб бўлмайди.

Медиамаърифат – замон талаби. Сунъий тафаккур билан боғлиқ хатарлар ортиб бораётган даврда медиасаводхонлик хавфларни камайитириши мумкин. Тарбия жараёнида,

ўқув дастурларида фактчекинг дарслари, манипуляцияни аниқлаш, «ахборот гигиенаси», «сунъий идрок қўллигидан қочиш» каби амалиётлар муҳим. Бунда медиасаводхонлик турли фанларда оз-оздан ўқитиш шаклида эмас, бошланғич синфлардан бошлаб узлуксиз бўлиши лозим.

Академик ҳалоллик чегаралари белгиланиши керак. СИнинг кенг тарқалиши фонида плагиат ва нейротармоқлар орқали матн яратиш амалиёти кучайиб боради. Шу боис таълимда унинг «рухсат этилган сунъий онг ёрдами» (масалан, режа, таҳрир, библиография тузиш кабилар) ва «тақиқланган ёрдам» (матнни тўлиқ ёздириб топшириш) каби чегаралари аниқ белгиланиши шарт. Мазкур масала бугун дунё илм-фанининг асосий баҳс мавзуларидан бирига айланган. «Интеллектуал вазифаларни нейротармоққа юклаб қўйиш» ўқувчининг ақлий салоҳиятига ҳам, академик обрўсига ҳам бирдек зиён етказди.

Ахборот ва махфийлик – муҳим масала. Ёшларнинг СИ билан яқинлашуви тартибли амалга оширилиши лозим. Сунъий онг асосида ишловчи ўйинчоқлар, рақамли қурилмалар ва иловалар орқали шахсий маълумотларнинг йиғилиши махфийликка таҳдид солади. Шу сабабли тарбиявий платформаларда шахсий маълумотлар тўплаб борилишини камайитириш, розилик беришда эҳтиёткорлик, шаффофлик ва хавфсизлик шартларига амал қилган маъқул.

Қадриятларга йўналтирилган контент тавсияси. СИ асосида ишловчи тавсия алгоритмлари контентни «энг кўп кўрилган», «энг кўп лайк йиққан» эмас, маънавий-маърифий мақсадларга хизмат қилувчи (китобхонлик, илмни тарғиб қилувчи, тарихий хотира, фуқаролик масъулиятини кучайтирувчи ва бошқалар) контентга устуворликни бериши лозим.

Хуллас, олим Ричард Сасскинд таъкидлаганидай, СИ ҳақида бир вақтнинг ўзида ҳам оптимистик, ҳам пессимистик фикрда бўлиш мумкин. У қўш тигли қиличга қиёсланиши бежиз эмас. Менимча, энг мақбул йўл – олтин ўрталиқни, яъни мувозанатли позицияни топмоқ, асосий таҳдидларни четлаб ўтган ҳолда СИни инсоният корига хизмат эттириш ҳақида оқилona мушоҳада юритмоқдир.

The background image shows a human hand on the left and a robotic hand on the right, both with glowing red lights on the fingers. A white rectangular box with a thin black border is centered over the image, containing text in Uzbek. The text is in a bold, sans-serif font, with the first line in italics and the rest in a regular weight.

*Академик ҳалоллик
чегаралари
белгиланиши керак.
СИнинг кенг тарқалиши
фонида плагиат ва
нейротармоқлар орқали
матн яратиш амалиёти
кучайиб боради.*

SUMMARY

The initial 2026 issue of the “Ma’naviy hayot” journal has been released. This edition features various articles covering historical, spiritual, social, and philosophical spheres.

In the “Navro’z gurunglari” column, a conversation between the folklore scholar Shomirza Turdimov and Jamila Asqarova titled “Neki ko’ngilda kechar, tabiatga ham ko’char” is featured.

Additionally, the traditional “Karvon qo’ng’irog’i” column of “Ma’naviy hayot” includes an article by Nodira Ofoq titled “Avvalgilarga o’xshamas.”

The “Millat xazinasi” column presents a collection of prayers and blessings recited during various ceremonies in the Fergana, Khorezm, and Surkhon oases.

The “XXI asr o’zbek fani” column features an interview with scholars Xurshida Ubaydullaeva and Shahnoza Rofieva titled “Ilm iste’dodni emas, izchillikni sinovdan o’tkazadi.”

In the “Tavsiya” section of our journal, Abduvoxid Hayit, a Candidate of Philological Sciences and poet, provides information on native alternatives to words intruding into our language.

In the “Surat va siyrat” column, Qulman Ochil’s article “Odamzod bir kuyki, talqini ming xil” discusses uzbek writer Murod Muhammad Do’sit, and his creative legacy.

Furthermore, in the “Kitobning kuchi” section, Shodmonqul Salom’s article “Erdam bashi til” provides a detailed analysis of the book “Devonu lug’otit turk.”

In the “Tarix bilan yuzma-yuz” column, readers can explore the article “Mashrab mozaikasi” by Abdusattor Jumanazar, a senior researcher at the Abu Rayhon Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan.

In the “Xotira darslari” column, you can read Faxriddin Hayit’s article, “Muallimning begonasi bo’lmaydi.”

The final article in the “Mavzu va tahlil” section is titled “Sun’iy intellekt chegarasi” by Avazbek Shermatov, an independent researcher at the Institute of Social and Spiritual Research.

Муассис:

Республика Маънавият
ва маърифат маркази

Бош муҳаррир:

Эшқобил ШУКУР

Ижодий гуруҳ:

Азим РЎЗИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Шодмонкул САЛОМ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Муслмон НАМОЗ
Ҳасан КАРВОНЛИ
Шаҳноза РОФИЕВА
Гулжаҳон НОМОЗОВА
Азиз НОРҚУЛОВ
Дилмурод ДЎСТ

Масъул котиб:

Орзу АЪЗАМ

Фотограф:

Султонбой ДЕҲҚОНОВ

Орқа муқова:

Сарвар ЎРМОНОВ

Манзил:

Тошкент шаҳри,
Бобур кўчаси, 9-уй.
е-mail: manaviyhayot@inbox.ru
Тел.: 55 508 85 31 (қабулхона);
97 731 87 01 (маркетинг ва
реклама бўлими)

Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигидан
30.06.2015 йилда 0828-рақам
билан руйхатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.
Журналдан кўчириб босилганда
манба қайд этилиши шарт.

Босишга 23.04.2026 да рухсат
берилди. Бичими 60x84 1/8.
Офсет усулида босилди.
Босма табоғи 14,0.
Буюртма № 26-330.
Адади 5280 нусха.
Обуна индекси: 919
ISSN 2181-7766

Журнал «Ўзбекистон нашриёти» да
чоп этилди.

Манзил: 100129, Тошкент ш.,
Шайхонтоҳур тумани, Навоий
кўчаси, 30 уй.



ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ
№1 (49), 2026